

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УЎК:821.512.133.09

ТУЛАБАЕВА РУХСОРА САЙФУЛЛАЕВНА

**ХУДОЙБЕРДИ ТЎХТАБОЕВ РОМАНЛАРИДА
БАДИИЙ ПСИХОЛОГИЗМ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

илмий даражасини олиш учун ёзилган

ДИ С С Е Р Т А Ц И Я

**Илмий раҳбар: Каримов Баходир Нурметович
филология фанлари доктори, профессор**

Тошкент - 2019

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3-11
I БОБ. Бадий адабиётда психологик таҳлил муаммоси	
1.1. “Бадий психологизм” тушунчаси ва психологик таҳлил муаммоси	12-27
1.2. Болалар насрида психологик тасвир масаласи	27-46
II БОБ. Бадий асарда ўсмир руҳиятини тасвирлаш воситаси ва усуллари	
2.1. Бадий мулоқот ўсмир психологиясини тасвирлаш воситаси сифатида	47-74
2.2. Ўсмир руҳиятига ижтимоий муҳитнинг таъсири масаласи	74-94
III БОБ. Ёзувчи концепцияси ва бола руҳий дунёсидаги ўзгаришлар таҳлили	
3.1. Ёзувчи биографияси ва бола руҳияти ўзига хослиги	95-114
3.2. Қаҳрамон руҳий олами ва ёзувчи концепцияси ифодаси	114-132
IV УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР	133-136
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	147-145
Эълон қилинган ишлар рўйхати	146-148

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё адабиётшунослигида ҳар бир халқнинг ўзига хос турмуш тарзи ва маънавияти унинг санъати, адабиётида акс этиши ўрганилган. Шу маънода, адабиёт миллат ҳаётининг, халқ маънавиятининг кўзгусидир. Шакл ва мазмун жиҳатидан етук бадиий асарлар китобхонга нафақат эстетик завқ, балки маънавий озуқа ҳам беради. Шундай экан, юксак бадиият намуналари бўлган асарларни ўрганиш, тадқиқ этиш адабиётшуносликнинг ҳам олдидаги муҳим вазифадир. Дунё адабиётшунослигида янги тадқиқот методлари шаклланди. Биографик, социологик, герменевтик, психологик таҳлил сингари методлар инсоният тафаккури маҳсули сифатида майдонга келди. Бадиий асар таҳлилга тортилар экан, ундаги қаҳрамонлар руҳияти, ички оламини ёритиш жаҳон адабиётшунослигида тобора кенгайиб бормоқда. Шу маънода, бадиий психологизм масаласи катта аҳамиятга эга.

Жаҳон адабиётшунослигида XIX аср охири – XX аср бошларига келиб психологик метод шаклланди. Ушбу метод асосида бадиий асарларни текшириш, умуман, бадиий психологизм муаммоси бош планга чиқди. Муаммонинг кенг қамровда ўрганилиши исботи ўлароқ жаҳон ва рус адабиётшунослигида З.Фрейд, Л.Чернишевский, В.Белинский, Л.Гинзбург, А.Есин каби олимларнинг бадиий психологизмга оид ишлари яратилди. Психологик нуқтаи назардан, бадиий асар тил ва услуб гўзаллиги билан бир қаторда образлар табиати, қаҳрамон руҳияти, унинг ички кечинмаларини ҳам теран тасвирлаб берсагина ҳар жиҳатдан мукамал ҳисобланади. Шу маънода, адабий қаҳрамоннинг руҳий ҳолати, ана шу руҳий ҳолатнинг бадиий талқинини тадқиқ этиш зарурат саналади.

Ўзбек адабиётшунослигида бадиий психологизм, руҳий таҳлил сингари мавзуларда айрим олимлар иш олиб борганлар. Аммо айна ҳодиса ўзбек болалар адабиёти доирасида махсус тадқиқ этилмаган. Зеро, болалар учун ёзилган ёки бола қаҳрамон бўлган асарларда ҳам бадиий образларнинг руҳий

дунёси тасвирланади. Шу маънода, ўзбек болалар адабиётида психологизм масаласини Худойберди Тўхтабоев романлари мисолида алоҳида ўрганиш ўринли, деб ҳисоблаймиз. Бошқа халқлар адабиётида бўлгани сингари ўзбек адабиётида ҳам шундай асарлар борки, унда миллий ва умуминсоний кадриятлар, инсон ички кечинмаларининг ўзига хос жиҳатлари юксак маҳорат билан акс эттирилган. Адабиётда инсон руҳияти тасвири ҳамиша муҳим масала саналади. Ўзбек болалар адабиётида бадиий психологизм масаласини ўрганиш жамиятимизда ёш авлодни маънан баркамол этиб тарбиялашда бадиий адабиётнинг ўрнини юксалтириш жиҳатидан ҳам аҳамиятли саналади. “Бундан юз йил муқаддам буюк ўзбек шоири Абдулҳамид Сулаймон ўғли – Чўлпон “Адабиёт яшаса, миллат яшар!” деган оташин даъват билан майдонга чиққан эди. Ҳаёт ва тарих синовларидан ўтган теран маъноли бу сўзлар бугун ҳам ўз аҳамияти ва қимматини йўқотган эмас. Дарҳақиқат, адабиёт, санъат ва маданият яшаса, миллат ва халқ, бутун инсоният безавол яшайди”¹. Адабиётни тарғиб этиш, ёш авлодни китобга муҳаббат руҳида тарбиялаш жамиятимиз олдида турган энг муҳим вазифа саналади. Айниқса, болалар адабиётини, бола китобхонлар қалбидан чуқур ўрин олган асарларни ўрганиш, таҳлил қилиш адабиётшуносликнинг ҳам олдидаги муаммолардан биридир. Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, ишимиз долзарблик касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сон Фармони; 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек

¹ Мирзиёев Ш. Адабиёт, санъат ва маданият яшаса, миллат ва халқ, бутун инсоният безавол яшайди. www.xabar.uz. 07.08.2018.

тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ВМҚ-304-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишлари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Болалар адабиёти масаласи жаҳон ва рус адабиётшунослигида муҳим тадқиқот объекти сифатида алоҳида эътиборга олинади. Бу йўналишда кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилган². Бугунги кунда ўзбек болалар адабиётида бир қанча шоир ва ёзувчиларимиз ижод этиб келмоқда, адабиётшуносликда ҳам болалар адабиёти тадқиқига бағишланган ишлар³ ёзилмоқда, монография ва рисолалар⁴, мақолалар⁵ чоп этилмоқда.

²Арзамасцева И.Н., Николаева С.А. Детская литература: Учебник для студентов высш. и средн. пед. учебн. заведений – М.: Издательский центр "Академия"; Высшая школа, 2000; Долженко Л.В., Савина Л. Н. Развитие концепции детства в русской литературе и критике XIX в.: Учеб. пособие к спецкурсу по детской литературе. – Волгоград : Перемена, 2001; Кузьмина М.Ю. Страшное в сказках К.Чуковского / Проблемы детской литературы. – П.:1995. – С.57-69; Кэмпбелл Джозеф. Герой с тысячи лицами. Пер. с англ. — Лтд.: София, 1997; Неолов Е. М. Фольклорная волшебная сказка и научная фантастика. – Петрозавд., 1983; Эриксон Э. Детство и общество / Пер. с англ. – СПб.: 2000; Гоганова А.В. “Пожилые” дети в романе А.Платонова “Чевенгур” // Вестник Московского университета. Серия 9: Филология. 2016. №1, – С.197; Камышанова Л. Пришелцы из страны приключений (О психологизме приключенческой прозы) // О литературе для детей. Выпуск 18-й. Сборник критических статей. – Л.: Дет. лит., 1974.

³Баракаев Р. XX аср бошларидаги ўзбек болалар адабиёти ва Абдулла Авлоний ижоди: Филол. фан.номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1994; Мусаева У.Х. Тўхтабоев романларининг сюжет-конфликт хусусиятлари: Филол. фан.номз. ... дисс. – Тошкент, 1997; Қосимов А. Адабиётда болалик маънавий-ахлоқий категория

Х.Тўхтабоев ижоди узоқ вақтлардан бери адабиётшунослар диққатини ўзига жалб қилиб келади. Унинг матбуот юзини кўрган ҳар бир янги асари ҳеч қачон эътибордан четда қолган эмас. Таниқли адабиётшунос олимларимиздан О.Шарафиддинов, М.Қўшжонов, С.Мамажонов, У.Норматов, А.Расулов, П.Шермухамедовларнинг илмий мақолалари, шунингдек, болалар адабиётининг кўплаб тадқиқотчилари ишларини мисол тариқасида келтириш мумкин⁶.

Ишимизнинг назарий масаласи бўлмиш психологизм муаммоси ҳам адабиётшунослар томонидан ўрганиб келинмоқда. Адабиётда бадий психологизм, қаҳрамонлар руҳияти масаласига оид кўплаб илмий ишлар⁷ олиб борилган, диссертация ва авторефератлар⁸ ҳамда мақолалар⁹ ёзилган.

сифатида. Филол. фан. номз.... дисс. автореф. – Тошкент, 1999; Турдиева К. Ҳозирги замон болалар шеърлятида маънавий масаласи: Филол. фан. номз.... дисс. автореф. – Тошкент, 2004.

⁴ Баракаев Р. Абдулла Авлоний ва ўзбек болалар адабиёти. – Тошкент, Фан, 2004; Болалар адабиёти ва замонавийлик. – Тошкент, Фан, 1981; Болалар адабиёти: ижодий-услубий изланишлар. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2009; Қахрамонов Қ. Адабий танқид ва ўзбек болалар адабиёти. – Тошкент, Фан, 1991.

⁵ Матжон С. Болалар адабиёти: санъатми ё тарбия? / Ўзбек адабий танқиди. Антология. – Тошкент, Turon-Iqbol, 2011. – Б.334-340; Норматов У. Болакай нигоҳидаги замон талотўплари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2012, 4-май; Ўша муаллиф. Ҳаёт ва ҳажвийёт / Нафосат гурунглари. – Тошкент, Мухаррир, 2010, Б.350-362; Раҳим Г. Ҳар гўдак бир мўъжиза// Жаҳон адабиёти, 2016, 6-сон, Б.138.

⁶ Қўшжонов М. Ўзига хос ижод йўли. – Тошкент, Ёш гв., 1982; Норматов У. Ақл ва қалб чироғи. – Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1983; Норматов У. Ижод сеҳри. – Тошкент, Шарк, 2007; Жумабоев М. XX аср ўзбек шеърлятида психологик тасвир маҳорати. – ДДА. – Тошкент, 2000; Жумабоев М. Болалар адабиёти. – Тошкент, Ўқитувчи, 2001; Жумабоев М. Ўзбек ва чет эл болалар адабиёти.–Тошкент, Ўзбекистон, 2002.

⁷ Плеханов В. Г. Литература и эстетика. В 2-х томах. Т. II. –М.: 1958; Бахтин М.М. Проблемы поэтики Достоевского. – М.: Сов.писатель, 1963; Гинзбург Л.Я. О психологической прозе. Изд. 2-е. – Л.: Худ.лит. 1976; Гинзбург Л.Я. О литературном герое.– Л.: Сов.писатель, 1979; Ананьев.Б.Г. Избранные психологические труды. 2-х томах. Т., М., Педагогика, 1980; Выготский Л.С. Психология искусства. 3-е изд. – М.: Искусство, 1986; Грифцов Б.А. Психология писателя.– М.: Худ. лит., 1988; Есин А.Б. Психологизм русской классической литературы. – М.: Просвещение, 1988; Эйхенбаум Б.О. О литературе: работы разных лет. – М.: Сов. писатель, 1987; Юнг К.Г. Структура психики и процесс индивидуализации. – М.: Наука, 1996; Фрейд З. Остроумие и его отношение к бессознательному / “Я” и “Оно”. Тбилиси: Мерани. – 1991; Жўрақулов У. Худудсиз жилва. – Тошкент, Фан, 2006; Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари. – Тошкент, Ғафур Ғулум номидаги НМИУ, 2015; Карим Б. Руҳият алифбоси. – Тошкент, Ғафур Ғулум номидаги НМИУ, 2015; Шермухамедов П. Руҳий олам кўзгуси. – Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1971; Шодиев Н. Мастерство психологического анализа Абдуллы Каххара (на примере произведений “Мираж” и “Птичка-невеличка”). АКД. – Тошкент, 1973; Шодиев Н. Руҳият рассоми. – Тошкент, Фан, 1977; Умутов Х. Бадий психологизм ва ҳозирги ўзбек романчилиги. – Тошкент, Фан, 1983; Пардаева З. Бадий-эстетик тафаккур ривожи ва ўзбек романчилиги. – Тошкент, Янги аср авлоди, 2002;

⁸ Алиев Б. Ҳозирги замон ўзбек шеърлятида психологизм муаммоси. Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, – 1994; Бобохонов М. Ҳозирги ўзбек қиссачилигида психологизм. Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2012; Жўраев Т. Онг оқими ва тасвирийлик: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1994; Казымов Т.М. Психологический анализ духовного мира героя и современные нравственные проблемы (на материалах произведений многонациональной советской прозы 80-х г.): Автореф. дисс... канд. филол. наук. – М.: 1990; Каримов Б. XX аср ўзбек адабиётшунослигида талқин муаммоси (Қодирийшунослик асосида): Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 2002; Кенжаева П. Ҳозирги ўзбек ҳикояларида қаҳрамон руҳиятини тасвирлаш.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ўзбек филологияси факультетининг фундаментал тадқиқотлар лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Худойберди Тўхтабоев асарлари мисолида бадиий психологизм, болалар образи психологияси, ижодкор руҳий олами ва қаҳрамон муносабати каби масалаларни ёритиб бериш.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

психологизмнинг қаҳрамонлар руҳияти ва ички дунёсини очиб берувчи восита сифатида шакллари, усул ва йўсинларини ўрганиш;

портрет, пейзаж, нутқ, ички монолог, туш, қистирма эпизод каби руҳий таҳлил воситаларининг характер табиатини очишдаги аҳамиятини белгилаш;

Х.Тўхтабоев асарларида болалар характери, уларнинг руҳият қирраларини ёритиш;

катталар ва болалар психологиясининг бадиий асарда акс этган ўзига хос жиҳатларини ёритиш;

муаллиф концепцияси ва характер хусусиятлари, қаҳрамон руҳияти ва конфликт муносабатларини текшириш.

Тадқиқотнинг объектини Х.Тўхтабоевнинг “Сариқ девни миниб”, “Беш болали йигитча”, “Ширин қовунлар мамлакати”, “Мунгли кўзлар” ва “Жаннати одамлар” романлари ташкил қилади.

Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2008; Қуронов Д. Чўлпон поэтикаси (Насрий асарлари): Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 1998; Расулов А. Ҳозирги ўзбек танқидчилигида таҳлил ва талқин муаммоси: Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 2002.

⁹ Абдурахмонова М. Характер психологизми, муҳит ва типик шароит // Ўзбек тили ва адабиёти, 1975. 2-сон, Б.29-35; Абдурахмонова М. Рус адабиёти ва ўзбек прозасида психологик таҳлил // Ўзбек тили ва адабиёти, 1976. 2-сон, Б.40-44; Жовлиев Б. Руҳиятдаги эврилишлар мифологик талқини // Тил ва адабиёт таълими. 2016. 10-сон, Б.39; Жўраев Й. Насрий асарларнинг психологик таҳлили // Тил ва адабиёт таълими, 2012. № 6. Б.31; Йўлдошев Қ. Романда шахс тасвири // Шарқ юлдузи, 2016. 11-сон, Б.119; Лихачев Д.С. Внутренний мир художественного произведения // Вопросы литературы, 1968. – № 8. – С.77; Назаров Д. Руҳиятнинг бетакрор тасвири // Тил ва адабиёт таълими, 2017. 8-сон, Б.34; Парандовский Ян. Сўз кимёси // Жаҳон адабиёти, 2017; 7-сон, Б.153-160; Фром Эрих. Инсон қалби // Шарқ юлдузи, 2015. 4-сон, Б.172; Хўжамкулов У. Бадиий портретда миллий ва руҳ ифодаси // Ўзбек тили ва адабиёти, 2015. 5-сон, Б.68;

Тадқиқотнинг предмети. Х.Тўхтабоев романларида бадиий психологизм, бола руҳиятининг ўзига хос қирралари, ёзувчи концепцияси ва қаҳрамон руҳияти ўзига хосликлари масалалари тадқиқот предмети ҳисобланади.

Тадқиқотнинг методологик асоси ва тадқиқ усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда тарихий-қиёсий, биографик, психологик, психо-аналитик, структурал таҳлил усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

Ўзбек болалар насрида, хусусан, Х.Тўхтабоев романларида психологизм, психологик таҳлил, психологик тасвир маҳорати масаласи ўрганилган ва бадиий психологизмга доир илмий-назарий хулосалар умумлаштирилган;

Х.Тўхтабоев романларида бадиий психологизм, болалар руҳияти муаммоси, болалар (ўсмирлар) психологиясининг ўзига хос жиҳатлари, болалар ва катталар аро муносабатлар, психологизмни юзага чиқаришда новербал мулоқотнинг ўрни каби масалалар очиб берилган;

Х.Тўхтабоев романларида кексалар психологиясининг болалар психологияси билан уйғун ҳолатда ёритилиши биографик метод талабларидан келиб чиққан ҳолда исботланган;

болалар характерининг турли қирралари, миллийлик хусусиятлари ҳамда бадиийлик жиҳатлари очиб берилган;

уруш даври фожиаларининг болалар руҳиятига таъсири, моддий қийинчиликлар ҳолатида бола руҳиятида юзага келган зиддиятлар таҳлили юзасидан келтирилган хулосалар далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бадиий адабиётда психологизм ва психологик таҳлил тушунчалари,шунингдек, болалар насрида психологик тасвир масаласи ёритиб берилган;

асарда бола қаҳрамон руҳияти маънавий-ахлоқий тамойиллар асосида очиб берилган. Шунингдек, диалогик ва новербал мулоқотнинг ўсмир руҳиятини очиб берувчи восита эканлиги аниқлаб берилган;

бадий асарда ёзувчи биографиясининг ҳам акс этиши мисоллар асосида кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияни шакллантиришда объектга ёндашув ва қўлланилган усулларнинг тадқиқот мақсадига мослиги, назарий маълумотларнинг илмий манбаларга асосланганлиги, танлаб олинган бадий манбаларнинг тадқиқот предметига мувофиқлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг биографик, психологик, психоаналитик, структурал таҳлил усуллари воситасида чиқарилгани, назарий қарашлар ва хулосаларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан аниқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти

Диссертация ишининг илмий аҳамияти матн устида ишлаш, бадий асарни биографик текшириш ва руҳий таҳлилни амалга ошириш соҳасидаги илмий ишлар, тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Диссертацияда келтирилган фикр-мулоҳазалар, хулосалар болалар адабиётини тадқиқ этиш борасидаги илмий ишларга манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ушбу диссертация иши материалларидан республикамиз олий ўқув юртларининг филология, ўзбек тили ва адабиёти ўқитиладиган факультетларида махсус курс ёки семинар машғулотлари ўтказишда, шунингдек, умумтаълим мактаблари, академик лицей, касб-ҳунар коллежларининг адабиёт ўқитувчиларига методик қўлланма сифатида фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади. Тадқиқот иши бадий асар таҳлили ва болалар адабиёти бўйича дарслик ҳамда ўқув қўлланмалари тузишда материал бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши

Худойберди Тўхтабоев романларида бадий психологизм бўйича олинган натижалар асосида:

адиб романларида бадиий психологизмга оид болалар руҳияти, бола образи табиати ва ички олами сингари таҳлил натижаларидан Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган А-1-61 рақамли “Кўриш имконияти чекланган талабалар учун тилшунослик фанлари бўйича аудиокитоб таъминотини яратиш” (2015–2017 йй.) амалий тадқиқот лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 18 мартдаги 89-03-1066-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек болалар насрида бадиий психологизм, болаларда вербал ва новербал мулоқот шаклининг аҳамияти ҳақида назарий хулосалар чиқарилган;

Х.Тўхтабоев романларида бадиий образ тасвирига оид образ психологияси, бола образи қирраларини намоён этувчи жиҳатлар таҳлили натижаларидан Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган А-1-118 рақамли “Алишер Навоий образининг тасвир ва талқинларига оид ўқув кўлланмасини тайёрлаш ва нашр этиш” (2015–2017 йй.) амалий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 10 июндаги 89-03-2425-сон маълумотномаси). Натижада Х.Тўхтабоев романларида бадиий образ тасвири, образ психологияси ҳақида назарий хулосалар чиқарилган;

адиб романларида кексалар психологиясининг болалар психологияси билан уйғун ҳолатда биографик метод натижаларидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги тасарруфидаги “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти томонидан бажарилган А-1-107 рақамли “XX аср ўзбек мумтоз адабиётшунослиги”, “XX аср ўзбек фольклоршунослиги антологияларини нашрга тайёрлаш” (2015–2017) мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг 2019 йил 18 октябрдаги 06-4138-сон маълумотномаси) Натижада Х.Тўхтабоев романларида бадиий

психологизм, бадий адабиётда болалар психологиясининг ўзига хос жиҳатлари каби масалалар ҳақида назарий хулосалар чиқарилган;

болалар характерининг турли қирралари, миллийлик хусусиятлари ҳамда бадийлик жиҳатларидан Ўзбекистон Миллий телерадио-компаниясининг “Ўзбекистон” телеканали томонидан тайёрланиб, эфирга узатилган “Ассалом Ўзбекистон!”, “Ойдин ҳаёт”, “Фикр.уз” кўрсатувларининг сценарийсини ёзишда фойдаланилган (“Ўзбекистон” телеканалининг 2019 йил 17 апрелдаги 02-13/746-сон маълумотномаси). Натижада мазкур кўрсатувлар орқали болалар адабиёти, хусусан, Х.Тўхтабоев асарларининг бадий қиммати, мавзу-мундарижасига оид муҳим фикрларни тақдим этишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий конференцияларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 9 та мақола чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрлар рўйхатида 6 та мақола, шундан 5 таси республика, 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, жами 148 бетни ташкил этади.

I БОБ

БАДИЙ АДАБИЁТДА ПСИХОЛОГИК ТАҲЛИЛ МУАММОСИ

1.1. Бадий психологизм тушунчаси ва психологик таҳлил муаммоси

Бадий адабиётда инсоннинг моҳиятини англаш, унинг ҳис-туйғу ва кечинмаларини ифодалаш бош омиллардан биридир. Шундай экан, инсон руҳий олами тасвири адабиётда эскирмайдиган, муҳим масала бўлиб қолаверади.

Замонавий адабиётда инсон руҳиятини тасвирлаш муаммоси тобора кенг кўлам касб этиб бормоқда. Инсон барча жонзотлардан азиз-у мукаррам қилиб яратилган экан, унинг маънавий, руҳий қиёфаси доимо энг эътиборли ўринларда туради. Шу сабабли ҳам инсоннинг маънавий, руҳий қиёфаси тасвирини бадий адабиётнинг муҳим омили сифатида эътироф этишимиз мумкин.

“Ёзувчи ўзи мансуб бўлган халқнинг миллий мавқеида мустаҳкам турса, тасвирланаётган воқеа-ҳодисаларга ўз халқининг илғор фарзанди нуқтаи назаридан қараса ва келажакка назар сола билса, унинг асарида ифодаланган миллий туйғулар умумбашарийлик тусини олади. Адабиётнинг бундай хислатларини эса китобхон, биринчи галда, қаҳрамон сиймосида, унинг фаолиятида, хатти-ҳаракатларида, қилиқ-одатларида, ахлоқ ва одобда кўради. Бадий адабиётдаги миллийлик фақат шакл ҳодисасигина эмас, айтиш чоғда, мазмун масаласи ҳамдир. Чунки бадий асарда миллатнинг иқтисодий-сиёсий турмуши, халқ дунёқарашининг ички мураккаб мазмуни ҳам акс этади”¹⁰.

В.Г.Белинскийнинг уқтиришича, санъаткор ўз асарида инсонни акс эттирар экан, ўша инсон кўланка эмас, балки жонли одамнинг ўзи бўлиши керак; у жисмоний тузилишига, характерга, ахлоққа, ўз одатига, хуллас, уни

¹⁰Ғойибов Н. Санъат тараққиётининг баъзи масалалари. Тошкент, Адабиёт ва санъат. 1970, 108-131 б.

хаётдаги бошқа одамлардан ажратиб турувчи барча индивидуал хоссаларга эга бўлиши лозим. Шунингдек, у муайян миллатга ва маълум тарихий даврга мансуб бўлмоғи даркор. Демак, бадиий асарда акс этган миллийлик санъаткорнинг хизматигина бўлиб қолмасдан, санъатнинг бевосита зарур шарти ҳамдир. Шу сабабли, миллийлик қанчалик аниқ ва чуқур акс эттирилган бўлса, санъат асари бадиий жиҳатдан шу қадар етук бўлади¹¹.

“Ҳар бир бадиий асар умумий ва айни пайтда ягонадир”¹². Умумийлиги – унда барча ижодкорлар томонидан қўлланиладиган воситалардан (тил, сюжет, қаҳрамон ва ҳоказо) фойдаланилади, ягоналиги – ушбу воситалар ўзига хос тарзда намоён бўлади.

Инсон руҳияти ҳақида кенг кўламли илмий тадқиқотлар олиб борган олим С.Л.Рубинштейн бадиий асарда инсон руҳиятининг тасвири ҳақида шундай дейди: “Сўз санъаткорлари қаҳрамон психологиясини тасвирлар экан, айнан унинг (қаҳрамоннинг) кечинмалари – камолотга эришишдаги индивидуал йўлини ҳаётининг бурилиш паллалари сифатида ёритишга интилишлари бежиз эмас. Игтифоқо, инсон кечинмалари – бу унинг реал ҳаётининг субъектив томони, шахс умр йўлининг субъектив аспектидир”¹³.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, бадиий асарда тасвирланган инсоннинг руҳий олами ўша қаҳрамонга хос бўлган бетакрор характер хусусиятлари, унинг кечинмалари, истеъдоди, маънавияти сингари жиҳатларда гавдаланади.

Адабиётда инсон ички дунёсининг чуқур бадиий тадқиқи “бадиий психологизм” деб аталади. Бошқача айтганда, психологизм – адабиёт ва санъатда инсоннинг психик, руҳий кечинмаларини теран тасвирлаш демакдир.

Шу ўринда бадиий психологизм тушунчасининг майдонга келиши ва қамровининг кенгайишига асос бўлган психологик метод ҳақида тўхталиб ўтиш лозим.

¹¹Қаранг: В. Г. Белинский. Полн. собр. соч., т. 5. – М.: АН СССР, 1954. С.317.

¹²Р. Уэллик и О. Уоррен. Теория литературы. – М.: Прогресс, 1978., - С.35.

¹³Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. – СПб.: Питер, 2000. – С. 13.

Бу борада А.Алимухамедов, Ҳ.Умунов, Д.Курунов каби олимлар муҳим тадқиқотлар олиб борганлар¹⁴.

Проф. Б.Каримовнинг таъкидлашича: “Адабиётшуносликдаги психологик метод (психогенетик мактаб) XIX аср 70-80 йилларида Ғарбий Европа ва Россия илмий муҳитида юзага келди.

XIX аср охири XX аср бошларида бу йўналишнинг Ғарбий Европада Э.Эннекен, В.Вунд, И.Фолькельт каби намояндалари фаолият кўрсатди. Психологик методнинг энг ёрқин намояндаларидан бири француз олими Эмиль Эннекен (1858-1888) психологик таҳлилда муаллиф шахсиятини айнан бадий асарнинг ўзидан излаш лозимлигига, бадий асарнинг барча қирраларини, эстетик ўзига хосликларини аниқлаш, билиш ва тушуниш ижодкорнинг қалбини англашга олиб келишига алоҳида урғу беради. (“История русского литературоведения”. 1980. М. “Высшая школа”)¹⁵.

Психологик методнинг тараққий топишида рус олими Д.Н.Овсяннико-Куликовскийнинг (1853-1920) хизмати катта бўлган. “Олим ўзининг “Тушуниш психологиясига доир” асарида англашга оид муҳим қарашларни илгари суради”¹⁶.

Шунингдек, Б.Каримов XX аср бошларидаги психоаналитик таълимот (Зигмунд Фрейд) ҳамда ушбу қараш юзасидан кечган баҳс-мунозаралар хусусида муҳим фикрлар билдиради. Ҳақиқатдан ҳам, Фрейдизм ёки психоанализ тушунчаси психологик методнинг бир йўналиши сифатида майдонга келди. Бироқ унинг Шарқ фалсафаси ва маънавиятига мос келмайдиган қирралари (ҳамма нарсани жинсий майллар билан боғлаш) ханузгача мунозарали бўлиб қолмоқда.

Зеро, Шарқ фалсафасида инсоннинг қалби, унинг руҳан-қалбан покликка, баркамолликка интилиши, маънавияти бирламчи ўринда туради.

¹⁴Алимухамедов А. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида психологик тасвир // Ўзбек адабий танқиди (Антология). Тошкент, Тигон-Iqbol, 2011. 544 б. Б. 51-64. Умунов Ҳ. Бадий психологизм ва ҳозирги ўзбек романчилиги. – Тошкент, Фан, 1983. Курунов Д. Роман ҳақида айрим мулоҳазалар. 22.03.2013 web: www.ijod.uz.

¹⁵Каримов Б. Рухият алифбоси. Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2016. – Б 178.

¹⁶Шу манба. – Б 178. Бу ҳақда қаранг: Эннекен Э. История русского литературоведения. М.: Высшая школа. 1980.

Айни ҳодиса Шарқ мумтоз адабиётида (Низомий, Румий, Фузулий, Атоий, Навоий, Бобур сингари шоирлар ижодида. – Р.Т.) яққол ифодасини топган.

Психологизмда қаҳрамоннинг ички дунёсига чуқур кириб бориш атрофлича, кенг тасвир, унинг қалбидаги турли ҳолатларни таҳлил этиш, нозик ҳиссиёт ва кечинмаларга эътибор бериш каби масалалар бирламчи ўринда туради.

Психологизм бадиий адабиётда уч асосий кўринишда: адабиётнинг туғма белгиси, муаллиф психикасининг муайян ифодаси, муаллиф томонидан онгли танланган, асар яхлитлигини белгилайдиган эстетик тамойил сифатида намоён бўлади¹⁷. Баъзан бадиий асарда қаҳрамон психологияси ёзувчи психологияси билан уйғунлик касб этади ва асарни таҳлил этиш бевосита ёзувчи ҳаёти ва таржимаи ҳолига оид маълумотларни ҳам билишни талаб этади.

Психологизм шундай мураккаб тушунчаки, у ўзида бевосита муаллифнинг психологиясини ҳам қамраб олади. Бу ҳақда Ги де Мопассан шундай ёзган эди: “Ҳиссиёт органлари ёрдамида анланган ҳаёт ҳақидаги тушунчаларимиз, дунёни тушунишимиз, бизнинг сезгиларимиз – буларнинг ҳаммасининг маълум бир қисминигина ўша персонажга, биз яширин ва сирли моҳиятларини очмоқчи бўлган қаҳрамонларга юклаймиз. Шундай қилиб, фақат ўзимизни ҳамма вақт шоҳ, жаллод, ўғри, монах аёл, қиз ёки бозор савдогари қиёфасида кўрсатамиз, чунки биз ўз олдимизга шундай масалани кўямиз: “Агар мен шоҳ, жаллод, ўғри, монах аёл, қиз ёки бозор савдогари бўлганимда, нима қилардим, нимани ўйлардим, қандай ҳаракат қилардим”¹⁸.

Демак, психологизм адабиётнинг ўзига хос қонуний ҳодисаси бўлиб, ёзувчи руҳияти ҳам асар таркибида намоён бўлади.

Психологизмни санъаткор шахсидан ажратиб тасаввур қилиш мумкин эмас. Ҳар қандай асардаги психологизм тасвирида ўша асарни яратувчи ёзувчининг ўзига хос психикаси имкониятлари намоён бўлади.

¹⁷Бобохонов М. Ҳозирги ўзбек қиссачилигида психологизм. Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2012. – Б.18.

¹⁸Мопассан Ги де. Полн. собр. соч. В 12-ти томах, Т. 8. – М, 1958, С. 14-15.

Бадиий асарни ўқир экан, китобхон асар қаҳрамони кечинмаларини бевосита ўзида ҳис этади, қаҳрамоннинг руҳиятидаги ўзгаришлар, ҳолатлар китобхонга “юқади”. Зеро, инсон қалби тўлиғича тушунтириб бериб бериб бўлмайдиган ҳилқатдир. Баъзан бадиий асар қаҳрамонининг руҳияти китобхон руҳияти билан ҳам уйғунлик касб этиши мумкин.

“Психологизмда классик адабиётнинг узоқ йиллик тарихий ҳаёти сирларидан бири яширин: инсон қалби ҳақида гапирар экан, у ҳар бир китобхон билан унинг айнан ўзи ҳақида гаплашади”¹⁹.

Адабиётшуносликда бадиий психологизм масаласини тадқиқ этган И.В.Страхов, С.Г.Бочаров, А.Н.Иезуитов, Л.Я.Гинзбург, В.В.Компанеец, М.Б.Храпченко, А.Б.Есин, А.В.Кареольский, Л.Колобаева, Е.Г.Эткинд, Д.Хализев, Ҳ.Умуров каби олимлар “психологизм” терминини турлича тадқиқ этишган.

“Бадиий психологизм” тушунчаси билан бир қаторда “психологик таҳлил”, “психологик тасвир”, “қалб диалектикаси” каби терминлар ҳам кенг қўлланилиб келинган.

“XX аср адабиётида психологизм нафақат қаҳрамон ички дунёсини ёритиш воситаси, балки “сюжетни белгиловчи ва структура ҳосил қилувчи таъсирчан омил” (Н.Лейтес) сифатида ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қола олди, қаҳрамон руҳиятини унинг “ботиний фурсатлари” (Л.Колобаева) орқали аниқлашнинг хронотопик усуллари бот-бот ўз тасдиғини топмоқда”²⁰.

Тарихий ўзгарувчан феномен сифатида психологизмнинг бундай идрок қилиниши уни ўрганишда ҳам бўлакча ёндашувларни, энг аввало, илмий текширишда қиёсий-тарихий, биографик, структурал, герменевтик, биографик методларнинг муҳим эканлигини, муаммони бир бутун ҳолда текширишни талаб қилади.

¹⁹Есин А.Б. Психологизм русской классической литературы. – М.: Просвещение, 1988. – С.176.

²⁰Бобохонов М. Ҳозирги ўзбек кассачилигида психологизм. Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2012. – Б.18.

Психологик таҳлилни характерларни тасвирлашнинг ички (монолог, хотира, ассоциациалар ва тасаввур образлари) ва ташқи (мимика ва психикага доир бошқа ташқи кўриниш ҳолатларининг ҳиссий ўзига хослигини намоён қилиш) формаларига ажратиш мумкин.

Психологизм бевосита муаллиф мулоҳазаси ёки қаҳрамонларнинг ўз-ўзини таҳлил қилиши шаклида ва ёки билвосита қаҳрамонлар мимикаси, хатти-ҳаракатини кўрсатиш шаклида амалга оширилади.

Америкалик олимлар Рене Уэллек ва Остин Уорренлар томонидан ёзилган “Адабиёт назарияси” (1978) китобида адабиёт ва психология масаласига алоҳида тўхталиб ўтилган. Ёзувчи руҳияти билан ижод жараёнининг боғлиқлиги ҳақида фикр юрита туриб, муаллифлар, жумладан, шундай фикрга келадилар: “Ижод жараёни бўйича олиб бориладиган ҳар қандай замонавий тадқиқот онглилик ва онгсизлик ҳолатларининг иштироки масаласини ўртага қўяди...”

Агар ёзувчида ўз шахсий ижоди муаммолари юзасидан ўйланишга майл бўлса, табиийки, у онглилик хусусида – масаланинг техник томони ҳақида мулоҳаза юритишни афзал кўради. Чунки у мазкур ҳолатнинг эгаси сифатида ўзи томонидан англолмаган, аммо унга материал, ойна, призма сифатида хизмат қилган, четдан “берилган” тажриба ҳақида гапиришни ўзига эп кўрмайди.

Психология сўз санъаткорини реалликка янада яқинлаштириши, унинг кузатувчанлигини ошириши, ўз ижодий кучини сарфлаши учун янги соҳалар очиши мумкин. Аммо ўз-ўзидан аёнки, психология ижоднинг фақат тайёргарлик босқичидир.

Санъат асарига “психологик ҳақиқат” ягона бир шарт – структуранинг тартибга солинган мураккаблиги билан ўзаро алоқадорликдагина, қисқарок айтадиган бўлсак, агар унинг ўзи санъат бўлсагина, бадиий қиммат касб этиши мумкин”²¹.

²¹Р.Уэллек и О.Уоррен. Теория литературы. – М.: Прогресс, 1978. – С. 102-107.

“Кўринадик, психологик таҳлил қонуний бадиий ҳодиса бўлиб, (Н.Г.Чернишевский), ижодий талантнинг камолоти даражасини, унинг таъсир доирасини белгиловчи сифат белгисидир. Бу белги ёзувчини инсон қалбидек кенг ва сирли, кўп қиррали ва бепоён оламнинг билимдони ҳамда бу оламнинг сир-асрорини очиб берувчи кашфиётчиси эканлигини намоён қилувчи куч-қудратга эга. Шунинг учун ҳам инсон психологияси (демакки, унинг ички дунёси, кечинмалари)ни тасвирловчи санъаткор, ўзини ҳар қандай кишининг руҳий ҳолатида тасаввур эта олиши, унинг қалб ва қиёфасини кўрсата билиши керак”²².

Ушбу тушунчалар бадиий психологизмнинг қамров доирасига кирувчи “психологик таҳлил” хусусида бўлиб, уни психологизмнинг айнан ўзи сифатида тадқиқ эта олмаймиз.

“Психологизм” ва “психологик таҳлил” тушунчалари қисман бир-бирини тўлдириб келсалар-да, тўла маънода синоним эмасликлари ва мазмун жиҳатдан бир хил эмасликлари туфайли уларни фарқлаш лозимлиги шу масалага бағишланган аксарият тадқиқотларда таъкидланган. Аслида ҳам “психологизм” тушунчаси “психологик таҳлил”дан кўра кенгроқ, у, масалан, муаллиф психологиясининг асардаги аксини ҳам ифодалайди. Бундай таърифни, инсон руҳиятини очиш воситалари мажмуидангина иборатлиги, шунингдек, ўзи йўналган объектнинг мавжудлигини тақозо этиши нуқтаи назаридан психологик таҳлилга нисбатан ишлата олмаймиз”²³.

“Асарда психологик таҳлил пайдо бўлиши, – дея қайд этади ВВ.Компанеец, – унинг шакли ва типологияси кўпича ёзувчи дунёқарашига, мақсадига, истеъдоди ва шахсий фазилатлари характериға, асардаги вазиятга қарамдир. Айни чоғда, афтидан, психологик таҳлилни онглиликка асосланган эстетик принцип сифатида баҳолай туриб, унинг у ёки бу хусусиятлари сўз рассоми томонидан атай танланганлигини нисбийлаштириш шарт эмас”²⁴.

²²Умурув Ҳ. Сайланма. 1-жилд. Рисолалар. – Тошкент, Фан, 2007. – Б. 7.

²³Бобохонов М. Ҳозирги ўзбек қиссачилигида психологизм. Филол. фан. номз... дисс. – Тошкен, 2012. – Б.21.

²⁴Компанеец В.В. Художественный психологизм в советской литературе (1920-е годы) – Л.: Наука, 1980. – С. 47.

Баъзи тадқиқотчилар психологизм деганда адабиётда инсонлар характери тасвирини тушунадилар, холос. Бироқ улар ҳар қандай тасвирга эмас, балки характер “тирик қадрият” сифатида бўй кўрсатадиган тасвирга нисбатан шундай фикрда бўлсаларгина, тўғри бўлур эди. Ҳолбуки, инсон ички дунёсини тасвирлаш – психологизм – бу образни қуриш, тасвирлаш, у ёки бу ҳаётӣй характерни тушуниб етиш ва баҳолаш усулидир.

Адабиётда психологизм муаммосини ўрганар экан, А.Иезуитов “психологизм” тушунчасининг ўзи кўп маъноли эканлигини қайд этиб, уни уч жиҳатдан таърифлайди:

- 1) “психологизм” сўз санъатининг турга хос белгиси сифатида”;
- 2) “бадий ижод маҳсули, муаллиф, унинг персонажлари ва кенгроқ – жамият психологиясининг ифодаси ва акси сифатида”;
- 3) “онгли ва эстетик тамойилни белгиловчи” психологизм сифатида”²⁵.

Бинобарин, “Бадий психологизм бу қаҳрамонларнинг ғоявий-руҳий изланишларини ўзида мужассам этган бадий шакл, инсон характерининг шаклланишини, шахс дунёқарашидаги асосларни адабиёт томонидан ўзлаштирилиш шаклидир. Психологизмнинг маърифий-муаммовий ва бадий қиммати, энг аввало, шунда кўринади”²⁶.

Л.Я.Гинзбург психологизм ҳақида “адабий психологизм қаҳрамоннинг ўзини тутишидаги хаёлга ҳам келмаган, ногаҳоний, тасодифий қарама-қаршиликлардан бошланади”²⁷, дейди.

М.М.Бахтин фикрича, “кундалик турмуш одами сифатида эмас, онг ва орзу субъекти сифатида бўй кўрсатган”, “махфийликда” яшаётган ғоявий қаҳрамоннинг ўз-ўзини англаши Ф.М.Достоевский романларининг бадий доминанти бўлди: “муаллиф ҳиссиёти (хаёлоти) айнан унинг (қаҳрамоннинг)

²⁵ Иезуитов А.Н. Проблема психологизма в эстетике и литературе/ Проблемы психологизма в советской литературе. – Л.: 1970. – С. 30

²⁶ Есин А.Б. Психологизм русской классической литературы. – М.: Проавещение, 1988. – С. 176.

²⁷ Гинзбург Л.Я. О психологической прозе. – Л.: Сов. писатель, 1971. – С. 300

ўзини ўзи англашига ва бу ўз-ўзини англашнинг чорасизлиги, туганмаслигига йўналтирилган»²⁸.

Достоевскийнинг психологизми – бу онгнинг кўнимсизлигига, инсон ички дунёсидаги турли тебранишларга, шахсиятининг чуқур қатламларига бўлган астойдил қизиқишнинг бадиий ифодасидир. Қаҳрамоннинг ўзини билиши, ҳис этиши, англаши – “қалб диалектикаси”ни ўзлаштириш адабиёт соҳасидаги энг муҳим кашфиётлардан бири бўлди.

Психологизмнинг турлича формалари мавжуд. Ф.М.Достоевский, Л.Н.Толстой, М.Шолохов, У.Фолкнер, Абдулла Қодирийлар ижодига ошкора, очиқ, “намойишкорона” психологизм хос. Айни пайтда XIX-XX аср ёзувчилари инсон ички оламини ўзлаштиришнинг яна бошқа усулига ҳам таянишади. Бу ўринда И.С.Тургеневнинг сўз рассоми “яширин” руҳшунос бўлиши лозимлиги ҳақидаги фикрлари аҳамиятлидир. Адиб асарларининг қатор эпизодлари учун гапириб бўлинмаганлик ва айтиб бўлинмаганлик характерли эканлиги ҳам шундан бўлса, ажаб эмас. Қаҳрамон онгидаги ўйлар, ҳислар бор-йўғи бироз сезиладиган “матн остида” яширинган психологизм А.Чехов ва А.Қаҳҳор қиссаларида, ҳикояларида кўпроқ учрайди.

Психологизм Ғарбий Европа адабиётида XVIII асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган (сентиментализм даври, бу даврда эпистоляр ва кундалик ёндафтарлар юритиш оммавий бўлган).

XIX аср Ғарбий Европа ва рус адабиётида (Стерн, Стендаль, Лермонтов) психологизмнинг аналитик принципи юзага келган бўлиб, бу принцип Л.Н.Толстой томонидан чўққига кўтарилди. У бу принцип “қалб диалектикаси” формасининг ҳали очилмаган қирраларини кашф қилди. Ҳаётнинг ҳар хил томонларини бадиий акс эттирувчи, бир-бири билан диалектик алоқада бўлган эпос ва психос (ташқи коинот билан ички коинот)нинг мустаҳкам уйғунлигига ва унинг гўзал ифодасига эришди.

²⁸Бахтин М.М. Проблемы поэтики Достоевского. – М.: - С. 85.

XIX-XX асрлар адабиётида психологизм интенсив тикланди ва қарор топди. Бунинг чуқур маданий-тарихий сабаблари бор. Бу, биринчи навбатда, Янги замон одамида ўзини ўзи англашнинг фаоллашуви билан боғлиқ. Замонавий фалсафа онгни “ўзини ўзи амалга оширадиган” ва “ўзини ўрганадиган” онгга бўлиб ўрганади²⁹. Сўнггисини ўзини ўзи англаш деб номлашади. Ўзини ўзи англаш “ўзига қайтиш ҳодисаси”дан иборат рефлексия кўринишида амалга ошади. Айни пайтда, “онгнинг ўз-ўзини билишдан устунлиги³⁰” инсон ҳаётининг ажралмас хусусияти бўлганлиги учун рефлексиялар маълум доира ичида ҳаракат қилади.

XX аср бошларида З.Фрейд ва К.Юнгнинг ишларида шахснинг чуқур психологияси асослари ишлаб чиқилади. Бундай янгилик адабиётга, хусусан, Ж.Жойс ва М.Пруст ижодига таъсир этмай қолиши мумкин эмасди. Биринчи галда, психологизм ҳақида эпик асарларни таҳлил қилишда гапирилади, бинобарин, айнан эпик асарларда қаҳрамонининг ички дунёсини ёритишда ёзувчи кўпроқ тасвир воситаларига эга бўлади.

Бизнинг давримизга келиб психологизм қатор бадиий асарлар кифёсида ўзининг янги ва янада оригинал формасига эга бўлди. Адабиётда “онг оқими”ни тасвирлаш, акс эттириш деб аталадиган алоҳида бадиий принцип муқимлашди. М.Пруст ва Ж.Жойс романларида қаҳрамон онгининг таассуротлари, хотиралари ва тасавури яратган картиналардан иборатдек туюлиши бежиз эмас. Онг қайсидир ҳаракатга интилувчанлигига қарамасдан, теварак атрофдаги реал борлиқни бир четга суриб ташлайди ва “панадаги бошпана, ташқи дунёдан ҳимоя”дек, айни пайтда, ташқи реалликни ютиб юбораётгандек, эгаллаб олаётгандек тасаввур уйғотади³¹.

Адабиётшунос Ҳ.Умунов фикрича, ўзбек адабиётшунослигида дастлабки юзага келган тадқиқотларда психологизм алоҳида муаммо

²⁹Рикёр П. Конфликт интерпретаций: Очерки о герменевтике. - М.: 1995, - С.339.

³⁰Рикёр П. Герменевтика. Этика. Политика: Московские лекции и интервью. - М.: 1995, - С.78.

³¹Қаранг.: Бочаров С.Г. Пруст и “поток сознания” // Критический реализм XX века и модернизм. -М.: 1976. - С. 196.

сифатида ўрганилмаган³². Балки у ёки бу асарда яратилган характерларнинг психологик жиҳатдан ишончилиги, табиийлиги ёритилган³³. Баъзи тадқиқотларда психологизмнинг портрет, пейзаж, диалог, нутқ каби компонентлари ўрганилиб, уларнинг муайян асарда тутган умумий мавқеи, услубий хусусиятлари текширилган³⁴.

Психологизм муаммоси 70-йилларга келиб махсус тадқиқот объектига айланган. Н.Шодиевнинг “Абдулла Қаҳҳорнинг психологик таҳлил маҳорати” (“Сароб”, “Синчалак” асарлари мисолида)³⁵, М.Абдурахмонованинг “Абдулла Қодирий ижодида психологик таҳлил маҳорати”³⁶ номли номзодлик диссертациялари юзага келди ҳамда шу тадқиқотлар мазмунини ўзида акс эттирган бир қанча мақола ва рисолалар эълон қилинди³⁷. Б.Саримсоқовнинг “Достонларда психологик тасвирнинг характери ҳақида баъзи мулоҳазалар” асари юзага келган³⁸.

Шуни таъкидлаш лозимки, муайян ёзувчининг ижодини ёки унинг маълум романини психологизмнинг конкрет бир шакли билан чеклаш мумкин эмас. Адабиёт тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳар бир ёзувчи ўз ижодида (ёки маълум бир романда) психологизмнинг турли шаклларида кенг фойдаланади. Бироқ бу формалардан биронтаси етакчилик қилиши табиийдир³⁹.

Шунингдек, Ҳ.Умунов психологизмнинг формалари ҳақида яна шундай фикрларни билдиради: “... Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романида

³²Умунов Ҳ. Бадиий психологизм ва ҳозирги ўзбек романчилиги. Тошкент, “Фан”, 1983. – Б.12-13.

³³Қўшжонов М. Ҳаёт ва маҳорат. Тошкент, 1962; Қўшжонов М. А.Қодирийнинг тасвирлаш санъати. Тошкент, 1966; Қўшжонов М, Норматов У. Маҳорат сирлари. Тошкент, 1968.

³⁴Шермухамедов П. Рухий дунё кўзгуси. Тошкент, 1971; Султонова М. Ёзувчи услубига доир. Тошкент, 1973.

³⁵Шодиев Н. Мастерство психологического анализа Абдуллы Каххара (на примере произведений “Мираж” и “Птичка-невеличка”), АКД., Ташкент, 1973.

³⁶Абдурахманова М. Ю. Мастерство психологического изображения в творчестве Абдуллы Кадыри: Дис... канд. филол. наук. – Ташкент, 1977.

³⁷Шодиев Н. Психологик таҳлил принциплари, форма ва воситалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1973. 2-сон, Б.3-6; “Сароб” романидаги икки психологик таҳлил воситаси // Ўзбек тили ва адабиёти, 1973. 4-сон; Рухият рассоми. – Тошкент, 1977; Абдурахмонова М. Характер психологизми, муҳит ва типик шароит // Ўзбек тили ва адабиёти, 1975. 2-сон, Б.29-35; Рус адабиёти ва ўзбек прозасида психологик таҳлил // Ўзбек тили ва адабиёти, 1976. 2-сон, Б.40 – 44; Рухий дунё тасвири. – Тошкент, 1977.

³⁸Саримсоқов Б. Достонларда психологик тасвирнинг характери ҳақида баъзи мулоҳазалар. – Тошкент, 1976. – Б.106 – 114.

³⁹Умунов Ҳ. Адабиётшунослик назарияси. – Тошкент, Халқ мероси нашриёти, 2004. – Б.50-52.

характернинг қирраларини таҳлил этиш етакчи форма ҳисобланади. Абдулла Қаҳҳорнинг “Сароб” романида қалб диалектикаси асосий форма ҳисобланса, Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романида эса ижтимоий муносабатлар ва маиший тўқнашувларнинг характерларга таъсирини таҳлил қилиш биринчи планга чиқади”⁴⁰.

Бадий асарда персонаж нутқига, одатда, сезиларли жой ажратилади. Бироқ психологизм персонаж ўз ҳис-туйғу, кечинмалари тўғрисида атрофлича, кенг гапирганда, ўз дунёқарашларини баён этганда юзага чиқади. Масалан, Ф.М.Достоевский романларида қаҳрамонлар бир-бирлари билан ўта очикчасига сўзлаша бошлайдилар, гўё ҳамма нарсага иқдорликларини кўрсатгандек бўладилар. Муҳими шундаки, қаҳрамонлар фақат оғзаки мулоқотдагина бўлиб қолмай, ёзма кўринишда ҳам мулоқот қиладилар. Ёзма нутқ ўта эътибор билан ўйлаб ёзилганлиги жиҳатидан ажралиб туради. Бу ерда синтаксис, грамматика, логика (мантик)нинг бузилиш ҳоллари деярли учрамайди. Агар бундай ҳол пайдо бўлса, айтиш мумкинки, ўта сезиларли бўлиб чиқади.

Ички монологни қаҳрамоннинг ўй-кечинмалари бетартиб, мантиқан боғланишлик умуман мавжуд бўлмаган ҳолатда идрок оқимидан ажрата билиш зарурдир. Бу ерда алоқа ассоциативдир. Ушбу термин У. Жемс томонидан илгари сурилган бўлиб, унинг қўлланилишининг ёрқин мисоли сифатида Ж.Жойснинг “Улисс”, М.Прустнинг “Йўқотилган вақтни қидириб” романларини кўрсатиш мумкин. Ушбу усулни Толстой кашф этган деб ҳисоблашади. Толстой уни алоҳида ҳолларда қаҳрамони ярим уйқу, ярим алаҳлаган ҳолатида ётганлигида қўллайди.

Ёзувчи шундай усул билан ҳамма нарса инсоннинг ички руҳий ҳолати, унинг интилиш ва хоҳиш-истаклари билан аниқланади, деган мантиқий далилни таъкидлайди.

Адабиётшунос Ҳ.Умунов фикрича, ҳозирга қадар ўзбек насрида қаҳрамон психологиясини очишнинг уч хили кўзга яққол ташланади.

⁴⁰ Шу манба. Б.32.

Динамик принцип – романда ёзувчи учун ички дунёнинг – рухнинг кечинмаларини ташқи қиёфа, ҳолат ва хатти-ҳаракатларда кўринишини тасвирлаш. Ҳиссиётнинг динамик равишда, (босқичма-босқич) ривожланиб бориши. Ривожланган сайин қаҳрамон қалби ўзининг борлигини намоён этади.

Аналитик принцип – қаҳрамонларнинг руҳий дунёсини уларнинг хатти-ҳаракатлари, қилиқлари орқали очиб бериш билан бирга, фикрлар ва ҳислар оқимини, диалектикасини ҳам кўрсатиб бериш.

Психологизмнинг динамик ва аналитик принциплари, гарчи, бир-бирига қарама-қаршидек туюлса-да, лекин уларни ўзаро зид қўйиш ҳам ноўрин. Бу принциплар баъзи романларда уйғунлашган ҳолда кўзга ташланади. Бундай асарларда қаҳрамонларнинг руҳий дунёси уларнинг хатти-ҳаракатлари, қиёфалари орқали ечилиши билан бирга, айти пайтда, шу қаҳрамонларнинг фикр ва ҳиссиётлари диалектикаси оқими ва ривожини ҳам берилади. Бу хил романларда психологизмнинг ушбу икки принципи диалектик бирликда таҳлил этилади. Бу психологизмнинг синкретик принциpidир.

Хуллас, психологизм (унинг динамик, аналитик, синкретик принциплари) барча реалист ёзувчилар учун умумийдир. Ҳар бир ёзувчининг бу борадаги ўзига хослиги – психологизмнинг турли воситалардан қандай ва қай даражада фойдаланишига боғлиқдир.

Ҳ.Умутов динамик ва аналитик принципларни уйғун ҳолда синкретик принцип, дея баҳолайди. Лекин, бизнингча, ушбу фикрга ҳам нисбий қараш лозим. Бадиий асарда динамик ва аналитик принципларнинг ёнма-ён келишини алоҳида бир принцип даражасида баҳолаш шарт эмас. Уни, шунчаки, синкретик форма сифатида олиш ҳам мумкин.

Демак, психологизмнинг типологик, синкретик, қалб диалектикаси, характер қирраларини таҳлил этиш, ижтимоий зиддиятларнинг характерларга таъсири каби бир қанча формалари мавжуд.

Психологизмнинг турли хил формалари бўлганидек, унинг бир қатор поэтик воситалари ҳам мавжуд. Адабий портрет, монолог, диалог, туш, психологик тимсоллар, ҳиссий ҳаракатлар, пейзаж, галлюцинация каби воситалар қаҳрамон ички дунёсини очишда қўлланиладиган воситалар ҳисобланади.

Н.Шодиев “Руҳият рассоми” рисоласида “қалб диалектикаси”нинг (Н.Г.Чернишевский бу терминни адабий қаҳрамон ҳис ва кечинмаларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши жараёни, деб таърифлайди) асосий поэтик воситалари – ички монолог, нутқий характеристика, психологик портрет, ҳисларнинг ташқи экспрессияси, галлюцинация, туш, психологик тимсоллар ва уларнинг турли хусусиятларини таҳлил қилади⁴¹.

Ўтган аср охирига келиб адабиётда аналитик йўсундан синкретик принцип фойдасига силжиш кузатилди, бунда тўғридан-тўғри, бевосита тасвир усуллари эмас, балки билвоситалик устунлик қилади. Шунингдек, онг ости соҳасига янада синчковлик билан назар ташлаш ҳолатлари ҳам психологизм тараққиётининг бош мезонига айланди.

Тадқиқотларда таъкидланганидек, психологизм масаласи, моҳият эътибори билан, комплекс характерга эга. Унда объект ва субъект чамбарчас алоқадор, шу билан бирга, субъектнинг роли фавқулодда каттадир. Инсоннинг ҳаётдаги ижтимоий-эстетик ўрни руҳияти ва маънавий бойлиги орқали аниқланганидек, характер тасвирида ҳам шахсий-психологик аспектнинг роли беқиёсдир.

Бадиий психологизм ҳақида келтирилган кўплаб таърифлар ва унинг принцип, форма, воситалари ҳақидаги фикрлардан энг мукаммалини танлаб олиш ниҳоятда мушкул. Зеро, ушбу муаммо ҳақида чуқур изланишлар олиб борган забардаст олимларнинг фикрлари мазкур тадқиқот учун ёрдам бериши табиий.

Психологизмни тадқиқ қилар эканмиз, ушбу ҳодиса нафақат катталар, балки ёш қаҳрамонлар тасвирланган бадиий асарларда ҳам ўз ифодасини

⁴¹Қаранг: Шодиев Н. Руҳият рассоми. – Тошкент, Фан, 1977. Б.30.

топиши мумкинлигини алоҳида таъкидламоқчимиз. Чунки замонавий ўзбек адабиётида бола қаҳрамоннинг руҳий олами, унинг кечинмалари теран тасвирланган бир қатор бадиий асарлар яратилган.

Ўзбек болалар адабиётининг таниқли намояндаларидан бири Худойберди Тўхтабоев ўз асарларида болалар характери, умуман, бола руҳий дунёсини ғоятда мукамал ёритган ёзувчилардан ҳисобланади. Ёзувчи яратган қаҳрамонлар бетакрор хусусиятлари билан кўплаб китобхонлар қалбида яшаб келмоқда. Жумладан, унинг Ҳошимжон, Миробиддинхўжа, Орифжон, Ақром қовунчи сингари қаҳрамонлари, айниқса, ёш китобхонларга аллақачон ёд бўлиб кетган. Сабаби, ушбу қаҳрамонлар характерининг эса қолар даражада ёрқинлиги, қувноқлиги, болага хос беғубор ва соддадиллиги, айниқса, юморга, кулги, ҳазил-мутойибага мойиллиги характер табиатини янада ёрқинлаштирган.

Худойберди Тўхтабоев ўз қаҳрамонларини кўпинча фикрлар, ҳислар оқими, ички монолог воситасида тасвирлайди: “...қадрдон бурунгинам! Мана шу орқамдан тилини осилтириб югургилаб келаётган оққўнгил Ортиқали олдида юзимни ёруғ қил, иншоларимни ёзиб бераверсин...”⁴².

Ёки:

“Нималар қилиб қўйдим ўзи? Уларнинг меҳнатига ёрдамлашиш ўрнига ҳаммасини ишдан қўйдим-ку! Мана, Хурсанали Шарафиддинович билан ёнма-ён ўтирибмиз, ўзи ёмон одамга ўхшамайди, анча меҳрибон, гапга тушунадиган кўринади...”⁴³

Биринчи парчада Ақром қовунчининг ҳид билиш қобилиятига ишора қилинади. Чунки у ҳид билиш сезгисининг ўта юқорилиги сабаб кўпчиликнинг диққат-эътиборига тушган. Боланинг ўзи ҳам бу қобилиятини билгани ҳолда, ундан ўринли фойдаланишни истайди. Гарчи бошқаларга айтолмаса-да ўзича ҳид билиш сезгисининг панд бериб қўйишидан ичида чўчиб туради.

⁴²Тўхтабоев Х. Ширин қовунлар мамлақати ёки сеҳргарлар жанги. – Тошкент, Янги аср авлоди, 2016. – Б.18.

⁴³Тўхтабоев Х. Сарик девни миниб. – Тошкент, Ёш гвардия, 1982. – Б.37.

Иккинчи парчада эса Ҳошимжоннинг ёнидаги одамлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ички монолог воситасида берилган. “Нималар қилиб қўйдим ўзи?”, “ёмон одамга ўхшамайди” сингари жумлалар боланинг фикрлар ва ҳислар оқими жараёнида юзага келмоқда.

Қаҳрамонлар руҳиянинг ёритилиши нуқтаи назаридан қараганда, ёзувчи Худойберди Тўхтабоев ижодида бола психологияси, асосан, фикр ва туйғулар оқими ва ички монолог воситасида амалга ошади. Бизнингча, ушбу мулоҳазалар Х.Тўхтабоев ижодида бадиий психологизмнинг аналитик принципи нисбатан устувор эканини кўрсатади.

1.2. Ўзбек болалар насрида психологик тасвир масаласи

Бадиий психологизм инсон руҳиятини идрок этиш, таҳлил қилиш натижаси ўлароқ, бадиий асарда акс эттирилган руҳий ҳолатлар тасвири, ёзувчининг бадиий психологик талқинларининг маҳсулидир. Ёзувчи ўз қаҳрамонининг руҳий оламини, руҳий ҳолатларини тасвирлайди, акс эттиради. Шунинг учун ҳам В.Белинский ижодкорга нисбатан “инсон руҳининг буюк рассоми” иборасини ишлатади.

“Адабиётда асосий нарса инсон тасвири бўлса-да, уни ўраб турган ташқи борлиқ: табиат, ҳайвонот дунёси, предметлар дунёси, вазият, муҳит, шароитлар бадиий адабиётнинг тасвирлаш объекти бўлиб хизмат қилади... Лекин адабиётда табиат ҳам, муҳит, шароит, предметлар ҳам инсон моҳиятини очишга бўйсундирилиб, “инсонийлик” хусусияти касб этади, асосан, одам ва унинг кечинмалари ҳукмронлик қилади. Шунинг учун ҳам адабиётнинг табиатига хос бўлган “инсоншунослик” руҳият тасвирисиз иш кўра олмайди...

Инсон адабиётнинг тасвир предмети экан, инсоннинг руҳиятисиз уни яхлит, бир бутун ҳолатда тасаввур қилиш мумкин эмас. Демак, ҳар қандай

бадий асарда, у қачон ва қайси жанр, усулда яратилган бўлмасин, унда инсон руҳияти у ёки бу тарзда акс этиши табиийдир”⁴⁴.

Психологизм масаласини адабиётшуносликда биринчилардан бўлиб кўтариб чиққан рус танқидчиси Н.Чернишевский Л.Толстой ижодини шу нуқтаи назардан таҳлил қила туриб: “Биз граф Толстой албатта ва ҳамма вақт шундай манзараларни чизиб беради, демоқчи эмасмиз; бу бутунлай у тасвирлаб кўрсатадиган ҳолатларга ва ниҳоят, унинг хоҳишига боғлиқ. Бир гал у ҳаммаси шундай ички туйғулар тасвиридан иборат бўлган “қор бўрони”ни ёзиб, иккинчи гал “Маркёр мактублари”ни ёзди, бу асарда бирорта ҳам ички туйғу тасвири йўқ...”⁴⁵ дейди. Танқидчи бирор марта ҳам таҳлил сўзини ишлатмайди, гап фақат тасвир ҳақида боради. Шунга кўра, айтиш мумкинки, ёзувчининг психологик таҳлили матндан ташқарида қолади, ёзувчи бадий матнда ўз таҳлилларининг натижасини кўрсатади, холос. Ана шу натижа, тасвир – бадий психологизмдир. Бу бадий психологизм, албатта, ижодкорнинг узоқ давом этган чуқур таҳлиллари натижасида юзага келади. Ёзувчи бадий психологизмни яратишда диалог, монолог, портрет, туш, галлюцинация, мактуб, психологик детал, психологик тафсилот, психологик параллелизм сингари турли воситалардан фойдаланади.

Бадий психологизм кенг қамровли тадқиқот предмети бўлиб, у фақат катталар адабиётидаги образлар таҳлили билан чегараланмай, болалар адабиёти, ёки бола қаҳрамон бўлган асарлар учун ҳам муҳим тадқиқот предмети бўла олади. Ишимизда таҳлилга тортилган болалар насрига оид асарларда бола қаҳрамон психологизми ифодаланган.

Бугунги кунга келиб ўзбек болалар адабиётида майдонга келган насрий асарлар мавзу ва қамров доираси жиҳатидан кенгайиб бормоқда. Худойберди Тўхтабоев, Латиф Маҳмудов, Анвар Обиджон, Оқилжон Ҳусанов каби ижодкорларнинг асарларида қаҳрамон ички олами, унинг руҳияти

⁴⁴Умутов Х. Қаҳрамон маънавий олами ва эпиклик. – Тошкент, Фан, 1995. – Б. 4-5.

⁴⁵Чернишевский Н.Г. Танланган адабий-танқидий мақолалар. – ТОШКЕНТ, 1956. – Б. 326.

тасвирланган. Яъни, бола қаҳрамоннинг психологияси очиб берилади. Айниқса, Х.Тўхтабоев асарларида ушбу ҳодиса етакчи омил сифатида намоён бўлади.

Адибнинг “Сарик девни миниб”, “Сарик девнинг ўлими”, “Қасоскорнинг олтин боши”, “Беш болали йигитча”, “Ширин қовунлар мамлакати”, “Мунгли кўзлар”, “Жаннати одамлар”, “Қуёнлар салтанати”, “Қиз талашган ўсмирлар” сингари асарлари ёш китобхонлар қалбидан чуқур жой олган. Худойберди Тўхтабоев асарларида психологизм, болалар психологияси ёрқин тарзда экс этган. Айниқса, унинг “Сарик девни миниб” асари бола психологиясининг ўзига хос ифодаси сифатида талқин этилади.

Ёзувчининг “Сарик девни миниб”, “Беш болали йигитча”, “Ширин қовунлар мамлакати” романларида асар қаҳрамон тилидан ҳикоя қилинади. Бу эса психологизмнинг аналитик принципи имкониятларини орттиради. Яъни, қаҳрамонларнинг руҳий дунёси кўпроқ уларнинг фикрлар ва ҳислар оқими жараёнида очилиб боради. Мисол:

“Ростини айтсам, ўзим ҳам унчалик ёмон бола эмасман... Бир хил, ҳалиги шўх болаларга ўхшаб, кун бўйи кўча чангитиб юрмайман. Яшириб нима қиламан, кўча чангитиб юргандан кўра командага бўлиниб олиб, тўп тепган ёки холироқ жойга, масалан, ойинг ҳарчанд чақирса ҳам овози етмайдиган жойга бориб олиб чиллак ўйнаган минг марта яхши”⁴⁶.

Масалага психологизм нуқтаи назаридан қарар эканмиз, қаҳрамонларда ёзувчининг ҳам ўзлиги яшашини унутмаслигимиз жоиз. Юқорида таъкидлаганимиздек, психологизмни санъаткор шахсидан ажратиб тасаввур қилиб бўлмайди. Шундай экан, болаларга хос асар ёзган ёзувчининг ҳам болага хос характер-табиати бор. Худойберди Тўхтабоев қаҳрамонларини ўз қалбида мавжуд бўлган болага хослик – қувноқлик, беғуборлик, тамасизлик, сўзга чечанлик, зукколик сингари хислатлар орқали тасвирлайди. Бола характерининг энг кўзга кўринган хусусиятларидан бири – уларнинг ростгўйлигидир. “Яшириб нима қиламан, кўча чангитиб юргандан кўра

⁴⁶Тўхтабоев Х. Сарик девни миниб. – Тошкент, «Ёш гвардия», 1982. – Б.16.

командага бўлиниб олиб, тўп тепган ёки холироқ жойга, масалан, ойинг харчанд чақирса ҳам овози етмайдиган жойга бориб олиб чиллак ўйнаган минг марта яхши” деган болакай ўзининг содда ва ростгўй эканини намоён этиб турибди.

“Тўғри, мен ўша йили олтинчи синфда қолиб кетганман, лекин ёмон ўқиганим учун эмас, йўқ, зинҳор бундай деб ўйламанг. Ўша йили сизга очиғини айтсам, бутун мактабимиз бўйича “тўрт” ва “беш” баҳолар запаси камайиб қолган экан. Шунинг учун муаллимлар менга нуқул ё “уч”, ё “икки” кўяверишган. Ўқитувчилар: “Ақромжон, сен ўзи ажойиб боласан-у, лекин барибир икки қўйишга тўғри келади-да”, – деб бир неча бор узр сўрашган”⁴⁷.

Фикрлар ва ҳислар оқими қаҳрамон руҳий оламини ошкор қилади. Парчада мактабда қолақроқ ўқийдиган боланинг ҳам айбдорлик ҳисси, ҳам шу ҳисни беркитиш учун ишлатилган, бунга ҳатто унинг ўзи ҳам ишонмайдиган ёлғони келтирилган. У ўзининг “ёмон” ўқишини, айнан шунинг учун синфда қолиб кетганини ва бу сабаб ҳаммага аён бўлиб турган ҳақиқат эканлигини яхши билади. Аммо шундай бўлса-да, негадир буни тан олишни истамайди. Гўё ўзини “уятга” қолдирадиган сабаб “бошқа”, яъни “бутун мактаб бўйича “тўрт” ва “беш” баҳолар запаси камайиб қолган экан”лиги унга таскин беради.

Бунда қаҳрамон ички дунёсини тасвирлашда ички монолог воситаси етакчи ўринда туради. Ёзувчи шу восита орқали ўз қаҳрамонлари ички оламининг чуқур таҳлилини беради.

“Ички монолог – қаҳрамоннинг ўз-ўзи билан ичдан гаплашиши, фикрлаши, фикр ва туйғуларининг ички ифодасидир. Ички монологда қаҳрамон ўзининг сирли, яширин фикрларигача айтади, шу боисдан ички монолог орқали қаҳрамон китобхон олдида ўз-ўзини очади. Шунинг учун ҳам унинг шахсиятида ҳеч нарса сирли ёки тушунарсиз бўлиб қолмайди. Ички монолог сўзлашув нутқидан ўзининг очиқ ва ошкоралиги билан

⁴⁷ Тўхтабоев Х. Ширин қовунлар мамлақати ёки сеҳргарлар жанги. – Тошкент, Чўлпон, 1991. – Б.5.

ажралиб туради”⁴⁸. Н.Шодиев Саидий образини ички монолог асосида таҳлил қилар экан, “одатда ички монологлардан қаҳрамон ҳаётининг энг кескин, драматик моментларида фойдаланилади. Чунки ана шу палладаги ҳислар, фикрлар қаҳрамоннинг асл руҳий қиёфасини тўлиқ ва ёрқин акс эттиради”⁴⁹, – дейди. Тўғри, бу фикрлар ички монолог хусусиятлари учун хос. Аммо бу таърифни тўлалигича болалар асарларига қўллаб бўлмайди. Чунки болалар адабиётидаги психологизмда ички монолог ҳам болага хос беғубор олам нафасини сездириб туради. Болалар насрида (романларида) ички монологнинг етакчи хусусияти, бизнингча, соддалик ва юмордир. Буни юқорида айтиб ўтганимиздек, санъаткор шахси билан боғлиқликда англаш лозим. Х.Тўхтабоевнинг ўзи бола табиат бўлгани боис Ҳошимжоннинг гап-сўзи, хатти-ҳаракатларини аниқ тасвирлайди.

“...Бадиий ижодда муҳим бир қонуният бор: китобхон адабий қаҳрамонни табиий қабул қилса, билингки, бундай тимсолни яратиш учун ёзувчи роса тер тўккан бўлади”⁵⁰.

Бу ҳақда ёзувчининг ўзи шундай дейди: “Руҳи – дунёси пок бўлган, тарбияга қулоқ соладиган, савоб ва гуноҳни билишга интилаётган, руҳи гўзалликка талпинаётган болалар дунёсида ишласам қалай бўларкан, деб ўйлай бошладим ва қарор ҳам қабул қилдим. Болалар, ўсмирлар дунёсига паққос ўтиб кетдим. Собиқ “Ёш гвардия” нашриёти, “Гулхан”, “Ёш куч” журналлари, “Истеъдод” жамғармаларида раҳбар лавозимларида ишлаб, бола ва ўсмир руҳидаги гўзалликни ҳимоялашга эътибор бердим”⁵¹.

Ёзувчининг маҳорати, узоқ давом этган изланишлари, бола руҳиятини яхши ўргангани, болаларга бўлган муҳаббати – буларнинг барчаси унинг фаройиб қаҳрамонларида бўй кўрсатди. Бу қаҳрамонларни бугунги кунда болалар характерининг намунаси сифатида бемалол кўрсатиш мумкин.

⁴⁸Шодиев Н. Руҳият рассоми. – Тошкент, Фан, 1977. – Б.6.

⁴⁹Шу манба. Б.6.

⁵⁰Расулов А. Бетакрор ўзлик. – Тошкент, Мумтоз сўз, 2009. – Б.157.

⁵¹ Мирвалиев С., Шокирова Р. Ўзбек адиблари. – Тошкент, Фан, 2007. – Б.125-126.

Бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, болалар психологиясида юмор етакчи восита вазифасини бажаради. Чунки юмор ҳар қандай бола руҳияти учун энг зарурий воситадир. Бу ҳақда У.Жўрақулов Фрейд назарияси асосида юморнинг болага хос табиатини шундай таҳлил қилади: “Чечанлик ва унинг онгсизликка муносабати” Фрейднинг бавосита адабий манбалар, ижодий жараёнлар таҳлили орқали ёзилган муҳим тадқиқоти ҳисобланади”⁵². У.Жўрақулов фикрича, Фрейд чечанликнинг моҳиятини кулгидан олинадиган қониқиш ҳиссида эмас, балки кулги орқали юзага чиқадиган онг ости истакларининг ғалаба қилишида, деб тушунтиради. “Чечанлик ассоциатив муносабатда ҳақиқий моҳият касб этади. Улар кўпинча бизнинг хотирамизга бўйсунмайди. Биз уларни хотира қатларидан излаганимизда топа олмаймиз. Кутилмаган ўринларда эса, фавқулодда пайдо бўладики, уларнинг нега юзага қалқиб чиққанини англай олмаймиз. Бундай арзимас жиҳатларнинг ўзи ҳам чечанликнинг онгсизликдан келиб чиққанини кўрсатади”⁵³. У.Жўрақулов ушбу фикрлар таҳлили сифатида қизиқ мисоллар келтиради: “Шунингдек, чечанликда ҳам тушдаги каби маънисизлик ва зиддиятчилик ҳукм суради. Буни тушуниш учун узум ўғирлашга кирган афандининг узумзор эгасига нисбатан қилган чечанлигини эслаш кифоя. Бу машҳур латифага кўра, бировнинг боғига узум ўғриликка тушган афандини боғ эгаси тутиб олади ва унга “Нега бировнинг узумини ўғирляяпсан?” дея ўшқиради. Шунда афанди боғ эгасига: “Нега хотинга калиш олиб бермадинг?” деб жавоб берган экан. Бу ўринда афандининг жавобида маъно йўқ. Аммо айти бемаъни жавоб орқали у ўзини ҳимоя қила олади. Фавқулодда контраст, гарчи ҳақ бўлса ҳам, боғ эгасини бир лаҳза довдиратиб қўяди”⁵⁴.

⁵² Қаранг: Фрейд З. Остроумие и его отношение к бессознательному / “Я” и “Оно”. – Тбилиси. – Мерани. – 1991. – С. 175-406.

⁵³ Жўрақулов У. Худудсиз жилва. Тошкент, “Фан”, 2006, Б.59. (У.Жўрақулов остроумие сўзини “чечанлик” деб таржима қилади. Унинг фикрича, остроумие сўзининг луғавий маъноси зукколикка тўғри келади. Аммо бу ўринда Фрейд чечанлик хусусида сўз юртияпти, айти жараённинг иррационал шаклини талқин этипти).

⁵⁴ Шу манба. Б.60.

У.Жўрақулов юморни инсонни изтиробдан ҳимоя қилувчи автоматик восита, “изтироблар қуршовида туриб, лаззатлана олишдир” деб таърифлайди⁵⁵.

Болалар руҳиятида юморнинг ўзига хос сабабларини шундай изоҳлаш мумкин: бола ўзи тушиб қолган вазиятдан қутулиш, ўз айбини ёпиш, ўзгалар ва ўзи олдида ўзини оқлаш, оғир аҳволида ўзига таскин бериш учун юмор ишлатади.

Х.Тўхтабоевнинг қаҳрамонларида бунга мисол бўладиган ҳолатлар талайгина.

Масалан, “Сарик девни миниб” асари қаҳрамони Ҳошимжоннинг агрономлик соҳасидаги “фаолияти”:

– Энди ҳурматли ўртоқлар, шира тушган барглари калтаклайсизлар, – деб қўйдим гапимнинг охирида.

– Нима? – кўзлари жойидан чиқиб кетгудек бўлиб сўради бригадир.

– Гапни кўпайтирманг, буйруқни бажаринг!

– Ҳушингиз жойидами ўзи, ўртоқ агроном? Ахир бунда ғўзалар нобуд бўлади-ку!

– Ғўза нобуд бўлса, мен жавоб бераман, агроном жавоб беради, – деб бақариб юбордим тўсатдан. – Ширага қарши курашишнинг янги методи бўлади бу. Тушундингми? Замондан орқада қопсан, каллаварам...”⁵⁶. Ўзини ҳақиқий агрономдай тутаётган бола, биринчидан, ўзининг катталар томонидан тан олиншини истайди. Иккинчидан эса, айтиш мумкин ҳал этишга имконияти етмаслигини тан олмайди. Шу сабабларга кўра, у ўзи ҳам англамаган ҳолда “агрономлик касбида”ги “янги метод”га ҳаммани ишонтирмоқчи бўлади. Аслида, ғўзага тушган ширани йўқотиш учун “ғўзаларнинг тубидан ушлаб қаттиқроқ силкитиш”, “ғўзанинг устидан челақлаб сув қуйиш” сингари усулларни айтганида кулгига қолган эди. Бу усул (савалаш)нинг ҳам ана шундай мантиқсиз эканлигини тан олишни

⁵⁵Жўрақулов У. Худудсиз жилва. – Тошкент, Фан, 2006. – Б.60.

⁵⁶Тўхтабоев Х. Сарик девни миниб. – Тошкент, Ёш гвардия, 1982. – Б.44-45.

истамайди. “Хушингиз жойидами ўзи, ўртоқ агроном? Ахир бунда ғўзалар нобуд бўлади-ку!”, деган алам ва хавотир билан айтилган гапга “Ширага қарши курашишнинг янги методи бўлади бу. Тушундингми? Замондан орқада қопсан, каллаварам...” дея жавоб қайтаради ва бу гапга унинг ўзи ҳам ишониб қолади. Бу – ёлғондан “уй ёняпти!” деб ҳаммани ишонтириб, охирида “Рост шекилли?” деб ўзи ҳам югуриб бораётган афандини эслатади.

Ёки яна шу асардан: “... – Ҳошим, – деб чақириб қолди.

–Лаббай, ойижон.

– Нега товуқларга дон бермадинг?...

–Нима дедингиз, ойи?

– Нега товуқларга дон бермадинг, деяпман, нима қулоғинг деворнинг остида қолганми?

– Овқатини ўзи топиб есин-да. Тоқайгача текинхўрлик қилишади, – деб гапни чалғитмоқчи бўлдим.

–Вой ўлмасам, сувам бермаганга ўхшайсан.

– Ойи, товуқлар сув ичмайдиган бўлиб кетган...

– Шунақами?

– Ҳа, шунақа.

Ножўя гап айтиб қўйган бўлсам керак, ойим катта калтакни олиб қувлашга тушди. Уч марта ҳовлини айландим-да, кўча эшиги олдига бориб эгилиб салом бердим ва бир ҳатлаб ўзимни кўчага олдим”⁵⁷.

Бу вазиятда бола учун энг охирги чора – қочиш. У қочиб қолиш билан муаммодан қутулмоқчи бўлади. Аммо қочиш босқичига етиб боргунча унинг “анча-мунча курашгани” кўриниб турибди. Боланинг “ҳимоявий усул”и босқичма-босқич ривожланиб боради. “Лаббай ойижон”, “Нима дедингиз ойи?” дер экан, бола бу билан онанинг юмшаши ёки бошқа нарсага чалғиб қолишини кутади. Бироқ бундай бўлмайди. Онанинг вазоҳати тобора жиддийлашаётгани маълум. Бола ҳам “ҳимоя усули”ни кучайтиради. “Овқатини ўзи топиб есин-да. Тоқайгача текинхўрлик қилишади”, “Ойи,

⁵⁷ Х. Тўхтабоев. Сарик девни миниб. – Тошкент, Ёш гвардия, 1982. – Б.17-18.

товуқлар сув ичмайдиган бўлиб кетган...” деган гапларни қандай айтиб юборганини билмай қолади. Бу ерда онанинг жаҳлини чиқарган нарсалар асосан, “товуқларнинг ўзи овқат топиб ейиши”, “текинхўрлик” қилавермаслиги кераклиги ва уларнинг “сув ичмайдиган бўлиб кетгани” сингари мантиқсиз жумлалар эди. Аммо болани бу пайтда шу гапларнинг мантиқсиз эканлиги, “текинхўрлик қилиш”, “сув ичмайдиган бўлиб кетиш” сингари “хусусият”ларнинг товуқларга нисбатан қўллаб бўлмаслиги қизиқтирмайди. Унинг учун муҳими – жазо олишдан қутулиш. У ихтиёрсиз равишда чечанлик билан жавоб қайтараверади. Натижада, юқоридаги каби юмор юзага келади. Бу ҳодисанинг исботи сифатида парчанинг охириги қисмига диққат қилинг: “Ножўя гап айтиб қўйган бўлсам керак, ойим катта калтакни олиб қувлашга тушди”, дейди бола. Бундан шуни англаш мумкинки, бола ҳалиям қандай хато қилганини сезгани йўқ. Унинг ақлига онасининг жаҳлини чиқарган нарса қандайдир “ножўя гап айтиб қўйган”и эмас, балки айнан ўша мантиқсиз жумлалари эканлиги ҳалиям етиб келгани йўқ. Бунинг сабаблари сифатида қаҳрамоннинг ўзи тушиб қолган вазиятдан қутулиш, ўз айбини ёпиш, ўзгалар ва ўзи олдида ўзини оқлаш кабиларни келтириш мумкин.

Мантиқ шундай изчил боғланган занжир ҳалқаларики, улардан бир донаси узилиб қолса ҳам фикрни англаб бўлмайди. Катталар вазиятида хато қилган одам энг аввал ўз хатосини тан олиши, кейин эса ўша хато учун узр сўраши, агар қарши тарафдан антипатия давом этса, айбни ювадиган нимадир қилиш кераклиги нормал ҳодиса. Лекин бу нормал ҳодиса болалар дунёси учун амалда бўлолмайди. Агар бола психологияси жамиятнинг қандайдир меъёрларига амал қилиб яшашни оқлаганда эди, Ҳошимжон “уч марта ҳовлини айланиб”, “кўча эшиги олдига бориб эгилиб салом бериб ва бир ҳатлаб ўзини кўчага” олмаган бўлар эди.

Адибнинг “Беш болали йигитча” асарида ҳам бола руҳиятининг ўзига хос жиҳатларини кузатиш мумкин. “Беш болали йигитча” асарида боланинг уй юмушлари билан бандлиги тенгдошлари билан бирга ўйнаб юриш

имкониятини бермайди. Боланинг ўртоқлари уни масхара қилишади ва атай гашига тегиш учун турли “усуллар” ишлатишади. Аммо бу бола шундай некбин – оптимистик руҳга эгаки, у ўзига ўзи таскин бериш учун куч топади. “Томда ўтириб макка укалаяпти-ю”, “қизик-қизик афандилар айтиб”, ўзини-ўзи “овунтириб”, ўзини-ўзи “кулдириб” ўтирибди. Аммо айна пайтнинг ўзида “... Ҳў нарида, жарлик орқасидаги ялангликда бўлса” ўртоқлари кўзини куйдириб варрак учиришяпти, осмонда катта-кичик варраклар шунақанги кўпки, бири шох ташлаб, бошқаси хаволаб, чиройли шокилаларини пирпиратиб шунақанги чиройли учишяптики, бепоён осмонда худди куш бозори бўлаётганга” ўхшаши унга ичдан алам қилади. Рухий зиддият. Фикрлар ва туйғулар кураши юз бераётган, енгилиш ҳисси сезилиб турган лаҳзадан боланинг руҳи ўзига таскин (нажот) топишни истайди. Натижада, “қизик-қизик афандилар айтиб”, ўзини-ўзи “овунтириб”, ўзини-ўзи “кулдириб” ўтиришнинг ўзи унга таскин беради.

Умуман, болалар дунёси тўлалигича англаш мушкул бўлган беғубор дунёдир. Болалар адабиёти ана шундай беғубор оламни акс эттиришни ўз зиммасига олган.

Х.Тўхтабоев романларида акс этган юмор хусусида профессор У.Норматов адиб билан бўлган суҳбат асносида гўзал таърифлар келтиради⁵⁸. Олим таъкидлашича, “Сариқ девни миниб” асари айнан юмор руҳида яратилгани сабабли, дунёнинг кўплаб ижодкор ва олимлари эътирофига сазовор бўлган.

“Жумладан, болалар адабиёти масалаларига бағишланган бир анжуманда машҳур итальян болалар ёзувчиси Жанни Родари “Сариқ девни миниб” романи ҳақида тўхталиб, бу асар менга ўзининг бой фантазияси, ҳаётбахш юмори билан маъкул бўлди, деган эди. Худди шу асар немис тилида чиққанида туркшунос олима Дорас Шульц адибга ўзбек тилида

⁵⁸ Норматов У. Ҳаёт ва ҳажвиёт. / Нафосат гурунглари. Тошкент, “Мухаррир”, 2010. – 350-362-б.

мақтуб йўллаб, роман қувноқ ўзбекона кулгиси билан немис китобхонига маъқул тушганлигини таъкидлайди”⁵⁹.

Ёзувчининг ўзи бу ҳақда: “...болалар табиатан қувноқ бўлади, унинг мурғак қалби эркалашни, эркаланишни ҳамиша талаб қилиб туради... асар бошдан-оёқ фожиа тасвиридан иборат бўлганида, менинг ёш китобхонларим қалбига изтироб сиғмай, зерикиб қолиши, китобни ташлаб қўйиши мумкин эди. ... Болалар қалбини ром қилиб оламан, деган ёзувчи бола қалбининг доимий йўлдоши ва эҳтиёжи бўлган қувноқликдан, ҳаётбахш юмордан, одам боласининг бутун вужудига ором берадиган ана шу ноёб руҳий ҳолатдан узоқ кетмаслиги керак...”⁶⁰ дейди.

Биз болалар психологиясида юморнинг етакчи восита экалигини имкон қадар талқин этишга уриндик. Лекин болаларга атаб ёзилган романларда юморнинг ижтимоий табиати ҳам борлигини унутмаслик лозим. Х.Тўхтабоев қаҳрамонлари ҳамиша жамият билан бирга, турли одамлар орасида тасвирланади. Шунинг учун ҳам қаҳрамон комизми маълум шароит асосида юзага келади. Юзага келган комик вазиятга фақат боланинг ўзи эмас, балки жамият ҳам қисман сабабчи бўлади.

Бунга мисол қилиб, Ҳошимжоннинг инженерлик қилган пайтидаги тасвирни келтирамиз. У ўзига топширилган вазифани адо этди, яъни бино қурилишини охиригача битказди. Ўз ишидан хурсанд, мақтовлар-у олқишлар ёғилишини кутиб турибди. Бироқ тўсатдан кутилмаган воқеа содир бўлди. Бундай бўлиши етти ухлаб тушига ҳам кирмаган эди. Ўз номига мақтовлар аталишини кутиб турган бу ўсмир бирдан атрофдагиларнинг “уйнинг канализацияси қани?”, “расво қилибсиз-ку!”, “хоналарнинг ҳаммаси қийшиқ”, “...эшик очилмаган”, “Бу уй бўлмабди, кўчага кўприк бўлибди” деган ваҳимали гапларни эшитади.

“...Яна гуриллаб кулги кўтарилди. Аммо бу галги кулгида на қувонч, на шодлик, на таажжуб бор эди. Унда олам-олам ғазаб, олам-олам нафрат

⁵⁹ Норматов У. Ҳаёт ва ҳажвиёт / Нафосат гурунглари. – Тошкент, Мухаррир, 2010. – Б.350-362.

⁶⁰ Шу манба. – Б.361.

мужассам. Ҳаммаси куляпти. Шу ғазаб, шу нафратнинг ҳаммаси менинг бошимга ёғиляпти... Бир нафас аввал ўзимда йўқ шод эдим, хурсанд эдим, кувончларим бир дунё эди... Энди-чи? Бошим эгилган, кўзимдан милтиллаб ёш оқяпти, йиғлаяпман.

–Жиноятчи! – деди вакиллардан бири.

–Бракчи! – деди бошқаси кўлини бигиз қилиб.

–Қамаш керак! – деб ўшқирди горисполком вакили, – ушланг уни, ўртоқ Шерматов.

Сеҳрли қалпоқчамни секин бошимга кийдим-у, кўздан ғойиб бўла қолдим. Қаёққа бораман энди, қайси даргоҳдан бошпана ахтараман?”⁶¹.

Сиртдан қараганда, кулгили кўринган бу вазият аслида ўз остига жамиятдаги бир муаммони яширган. Бу муаммо шундаки, ўз касбидан беҳабар “мутахассис”лар, кўлидан келмайдиган иш билан ҳам тап тортмай шуғулланаверадиган “чаламулла”лар масъулиятли касблар билан машғул. Ваҳоланки, ўз ишининг мутахассиси бўлмаган, касбиники билмайдиган кадрнинг масъулиятни тўла ҳис қилиши унчалик ишонарли ҳодиса эмас. Асар мазмунидан маълумки, Ҳошимжоннинг ҳали мактаб ўқувчиси бўла туриб (қалпоқчаси ёрдамида) инженер бўлиб ишлаши, албатта, ғайритабиий ҳол. Ёзувчи айнан ўша “ғайритабиий ҳол” орқали жамиятни инқирозга етакловчи фожиани кўрсатиб берган. Чунки инсонлар яшайдиган кўп қаватли уйни канализацияси йўқ, “хоналарнинг ҳаммаси қийшиқ”, “эшик очилмаган” ва “кўчага кўндаланг” қилиб қурдириб қўйган ўсмирдан – чала мутахассисдан бундан яхшироғини кутиб бўлмайди.

Бугунги кунда жамиятимизда ўз касбининг ҳақиқий эгаси бўлмаган мутахассисларни кўплаб учратиш мумкин. Улар томонидан амалга оширилган нотўғри ишлар: чала қурилган иморатлар, чала даволанган беморлар, мактабларда чала ўқитилган болалар ҳеч кимга сир бўлмаса керак. Ҳошимжон-ку сеҳрли қалпоқчаси билан истаган касбида ишлади. Лекин кўплаб ёшлар “сеҳрли танишлари”, “сеҳрли бойлиги”, “сеҳрли отаси”

⁶¹Х.Тўхтабоев. Сарик девни миниб. Ёш гвар. 1982. – 73-74-б.

ёрдамида хоҳлаган-хоҳламаган ишларида, энг ёмони, энг масъулиятли соҳаларда ишлаб келаётганини ҳеч ким инкор этолмайди. Бунинг натижасида эса қанчадан-қанча ўз касбининг чинакам эгалари, фидойи инсонлар баъзан ишсиз, баъзан “бегона” ишларда кун ўтказишга мажбурлар. Фикримизча, ушбу асарда ёзувчи комик вазиятни тасвирлаш билан жамиятимиздаги ноҳақлик иллатини ҳам тасвирлаб берган. Бу ҳолатга улуғ олим, профессор Абдуғафур Расулов “ишга жойлашишнинг оддий “ўзбекона усули” деб баҳо беради⁶².

“Ширин қовунлар мамлакати” асарида ҳам шунга ўхшаш ҳолатларни кузатиш мумкин.

Акромжоннинг мактабга, билим олишга бўлган озроқ эътиборсизлиги кўриниб туради. Тўғри, бундай ҳолат ҳозирги кун болалари орасида ҳам “оммалашиб” кетган. Бунинг сабабини замон техникаси ютуқлари, информация оқими шиддатининг кучлилиги билан изоҳлаймиз. Аммо, ҳар қандай замонда ҳам, ҳар қандай шароитда ҳам бола дастлабки билимни мактабдан олади. Мактабдан эътиборсизликка ўрганган боладан улғайгач жуда катта умидлар кутиш тўғри эмас. Ёзувчи худди шу масалага ғоят нозиклик билан ишора қилади.

Филология фанлари номзоди Омонулла Мадаев “Ширин қовунлар мамлакати”даги аччиқ ҳақиқат” мақоласида жамиятдаги муаммолар бу асарда кулги остида бериб борилганлигини айтиб ўтади:

“Романда ... мактабларда она тили ва адабиёт фанидан берилаётган билимнинг ўта саёзлиги сезилади. Тўғри, Акромнинг “Бой ила хизматчи” драмасидаги Жамилани “келинойим” дейишида бироз муболаға бор. Аммо олийгоҳларда имтиҳон қабул қилувчилар айрим ўқишга кириш ҳавасини билдирганлар жавобида бунга ўхшаш воқеаларга гувоҳ бўлишларини ҳам унутмаслигимиз керак. Романда ўқиш-ўқитишдаги бу ҳолатнинг айниқса, ўқувчилар дунёқарашига салбий таъсир кўрсатгани аччиқ ҳақиқатни айтиш орқали фош этилади. 10-синфни “муваффақият” билан тугаллаган Акром

⁶² Расулов А. Бетакрор ўзлик. – Тошкент, Мумтоз сўз, 2009. – Б.161.

Мадумаров пединститут билан мединститутнинг фарқига бормади. Унинг фожиаси шундаки, у адабиёт фани бўйича эга бўлган билимини етарли деб ҳисоблайди”⁶³.

Шунингдек, асарда катталар билан боғлиқ айрим воқеалар тасвирланганки, улардан катталарнинг ҳам ўзи англамаган ҳақиқатлар комик ҳолатни юзага келтирганига гувоҳ бўламиз. Бунда ушбу ҳолат бола нуқтаи назаридан кузатилади ва таҳлил қилинади.

Лайлатулқадр кечасидаги воқеа:

“Ҳожархон опам ўнги-терсига карамай, югуриб бориб ўша шарпани кучоқлаб олди.

– Қўйворинг мени! – деди шарпа қўрқиб.

– Айланай, Лайлатулқадр бувам! – йиғлагудек бўлиб деди, – биринчи бўлиб мен сизни кўрдим.

– Қанақа лайлатулқадр?.. Мен Абдуқодир бўламан.

– Айланай овозингиздан. Тилагим шуки...

– Қўйворинг мени, уят бўлади!

– Қўйвормайман, бирдан-бир илтимосим...

Худди шу пайтда Обида келинойим ҳаллослаб келиб, ҳалиги одамнинг этагидан маҳкам ушлаб олди.

– Олинг қўлингизни! – деди Ҳожар опам аччиғи чиқиб, – биринчи бўлиб мен кўрганман.

– Вой, қўшни икковимиз тенг кўрдик-ку. – Обида келинойим ҳам қизишиб кетди.

– Қўйворинглар, – деди бегона одам силкиниб, – мен ҳеч қандай лайлатулқадр эмасман. Бекободлик Абдуқодир бўламан. Фермадан келяпман, тушунсаларингиз-чи, фермадан! Молларга ҳашак солиб келяпман”⁶⁴. Хуллас,

⁶³ Мадаев О. “Ширин қовунлар мамлақати”даги аччиқ ҳақиқат / Х.Тўхтабоев “Ширин қовунлар мамлақати” романига сўнгсўз. - Тошкент, Чўлпон, 1991. – Б.280.

⁶⁴ Х.Тўхтабоев. Сарик девни миниб. – Тошкент, Ёш гвардия, 1982. – Б.108.

охир-оқибат ўша одам “йўлтўсар хотинларга” учраганидан кўрқиб кетиб, қочиб қолади.

Бола бу ҳодисани завқ билан, кулиб-кулиб ҳикоя қилади. Сабаби, унинг назарида, катталар мантиқсизликка йўл қўйиши мумкин эмас эди. Зеро, катталарнинг ўзлари тўла англаб етмаган, моҳиятини билмаган эътиқоди шундай кулгили, айни пайтда ачинарли аҳволга олиб келганди. Тўғри, ислом дини таълимотларида лайлатулқадр, яъни қадр кечаси рамазон ойининг қутлуғ кечаларидан бири эканлиги маълум. Ўша лаҳзалар инсон учун саодатли лаҳзалар бўлиши, банда бундай пайтда тоат-ибодатда бўлиши савобли эканлиги айтилган. Аммо, баъзан одамлар таълимотларни ўзларича тушуниб, ўзларича талқин қиладилар. Бунинг натижаси ўлароқ, аллақандай “амал”лар, одатлар юзага келиши табиий. Қадр кечасининг моҳиятини ўзларича талқин қилаётган аёллар тимсоли бунга мисол. Уларнинг қарашига кўра, Лайлатулқадр турли қиёфаларда намоён бўлиб, “одам бўлиб кўринадилар”, “ўт бўлиб ўзларин ўчоққа ҳам урадилар...”, “Ниманики тиласангиз, ўшани дарров муҳайё қиладилар”, “Лайлатулқадрни кўрган пайтингизда ниманики ушласангиз ўша сариқ тиллога айланади” ва ҳоказо. Бундай қарашлар нафақат қадр кечаси билан, балки бошқа кўплаб диний ақидалар билан ҳам боғлиқ ҳолда кўпчилик орасида мавжуд. Буни, балки, илмсизлик ёки моҳиятни англаб етмаслик дея турли сабаблар билан изоҳлашимиз мумкин. Аммо боланинг назарида энди бу ҳақиқат ўз кучини йўқотди. У катталарнинг очиқ-ошқора ўзларини ўзлари алдаётганига гувоҳ бўлди. Воқеадан сал ўтгач Ҳошимжон уйга кириб, бувижонисининг катта толни маҳкам қучоқлаганча қимир этмай турганини кўради.

“– Бувижон, толимиз сариқ тиллога айланаяптими? – деб сўрадим.

– Ишингни қил, тирмизак, – уришиб берди бувижоним”⁶⁵.

Жавобини ўзи ҳам билмайдиган саволга бошқа нима деб жавоб бериш мумкин? Бунинг устига бу бола ҳам айни ўша тасаввур билан улғайган бўлса. Бу ерда боланинг саволида ҳеч қандай кесатиқ ёки атайинлик йўқ эди. У

⁶⁵Х.Тўхтабоев. Сариқ девни миниб. – Тошкент, Ёш гвардия, 1982. – Б.108.

шунчаки “Лайлатулқадрни кўрган пайтингизда ниманики ушласангиз, ўша сариқ тиллога айланади” деган гаплардан хабардор ва унинг натижасига кизиқар эди. Шу ўринда юмор ижтимоий ҳолат ҳосиласи бўлганини таъкидлаш мумкин. Худойберди Тўхтабоев бу юморга бола нигоҳи билан қаради ва бола қалби билан ҳис қилди. Шунини таъкидлаш мумкинки, ёзувчи болалар кулгисига катта ижтимоий муаммоларни ҳам юклай билди.

Асарда комизм етакчилиги ҳақида юқорида қисман тўхталдик. Комизм “комедия” сўзи ўзагига алоқадор бўлиб, юнонча “сомикос” – кулгили ва “оде” – кўшиқ маъноларини англатади. Унда “ҳаёт воқеа-ҳодисалари драматик қаҳрамонларнинг кулгили феъл-атворлари, хатти-ҳаракатларида воқе бўлади”⁶⁶.

Комедиянинг моҳияти комик конфликтга боғлиқ бўлиб, унда “ҳаёт ўз-ўзини инкор қилади”, яъни аслида хунук, зарарли, разил ва нопок хулқли инсон (мазмун) ўзини яхши, илғор, пок, одамий қилиб кўрсатса (шакл) ёки бунинг аксича ҳолатда бўлса, кулги келтириб чиқаради – деб ёзади В. Г. Белинский⁶⁷. Демак, комизм – ҳаётга, воқеликка кулги аралаш муносабат, инсон кўнглининг кулги йўли билан покланишидир. Бу борада Сувон Мелининг “Комик катарсис” номли мақоласида батафсил фикр юритилган⁶⁸. Олим комик катарсис тушунчаси орқали инсон руҳияти нозиклигини очиб беради. Қаҳрамон кулгили вазиятларга тушиб қолар экан, ўзи ҳам кулади, кулиш баробарида кўнгли ғуборлардан тозариб боради.

Комизм инсон руҳияти маҳсули экан, демак, бадий асарда биз уни психологизм таркибида ўрганишимиз ўринли. Инсон руҳиятининг комик, трагик ҳамда драматик тасвирлари диалог, ички монолог сингари психологизм воситаларида акс эттирилади. Шу ўринда, комизмга бадий асарда қаҳрамон руҳиятини энг ёрқин акс эттирувчи восита, деб баҳо беришимиз мумкин.

⁶⁶Белинский В. Г. Танланган асарлар. – Б.204.

⁶⁷Шу манба. – Б.204.

⁶⁸Сувон Мели. Комик катарсис // Ўзбек тили ва адабиёти // 2003, 3-сон. – Б. 20.

“Сарик девни миниб” романида ҳаётбахш руҳ, ҳазил-мутойиба кайфияти, жонли, ҳаракатчан қаҳрамонлар фаолияти етакчилик қилади. Улар болалар дидига, руҳий-маънавий эҳтиёжига ниҳоятда мос келган⁶⁹.

“...Тўғри, олтинчи синфда қолиб кетдим, буни ҳеч кимдан яширмайман. Лекин, сабаби ҳали айтганимдек ёмон ўқиганим учун эмас. Балки мактабимизда яхши баҳолар тугаб қолгани учун шунақа бўлди. Ахир ёмон баҳоларни ҳам кимдир олиши керак-ку. Илгари ҳам бир шунақа бўлувдим. Тўртинчи синфда ҳам икки йил ўқиб, бошланғич таълим пойдеворини обдон обдан мустаҳкамлаб олганман. Олтинчи синфда ҳам шундай қиларман деб ўйладим-у, унча хафа бўлмай қўя қолдим...”⁷⁰. “Ширин қовунлар мамлакати” асаридан олинган мазкур парчада атрофдагилар учун ҳам кулгили, ҳам ачинарли бўлган ушбу ҳолат қаҳрамон қалбида фожиа бўлиб аксланмайди. Зеро, битта синфда икки йиллаб ўқиб, “таълим пойдеворини обдон обдан мустаҳкамлаб” олишининг нимаси ёмон (боланинг наздида – Р.Т.)? Энди, меъёрий ҳолат бўлмаганлиги, ҳамма билан бир хил эмаслик барча учун муаммо бўлиб кўриниши табиий. Агар қаҳрамонимиз ўрнида бошқа бола (ўқувчи) бўлганида, бир эмас, бир неча марта синфда қолиш хабарини эшитганида, у, албатта, тўполон қилган, ҳеч бўлмаганда, ўтириб олиб йиғлаган бўларди. Лекин буни қарангки, Ақромжон хафа бўлиб йиғлаш уёқда турсин, ҳатто пинагини ҳам бузмайди. “Ахир ёмон баҳоларни ҳам кимдир олиши керак-ку”, дейди ва бу билан китобхонни лол қолдиради. Бола қаҳрамон қалбидаги мана бундай ўта соддалик, бир оз “афандилик” ёки унинг “ўз дунёси” жамият меъёрлари, қонун-қоидаларига бўйсунмайди. У ҳамма нарсани қандай бўлса шундайлигича қабул қилаверади. Бу унинг учун фожиа эмас, балки “Олтинчи синфда ҳам шундай қиларман деб ўйладим-у, унча хафа бўлмай қўя қолдим”, деган оддий бир хулоса-да. Бу – комизм сарҳадида тасвирланган қаҳрамоннинг яққол руҳий қиёфаси. Зеро, қаҳрамон

⁶⁹Расулов А. Бетакрор ўзлик. – Тошкент, Мумтоз сўз, 2009. – Б.166.

⁷⁰Тўхтабоев Х. Ширин қовунлар мамлакати. – Тошкент, Янги аср авлоди, 2016. – Б.13.

Ўзининг кулгили эмас, балки қайғули ҳолатда эканини эсламайди ҳам. У кулги воситасида ўзининг ўзи билмаган фожиасини енгиб кетади.

Ёки “Сарик девни миниб” асаридан:

“...Физкультурадан қилган машқларим мана шу ерда қўл келиб қолди. Бир сакраган эдим, ўзимни ҳовлининг ўртасида кўрдим. Бу гал калтак ейишим аниқ бўлиб қолди.

–Сен ҳали шошмай тургин! – деди ойим дағдаға қилиб.

Шундай қилиб десангиз, кеча мана шундай дили сиёҳлик бўлиб ўтган. Ҳозир кўчага чиқиб, шуларни ўйлаб юрагим сиқилиб кетди. Синглимни уйга киритиб папкамни олдириб чиқдим-да, уй вазифаларини кўчириб олиш учун Орифларникига кирдим.

- Ориф йўқ, - деди ойиси, - магазин томонга кетувди.

- Ориф мени папкамни олиб келгин деб юборди, – дедим. Нега десангиз, агар папка қўлга эсон-омон тегиб қолса, ичини очиб, уй вазифаларини кўчириб олишни мўлжаллаган эдим.

- Папкасини ўзи билан олиб кетувди-ку.

- Бўлмаса, ўғлингиз мени алдапти-да, – дедим сир бой бермай”⁷¹. Бу сафар Ҳошимжоннинг “иши юришмади”, яъни Орифдан уй вазифаларини кўчириб олиш режаси амалга ошмади. Ўртоғининг онасидан Орифнинг папкасини бамайлихотир сўраб борган Ҳошимжоннинг хаёли бир дунё режалар билан банд эди. Бахтга қарши, Орифнинг ойиси “Папкасини ўзи билан олиб кетувди-ку” деган жавобни бериб қолди. Ахир бемалол, хотиржам Орифнинг ойисидан папкани олиб кетишини сўради, олгач, уй вазифаларини кўчирмоқчи эди. Мана энди Ҳошимжоннинг ёлғони фош бўлди. У ноқулай вазиятга тушиб қолгани ҳолда яна ҳеч нарса бўлмагандай “Бўлмаса, ўғлингиз мени алдапти-да”, деб қўя қолди. Ушбу парчада бола қаҳрамоннинг тушиб қолган ноқулай аҳволдан, кутганига зид келган вазиятдан ҳалос бўлиш учун шунчаки чечанлик билан айтиб юборган жавоби комизмни юзага келтирди. Ваҳоланки, бола қаҳрамон бу ҳолатда ёлғон

⁷¹Тўхтабоев Х. Сарик девни миниб. Тошкент, Ёш гвардия, 1982. – Б.18-19

гапираётганини, хато иш қилаётганини ўйлаб ўтирадиган кайфиятда эмасди. Айни шу парчадан бола характериға хос чечанлик ва соддалик намоён бўлиб турибди.

Комизм, ҳаётға кулги аралаш муносабат доимо санъатнинг муҳим унсурларидан бири бўлиб келган. Ёзувчи ҳаётда нимани кулги объекти қилиб олиши унинг идеали билан боғлиқ. Идеал қанчалар юксак бўлса, унинг кулги объекти шунчалик кенг доирани қамраб олади. Биз адиб асарларида ана шундай кенг маъноға эға кулгини кузатамиз.

Психологизм ва унинг бадий асарда акс этиши юзасидан олиб борилган айрим тадқиқот ва мақолалар билан танишиб чиқиш давомида унинг принцип ва воситалари ҳақида керакли хулосалар чиқаришға ҳаракат қилдик. Шунингдек, бадий психологизм болалар адабиётида ҳам ўзига хос йўсинда намоён бўлишини тадқиқ этдик. Бу борада психологларнинг ҳам бола руҳияти борасидаги изланишлари эътиборға олинди. Диссертация иши психология эмас, балки адабиётшунослик нуқтаи назаридан олиб борилганлиги сабабли, бадий асардаги образлар таҳлиliga кўпроқ эътибор қаратилди. Образлар таҳлили натижасида уларнинг психологияси қай даражада ёритилганлигига тўхталинди.

Психологизм муаммоси ва ўзбек болалар адабиётида руҳий тасвир масаласиға бағишланган мазкур бобдан келиб чиқадиган хулосаларимиз қуйидагича:

1. Адабиётда инсон ички дунёсининг чуқур бадий тадқиқи “бадий психологизм” деб аталади. Психологизм бадий адабиётда инсон қалби ва руҳиятини ифода этади. “Психологизм” тушунчаси “психологик таҳлил”дан кенгроқ, чунки психологизм муаллиф психологиясининг асардаги аксини ҳам акс эттиради. Бундай таърифни, инсон руҳиятини очиш воситалари мажмуидангина иборатлиги, маълум объектға йўналтирилганлиги сабабли психологик таҳлилға нисбатан ишлата олмаймиз.

2. Психологизм бевосита муаллиф мулоҳазаси ёки қаҳрамонларнинг ўз-ўзини таҳлил қилиши шаклида ва ёки билвосита қаҳрамонлар мимикаси, хатти-ҳаракатини кўрсатиш формасида амалга оширилади.

3. Бадиий психологизмнинг тамойил, форма ва воситалари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири қаҳрамон характери қирраларини ёритишга хизмат қилади. Жумладан, динамик принцип – қаҳрамон ички дунёси хатти-ҳаракатлари орқали, аналитик принцип – қаҳрамон руҳияти унинг фикр ва туйғулар оқими жараёнида тасвирланади. Бу принциплардан ташқари, қаҳрамон руҳий оламини ёритувчи форма ва воситалар ҳам мавжуд бўлиб, улар ҳам инсон руҳияти қирраларини ифодалайди. Психологизмнинг типологик, синкретик, қалб диалектикаси, характер қирраларини таҳлил этиш, ижтимоий зиддиятларнинг характерларга таъсири каби бир қанча шакллари, адабий портрет, монолог, диалог, туш, психологик тимсоллар, хиссий ҳаракатлар, пейзаж, галлюцинация каби воситалари мавжуд.

4. Ўзбек болалар адабиётида ҳам бола қаҳрамон характери, табиати ўзига хос йўсинда намоён бўлади. Худойберди Тўхтабоев романларида психологизмнинг аналитик кўриниши кўпроқ етакчилик қилиб, ёзувчи бола руҳий оламини фикрлар ва туйғулар оқими жараёнида тасвирлайди. Шунингдек, Х.Тўхтабоев романларида психологизмнинг ички монолог, диалог каби воситалари устуворлик қилади.

5. Х.Тўхтабоев романларида бола қаҳрамон руҳиятида чечанлик хусусияти устунлик қилади. Бу эса бола қаҳрамонларган хос бўлган ҳаётбахш юморни юзага чиқаради.

6. Болалар адабиётида психологизмининг энг катта хусусияти комизм ҳисобланади. Комизм жараёнида бола қаҳрамон психологизми намоён бўлади. Бола руҳияти комизмга мойил бўлиб, у ҳар қандай вазият, ҳар қандай ҳолатда комикликдан йироқлашмайди.

II БОБ

БАДИЙ АСАРДА ЎСМИР РУҲИЯТИНИ ТАСВИРЛАШ ВОСИТАСИ ВА УСУЛЛАРИ

2.1. Бадий мулоқот ўсмир психологиясини тасвирлаш воситаси сифатида

“Бадий асар ҳақида гап кетганда, аввало, унинг бадий мулоқот (бадий коммуникация) воситаси эканлигига тўхталиш жоиз. Маълумки, мулоқот пайтидагина тил ҳодисаси нутқ ҳодисасига айланади”⁷². Сўзловчи ёки ижодкор бадий асар воситасида китобхон билан мулоқотга киришади.

“...Ёзувчи ижод онларида тасаввуридаги ўқувчи билан мулоқотда бўлади: унга муайян бадий информацияни етказди, ўзининг ўй-ҳислари билан ўртоқлашади, у билан баҳслашади, уни нималаргадир ишонтиришга интилади... Айни шу мулоқот — ижодий жараён асар матнида муҳрланади. Худди мактубга ўхшаш, асарни ўқиш жараёнида мулоқот қайтадан жонланади, энди ёзувчи тасаввурдаги “суҳбатдош” мавқеида турса, ўқувчи реал суҳбатдошга айланади. Кўрамизки, бадий матн муддати кечиктирилган бадий мулоқот, бадий асар эса шу мулоқотнинг амалга ошишини таъминловчи восита экан. Демак, ижодкор ва ўқувчи орасидаги бадий мулоқотни амалга оширишга хизмат қилгани учун ҳам бадий асар бадий мулоқот воситаси деб тушунилади. Бадиият ҳодисаси фақат икки онг туташган нуқтадагина мавжуд (М.Бахтин) бўлади. Яъни, бадий асар ўқиш (ҳамда ижод) жараёнидагина бадиият ҳодисасига айланади, ўқилмаган пайтда у бир жисм — қоғоз, муқова, рангдан иборат нарса, холос.

Юқоридагилардан маълум бўлдики, бадий мулоқотнинг биринчи босқичи ижод жараёни экан. Илгари айтилганидек, бадий асарда ижод жараёни муҳрланади. Шу боис ҳам бадий асар табиатини англаш учун бадий ижод табиати ҳақида муайян бир тасаввурга эга бўлишимиз зарур.

⁷² <http://quronov.narod.ru/dmaq13.html>

Аввало, бадий ижод ҳамманинг ҳам қўлидан келаверадиган иш эмас, бунинг учун кишида туғма имконият бўлиши зарур”⁷³.

Мулоқот масаласини ўрганар экан, тилшунос олимлар ҳам мулоқотнинг бир томонлама, чегараланган ҳодиса эмаслигини таъкидлайдилар. Уларнинг тушунтиришларича, мулоқотни юзага чиқаришда нутқ асосий восита вазифасини бажаради.

Нутқий фаолият бўйича махсус тадқиқотлар олиб борган тилшунос олима Е.С.Кубрякова нутқнинг психолингвистик аспектини Виготский ғоясига таяниб тадқиқ қилади. “Л.С.Виготский фикрига кўра, фикр нутққа айлангунча бир неча босқичларни ўтиши лозим. Олимнинг ички сўз ҳақидаги ғояси ботиний нутқ тўғрисидаги фикрларнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Ички сўз – ботиний нутқда пайдо бўлувчи, инсон онгидаги образлар, ассоциацияларнинг рамзий белгиси. Айнан у ботиний нутқнинг ташқи, табиий нутққа айланишида восита бўла олади”⁷⁴.

Яна тилшунос олимлардан М.Йўлдошев мулоқотнинг асосий воситаси сифатида тилни кўрсатиб, тил ҳодисасини кенг талқин қилишни таъкидлайди: “Тилни фақат ва фақат кишилар ўртасидаги алоқа воситаси сифатида талқин этиш инсоннинг табиий тилини, бу мураккаб ва мухташам ҳодисани, энг ками, жўнлаштиришдан, аниқ бир миллий қиёфа ёки миллий руҳий заминдан мосуво бўлган сунъий тилга (масалан, эсперанто каби) тенглаштиришдан, йўл ҳаракатини тартибга солиш мақсадида яратилган шартли “тил”га бараварлаштиришдан бошқа нарса эмас... Ҳолбуки, одамлар тил воситасида туйғу ва кечинмалари, қувонч ва қайғулари, ҳайрат ва ҳайронликлари, қалбдаги ҳузурлари каби хилма-хил сезгиларни ҳам ифодалайдиларки, булар ҳамини ҳам соф коммуникатив мақсадларни кўзда тутмайди”⁷⁵.

Д.Худойбергана “Матннинг антропоцентриқ тадқиқи” номли

⁷³ <http://quronov.narod.ru/dmaq13.html>

⁷⁴ Кубрякова Е.С. Номинативны аспектречевой деятельности. – М., 1986. – С. 66.

⁷⁵ Юлдашев М.М. Бадиий матннинг лингвопозетик тадқиқи: Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 2009. – Б. 104.

монографиясида бадий матнлардан парчалар келтириб, улардаги тил бирликларининг ифодаланишини тадқиқ этади⁷⁶.

Инсон табиати қанчалар мураккаб ва серқирра бўлмасин, унинг таъриф ва тавсифи ҳамиша бадий адабиётда акс эттирилади. Бироқ инсон (бадий асар қаҳрамони) ўзгалар билан муносабатда, мулоқотда бўлган лаҳзаларда, унинг табиати, ички олами, характер қирралари янада яққолроқ намоён бўла боради. Шундай экан, бадий адабиётда инсон тасвирини беришда қаҳрамоннинг ўзгалар ва ҳатто, атроф-олам билан ўзаро муносабати, мулоқоти масаласи алоҳида аҳамиятга эга.

Маълумки, кишилараро муносабат жамиятнинг энг муҳим белгиларидан бири. Бу белги бадий асарларда ҳам ўз ифодасини топиб келган. Ёзувчи Х.Тўхтабоев романларида қаҳрамонларнинг ўзгалар билан мулоқот, муносабати жараёнида руҳият дунёси жуда гўзал ёритилган. Унда боланинг катталар ҳамда ўз тенгдошлари билан муносабатида юзага чиқадиган энг нозик хислатлари, гап-сўзлари, ҳаракатлари ифодаланади. “Сариқ девни миниб” романи қаҳрамонининг мулоқот жараёнида юзага чиқадиган характер қирралари бунга мисол бўла олади. Бу бола табиатан кувноқ бўлгани учун кўпинча вазиятни кулгу билан юмшатмоқчи бўлади.

“Кеча ойим негандир баҳони сўрамади-ю, қани кундалигингни бир кўрсат-чи, деб қолди. Ранги-қутим ўчиб кетди, нега десангиз, ишнинг бу ёғи сал ишқалроқ эди-да...”

– Кундалигим ўқитувчимизда қолган, – деб кутулмоқчи бўлдим.

– Папкангни оч, деяпман!

Бошқа иложим бўлмаганидан папкани очиб, секин кундаликни чиқариб бердим...

– Бу нима?

– Икки, ойижон.

– Буниси-чи?

– Буниси физикадан олинган баҳо.

⁷⁶ Бу ҳақда қаранг: Худойберганаева Д. Матннинг антропоцентриқ тадқиқи. – Тошкент, Фан, 2013. – Б. 64-68.

- Хўп, мана бунисига нима дейсан?
- Ҳеч нарса деёлмайман, лекин ойижон, учовини қўшса беш бўлади.
- Шунақами?
- Шунақа...”⁷⁷.

Бола онасининг табиати, феълени яхши билади. Фарзандига нисбатан каттикқўллик қилса-да, уни “юмшатиш” ёки “чалғитиш” мумкин. Олган баҳоларининг ёмон эканлиги, бундан онанинг жаҳлга миниши олдиндан кутилган ҳолат эди. Чунки бола шу кунгача “баҳоларим аъло” деган жавоб билан чекланарди. Бугунги вазият эса онасининг олдида жавоб беришни талаб қилар эди. Вазият кескинлашяпти. Бола вазиятни юмшатиш учун юмор ишлатишга уриниб кўради. “2”, “2” ва “1” баҳоларининг жамланмаси “беш” бўлишини айтиб, бир томондан кулгини юзага келтирмоқчи, иккинчи томондан ўзини ҳимоя қилмоқчи.

Мулоқот масаласи психология илмида анча батафсил ўрганилган. Психология илми нуқтаи назаридан қаралганда, мулоқот шахслараро муносабатларнинг шундай кўринишидирки, унинг ёрдамида одамлар бир-бирлари билан ўзаро руҳий жиҳатдан алоқага киришадилар, ўзаро ахборот алмашадилар, бир-бирларига таъсир ўтказадилар, бир-бирларини ҳис қиладилар, тушунадилар.

“Мулоқот ижтимоий психологик ҳодиса сифатида ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида иштирок этиб, ҳамкорлик фаолиятининг моддий, маънавий, маданий, эмоционал, мотивацион қирраларининг эҳтиёжи сифатида вужудга келади”⁷⁸.

Л.С.Виготский, А.Н.Леонтьев, А.Р.Лурия, Д.Б.Эльконин, А.В.Запорожец, М.И.Лисина тадқиқотларида кўрсатилишича, боланинг дастлабки ижтимоий эҳтиёжларидан бири – бу мулоқотга нисбатан эҳтиёждир. А.В.Запорожец ва М.И.Лисиналар тадқиқотларида таъкидланишича, болаларнинг катталар билан мулоқотга киришиш эҳтиёжи

⁷⁷Тўхтабоев Х. Сарик девни миниб. – Тошкент, Ёш гвардия, 1982. – Б.18.

⁷⁸Бу ҳақда қаранг: Махсудова М.А. Мулоқот психологияси. – Наманган, НамДУ, 2005. – Б.4.

7 ёшгача бир нечта босқичлар тарзида ривожланиб боради:

- 1) эътибор ва хайрихоҳлик;
- 2) катталар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;
- 3) катталарнинг ҳурматиغا сазовор бўлиш;
- 4) атрофдагилар билан ўзаро бир-бирини тушуниш эҳтиёжи⁷⁹.

Шахс шаклланишида мулоқотнинг аҳамияти жуда катта. Айниқса, бола онгининг ривожланишида мулоқот пойдевор бўлиб хизмат қилади. Бу ҳақда бир неча психолог олим ўз фикрларини баён қилган. Жумладан, рус психологи Б.Г.Ананьев “Одам билишнинг предмети сифатида” асарида бу масалани чуқур таҳлил қилган. У билимнинг турли элементларини эгаллаш муваффақиятли ўзлаштиришнинг гарови эканлигини таъкидлайди. Билимларни эгаллаш мулоқот орқали амалга оширилишини ҳам уқтириб ўтади. Агар кишилар ўзаро бир-бирларига ахборот узатмасалар, тажрибаларини мулоқот орқали алмашмасалар, улар ривожланмай қолишлари тўғрисида Б.Г. Ананьев ўз фикрларини келтиради.

Б.Г.Ананьев фикрича: “Мулоқот ижтимоий ва индивидуал ҳолатдир. Шунинг учун нутқ билан узвий боғлиқ, коммуникатив вазифани бажаришда пантомимика, имо-ишоралар мулоқот шакллари сифатида юзага чиқади”⁸⁰.

Демак, олим мулоқот тушунчасини умумий, педагогика, психология ҳамда тарбия учун ўта муҳим восита сифатида таҳлил қилади.

Болалар катталар билан ўзаро муносабатида шахс бўлиб шаклланиб борадилар. Яъни, шахсга хос хусусиятлар (яхши ва ёмон сифатлар) уларда юзага чиқа бошлайди. Ўсмир шахси ижтимоий муносабатлар маҳсулидир, бунинг сабаби, у доимо инсонлар даврасида, улар билан ўзаро таъсир доирасида бўлади. Бу эса ўсмир шахсининг энг асосий фаолиятларидан бири мулоқот эканлигига ишора қилади.

Инсоний муносабатлар шундай ўзаро таъсир жараёнларики, унда шахслараро муносабатлар шаклланади ва намоён бўлади. Бундай жараён

⁷⁹Бу ҳақда қаранг: Махсудова М.А. Мулоқот психологияси. – Наманган, НамДУ, 2005. – Б.5.

⁸⁰Ананьев Б.Г. Танланган психологик асарлар. 2-том. – Б.21.

дастлаб одамлар ўртасида рўй берадиган фикрлар, ҳис-кечинмалар, ташвиш-у қувончлар алмашинувини назарда тутди. Одамлар мулоқотда бўлишгани сари улар ўртасида умумийлик, ўхшашлик ва уйғунлик каби сифатлар пайдо бўладики, ўсмир ўзига яқин одамларни тез ва дилдан тушуна бошлайди. Бундай ҳолат Х.Тўхтабоевнинг “Беш болали йигитча” асари қаҳрамони Орифжоннинг онасига бўлган муносабатида яққол намоён бўлади. Бола қалбига энг яқин, меҳрибон кишиси – онасини ғоятда яхши кўради. Онасига нисбатан меҳр, шафқат туйғулари яққол сезилиб туради. Шу сабабли онасининг мушкул аҳволини, изтиробларини дил-дилдан ҳис қилади, унга қандай бўлмасин ёрдам бергиси, оғирини енгил қилгиси келади. Беш нафар укасини ювиб-тараб, уй-рўзғор ишларига доимо ўзи қарашининг сабаби ҳам, балки, шундандир...

“...Шошмай туришсин ҳали, укаларим эсон-омон катта бўлиб, уйга қарайдиган бўлиб қолишсин, мен ҳам шунақанги ўйинқароқ бўлиб кетайки, шунақанги қизиқ ўйинлар топиб ўйнайки, алам қилганидан сочларини юлиб олишсин. Ҳозир эса ҳечам ўйнай олмайман, ўйинга берилиб кетсам, уйдаги ишларим қолиб кетади. Кейин опам⁸¹ хафа бўлиб қолиши мумкин. Мен опамни яхши кўраман, жуда, жуда ҳам яхши кўраман...”⁸².

Ўсмир онасининг зиммасидаги оғир вазифаларни вақти келиб ўз елкасига олишни, онасини қийин аҳволга солиб қўйган юмушларни ўзи бажаришни кўнглига тугиб қўяди, бу эса ўсмир руҳиятидаги янги бир ҳислат бўлиб, унда шахс масъулияти шаклланиб келаётганини кузатиш мумкин. Бунда ўсмир шахсидаги масъулият ҳисси инсоний муносабатлар билан уйғунлашади.

“...Лекин барибир опам жавоб бермайди-да, мен кетиб қолсам идиш-товоқларни ким ювади?... Йўқ, мен урушга бормайман, тракторчи бўламан. Ўшанда опам уйда қолиб укаларимга қарайди, кирниям ўзи ювади, ямоқниям

⁸¹ шевада она сўзи опа шаклида қўлланади.

⁸² Тўхтабоев Х. Беш болали йигитча. – Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2005. – Б.5.

ўзи қилади, тўйиб-тўйиб ухлаб олади, ҳозир, мана бир йил бўляптики, уйкуга ҳеч тўймайди”⁸³.

Ёки: “Мен онажонимга тикилиб қолдим, жуда узоқ тикилдим. Шу туришида у аёл кишига ҳечам ўхшамайди, оёғида жуда, жуда ҳам оғир кирза этик, эркакларнинг пахтали шими, эғнида серпахта фуфайка, бошида кулоқчин, юзлари кир, қўллари мой...Эҳ-эҳ тезроқ катта бўла қолсайдим, тракторни ўзим бошқариб, опамни ҳечам ишлатмаган бўлардим”⁸⁴.

Келтирилган парчаларда боланинг онага нисбатан самимий, ғамхўрликка йўғрилган ўйлари, хаёллари, туйғулари тасвирланган. Орифжон она қиёфасида “аёл кишига ҳечам ўхшамайди”ган, “эғнида серпахта фуфайка, бошида кулоқчин”, “юзлари кир, қўллари мой” бир ишчи аёлни эмас, балки меҳрибон, хушсурат, ҳатто, гўзал бир онани кўришни истайди. Аммо, тақдир тақозоси, давр шафқатсизлиги боланинг орзу-ҳаваслари билан ҳисоблашиб ўтирмайди. Айни шу давр тасвири уруш даври ўзбек оиласи ҳолатини ҳам ёритиб кетган. Маълумки, иккинчи жаҳон уруши ўзбек аёлларини аёллик латофатидан, болаларини болалигидан жудо қилган. Айни фожиадан Орифжоннинг оиласи ҳам “бенасиб” эмас эди. Оталар жанггоҳга жўнатилган бир пайтда эркакларнинг барча юмушлари аёллар ва болалар зиммасига тушиши табиий эди. Орифжоннинг бола қалби онанинг мушкулотини енгил қилишни, онаси “уйда қолиб укаларига қараш”ини, “кирниям ўзи” (онаси) ювишини, “ямоқниям ўзи” (онаси) қилишини, тракторни эса ўғил бўлиб, ўзи ҳайдашни истайди. Аммо, у бу гапларни онасига айтолмайди! Айтгани билан, биринчидан, онанинг дили оғрийди, иккинчидан, бунинг иложи йўқ. Она ҳам, бола ҳам ҳаёт ҳақиқатини бош эгиб қабул қилишга мажбурлар. Бироқ, Орифжон сўзларини барибир айтади, яъни онасига қалбан мурожаат этади. У сиртида айтолмаган сўзларини қалбан изҳор этади, хаёлан онаси ҳақидаги гапларини (ўзига-ўзи) айтиб-айтиб олади.

⁸³Тўхтабоев Х. Беш болали йигитча. – Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2005. – Б.5.

⁸⁴Шу манба. – Б.10.

Орифжон айна ўсмир ёшида. Унинг ёшида, аслида, болаликдан катталиққа ўтиш даври кечади. У тақдир тақозоси билан сал эртароқ катталар сафига ўтиб қолди. Энди унинг “болалиқ қилишга” вақти ҳам, имкони ҳам йўқ. У аллақачон бошига рўзор ташвиши тушиб қолган катта одам сингари намоён бўла бошлайди. Табиийки, унинг фикрлари, гап-сўзлари ҳам “эрта улғайиб қолган бола” қиёфасини кўрсатади. Лекин, шу билан бирга, у ўзгаларга ғамхўрлик, раҳмдиллик, инсофлилик билан, ҳатто, ўзидан кечиб, меҳр кўрсатади.

Худди шундай муносабатни ўсмирларнинг отасига, укаларига нистабан ҳам кўриш мумкин. У отаси ҳақида ўйларкан, отасининг урушда экани, у ёқдаги нотинч тунлар, совуқ қуролларнинг тақиллаши, даҳшат ичида яшаш каби туйғулар-у туғёнлар қалбини безовта қилади:

“Қизик, мен шу пайтда негадир отамни эслаб кетдим. Биз бу ерда сумалак пишириб, эшак минди ўйнаб, рақслар томоша қилиб ўтирибмиз, отам-чи, у қаёқларда экан ҳозир? Эҳтимол совуқ окопда дилдираб ўтириб ўй сураётгандир. Ёки пулемётни судраб хужумга ўтишдимикан, биздан борган хатни ўқитишга одам тополмай, окопма-окоп судралиб юрган бўлса-я...Отам, отажоним...”⁸⁵.

Она трактор ҳайдашга далага кўчиб кетган, ўзи укалари учун ҳам ота, ҳам она бўлиб яшаётган Орифжон айна пайтда урушга кетган отасини ҳам унутмайди. “Совуқ окопда дилдираб”, “окопма-окоп судралиб” юрган ота беихтиёр боланинг кўз ўнгида гавдаланади. У яна хаёлан отаси билан ҳам мулоқотга киришади, яъни отаси ҳақида ҳеч кимга айтолмаётган гап-сўзларини хаёлан ўз-ўзига айтади.

Юқоридаги парчаларда келтирилган фикрлар ва туйғулар оқими қаҳрамонларнинг ўз яқин инсонларига қандай муносабатда эканини яққол кўрсатиб турибди. Ёзувчи ўсмирнинг онаси, отаси, ака ва укаларига бўлган муносабатини ички монолог воситасида яққол ифодалаб берган.

⁸⁵Тўхтабоев Х. Беш болали йигитча. – Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2005. – Б.5.

Худойберди Тўхтабоев романларида қаҳрамон (ўсмир)нинг атрофдаги инсонларга бўлган муносабати диалогларда ҳам намоён бўлади.

“Тепаликда жанг майдонини кузатиб турган мактаб кўшинларининг кўмондони:

- Усмон, сен ўлдинг! – деб қичқирди.
- Ўлганим йўқ! – жавоб қайтарди Усмон.
- Ўқ тегди сенга, ёт!
- Ўқ теккани йўқ, худо урсин агар!
- Ёт деяпман!
- Ётсам картошка бермайсиз-да?
- Ёт, аҳмоқ!

Бечора укагинамга жуда ачиниб кетдим, йўқ, ўқ теккани учун эмас, йўқ-йўқ, у оч эди, мана, картошкага етай-етай деганда бевақт нобуд бўлиб кетди у...”⁸⁶.

Берилган парчаларда болада масъулият, раҳм-шафқат туйғулари бўй кўрсатиб турибди. Бу ўринда мулоқотнинг перцептив томони юзага чиқади. Мулоқотнинг перцептив жиҳати – бу кишининг киши томонидан идрок этилиши, тушунилиши ва баҳоланиши демакдир. Бола онаси, отаси ва укаси қийин аҳволда қолишини истамайди. Сабаби, улар бола учун ҳаётининг бир бўлаги, қалбига яқин кишилар. Боладаги самимий муҳаббат туйғуси яқин кишилари хусусида шундай ғамхўрона фикрлашга ундайди. Бола бу яқинларидан ҳеч қандай манфаат кутмайди. Уларни шунчаки “яқин одамлар”и бўлгани учун яхши кўради ва ғамхўрлик қилишни истайди. Мулоқотнинг перцептив жиҳати айнан монологнинг ўзи, деб бўлмайди. Ички монологда фикрлар ва ҳислар оқими фақат қаҳрамоннинг ўзигагина аён бўлса, перцептив мулоқотда қаҳрамон ҳис-туйғуларини очиқ айтиши ҳам мумкин. Бунда муҳими, суҳбатдошлар кимнидир ёки бир-бирини қалбан ҳис қилиши ва ақлан идрок этишидир. Масалан, “Эҳ-эҳ тезроқ катта бўла қолсайдим, тракторни ўзим бошқариб, опамни ҳечам ишлатмаган бўлардим”

⁸⁶Тўхтабоев Х. Беш болали йигитча. Т., Ф.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2005. – Б. 39.

деган гапларни бола онасига, “... биздан борган хатни ўқитишга одам тополмай, окопма-окоп судралиб юрган бўлса...” деган гапларни эса отасига юзма-юз айтиши ҳам мумкин.

Психолог олим А.А.Бодалев шахс шаклланиши ҳақида фикр билдириб, ўйинда, ўқишда, мулоқотда, яъни фаолиятнинг турли соҳасида ўзининг ўрнини билиши зарурлигини уқтиради. У ўзининг “Шахс ва жамият” китобида бу масалага катта эътибор беради. Шунингдек, у бу муаммолар кам ўрганилганлигини таъкидлайди. А.А.Бодалев фикрича, “инсонни мулоқот орқали тарбиялашда бу унга қандай таъсир қилишини аввалдан ўйлаш зарур”⁸⁷.

Шахс ривожланишида мулоқотнинг роли тўғрисида психологлар А.А.Люблинская, Д.Б.Эльконинлар болада ўйин фаолияти орқали мулоқотнинг шаклланишини таъкидлайдилар. Мулоқот орқали шахснинг характери, иродавий сифатлари шаклланиши ҳақида П.Я.Гальперин, Н.Ф.Добринин, Н.Ф.Тализиналар ҳам муҳим тадқиқотлар олиб борганлар.

Шунингдек, Республикамиз психологларидан М.Г.Давлетшин, Э.Ғозиев, Н.П.Аникеева, Н.Сафоев каби олимлар мулоқот муаммосини турли томондан ёритиб берганлар. Жумладан, профессор Э.Ғозиев “Муомала психологияси” ўқув қўлланмасида мулоқотнинг барча қирраларини назарий томондан очиқ беришга ҳаракат қилган. Профессор М.Г.Давлетшин ҳам “Умумий психология” ўқув қўлланмасида мулоқотнинг кишиларда қандай шаклланиши ҳақида фикрлар билдирган⁸⁸.

Боладан баъзан жуда кўп нарсаларни кутамиз. Унинг айтганимизни қиладиган, бизнинг талабларимизга жавоб берадиган бўлишини истаймиз. Аммо болани унга қандайдир талаб ва қоидалар қўйиб англаб бўлмайди. Бола шундай дунёки, у қолипларга сиғмайди. У ўзича бир дунё бўлиб юради, яъни оламни ва одамларни ўз имкони даражасида англайди. Баъзан ўз тушунчаларини ҳақ деб ҳисоблайди. Унинг “ўз оламида яшаши” катталар

⁸⁷Бу ҳақда қаранг: Каримова В.А., Акрамова Ф.А. Психология. – Тошкент, 2000. – Б.119.

⁸⁸Бу ҳақда қаранг: шу манба. – Б.116.

билан бўлган муносабатлар давомида зиддиятлар келтириб чиқаради. Катталар ва болалар ўртасидаги зиддиятлар кўпинча айна ҳақиқатни турлича англаш натижасида юзага келади. Бундай ҳолат ўсмир болалар билан бўладиган мулоқотларда кўпроқ кузатилади. Ўзаро муносабатларнинг зиддиятли кўриниши ҳам бола психологиясининг яна бир қиррасини кўрсатади.

“Ўсмирлик – қарама-қаршиликларга бой даврдир. Уни баъзи олимлар “кризислар (бухронлар), таназзуллар даври” деб ҳам атайдилар”⁸⁹.

Албатта, ўсмирлик даврини кризислар даври деб аташда ҳам асос бор. Сабаби, ўсмир руҳиятида шундай инқирозли ҳолатлар кўп бўладики, у бу инқирозни бир томондан ўзи ҳал қилгиси келади, иккинчи томондан, уни ҳал қилишга имконияти, кучи ва ақли етишмайди.

Ўсмирнинг шахс сифатида камол топишида икки хил ҳолат кузатилади: бир томондан, бошқалар, тенгқурлар билан яқинроқ алоқада бўлишга интилиш, гуруҳ меъёрларига бўйсунуш, иккинчи томондан, мустақилликнинг ошиши ҳисобига бола ички руҳий оламида айрим қийинчиликлар кузатилади. Ўзгаларни англаш билан ўз-ўзини англаш ўртасида ҳам қарама-қаршиликлар пайдо бўлади. Кўпинча ўсмир ўз имкониятларини юқори баҳолайди. Х.Тўхтабоевнинг “Беш болали йигитча” асарида ўсмир қиёфаси жуда ёрқин тасвирланган. Асар қаҳрамонларидан бири – ўсмирлик даврида бўлган Султон характери жуда изчил берилган. Бола ҳаддан ташқари ўзбошимча бўлиб қолади. Оила аъзоларининг фикри билан ҳисоблашмайди. Акасининг укаларини ўйлаб жонсарақ бўлишига бепарво қўл силтайди ва ўзининг хоҳиш-истакларигина амалга ошишини иштайди. Шу сабаб бу ўсмир бошқаларнинг қийинчилиги эвазига бўлса ҳам, ўз эҳтиёжларини қондираётган бўлиб кўринади. Бироқ Султоннинг ушбу ҳаракатлари ўсмирлик даврига хос белгилар билан характерланади:

“...Султон бўлса ... жуда расво бўлиб кетди. Мактабга бирон марта бўлсин жилд кўтариб бормайди, жилдида ҳеч нарса йўқ, нимаики бўлса,

⁸⁹Каримова В.А., Акрамова Ф.А. Психология. – Тошкент, 2000. – Б.119.

хаммасини ё сотган, ё нонгами, мева-чевагами алмаштириб юборган. Очигини айтсам, у мактабга ўйнагани, бундан ҳам очикроқ қилиб айтсам, мактабда улашиладиган нондан қолмаслик учун боради, орқа партага ўтириб олиб ухлагани-ухлаган.

– Нега тузукроқ ўқимайсан? – дейман баъзан хафа бўлиб.

– Тагин қанақа ўқийман ахир, – шовқин солади Султон, – ҳар куни боряпман-ку .

– Ахир ҳар доим “ёмон” оласан!

– Муаллимларда бошқа баҳо бўлмаса нима қилай?”⁹⁰.

Боланинг акаси билан келиша олмаслигига асосий сабаб – хоҳиш-истакларнинг бир-бирига мос келмаслиги. Яъни катталиқни қабул қилган ўсмир – ака ва ўтиш даврида бўлган, ўсмирлик жараёнини бошидан кечираётган ўсмир – ука ўртасидаги кураш. Бунда иккала томон ҳам ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун сабаб излайди, энг қизиғи шундаки, улар ҳеч қачон ўзларини ноҳақ деб билмайди. Яна бир аҳамиятли жиҳати – ука акани катта сифатида эмас, балки ўзи сингари бола (ўсмир) сифатида қабул қилади. Натижада, унга бўйсуннишни истамайди. Бўйсунмаслик туйғуси болада кўпинча ўзини ҳақ, ўзгаларни ноҳақ деб ҳисоблаганда юзага чиқади. Бу ҳолат асарда боланинг онаси билан бўлган муомаласида ҳам кўринади.

“– Мен трактор ҳайдаяпман – жиғибийрони чиқиб деди опам.

– Хотин киши уйда ўтириб рўзғорга қараши керак, болаларини ювиб тарашини керак, билдингизми!

– Вой, тилингни ҳаққа чўқигур, бу гапни сенга ким ўргатди?

– Ичимдан чиқаряпман, билдингизми.

– Йўқ, буни сенга биров ўргатган.

– Ҳечам-да, хаммасини ўзим биламан. Хотин кишининг кўлига тракторнинг рулидан кўра сигирнинг эмчаги ярашади, билдингизми! Ундан кўра бизни етимхонага бериб кўя қолинг бўлмаса!.. Мана, этигимни кўринг,

⁹⁰ Тўхтабоев Х. Беш болали йигитча. – Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2005. – Б.55.

пайтаваси чиқиб ётибди... хотинлар, ойинг ўша патиллоқ тракторини силаб-сийпалагунча кийимларингни ювиб берса бўлмайдимиз деяпти.

– Тўхта, тўхта болагинам, – деб ёлворди опам, – бу гапларни сенга ким айтди ўзи?

– Айтмайман! – Султон эшикни шарақлатиб ёпиб чиқиб кетди. Кўчадан туриб: “Сиз эркаксабзисиз!” деб бақирди”⁹¹.

Дарҳақиқат, оилавий муносабатлар бола учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, ўсмирлик даврида оиладаги кичик бир зиддият ҳам болага қаттиқ таъсир қилиши мумкин. Уруш давридаги оиласи бошига тушган ҳам моддий, ҳам маънавий қийинчиликлар бола учун жуда оғир эди. У ўзи билмаган ҳолда ана шу шароитга қарши исён қилади. Онаси ҳақида бошқа одамлардан қулоғига чалиниб қолган миш-мишлар онасининг бошқача аёл бўлиши кераклиги ҳақида хулоса чиқаришига сабаб бўлади. У ўз истаклари исканжасида қолиб кетганидан, атрофга объектив қарашга, холис фикрлашга куч тополмайди. Демак, ўсмирларда ўтиш даврининг ижобий кечишида оила, жамият, шароит қабиладар катта аҳамиятга эга.

Психология нуқтаи назаридан қараганда, ўсмирлик даври шундай изоҳланади: Ўсмирлик – вужуд тараққиётидаги шиддат ва нотекислик билан характерланиб, бу даврда тананинг тезкор тарзда ривожланиши ва суякларнинг қотиши рўй беради. Юрак ва қон томирлар фаолиятида ҳам нотекислик бўлиб, бу ҳам бола феълининг ўзгарувчан, динамик характер касб этиб, баъзан номаъқулликлар ва ноқулайликлар келиб чиқишига сабаб бўлади. Булар, албатта, асаб тизимига ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, бола тезда аччиқландиган ёки тормозланиш берганда анчагина депрессия ҳолатидан чиқолмайдиган тушкунликда қолиши мумкин. Айтайлик, одобли, дилкаш ўсмир кутилмаганда қайсар, интизомсиз, қўпол, серзарда бўлиб қолади. Катталарнинг йўл-йўриқларига, талабларига мулойимлик билан жавоб қайтариб юрган ўсмир уларга танқидий муносабатда бўлади. Унинг фикрича, катталарнинг талаблари, кўрсатмалари мантиқан ихчам, далилларга

⁹¹ Тўхтабоев Х. Беш болали йигитча. – Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2005. – Б.56.

асосланган, етарли объектив ва субъектив омилларга эга бўлиши керак. Ўсмирда шахсий нуқтаи назар вужудга келиши сабабли у катталарнинг, ўқитувчининг ёки ака-опаларининг қайғуриши, қойишига қарамай, ўз фикрини ўтказишга ҳаракат қилади. Унинг ўз кадр-қиммати ҳақидаги тасавури, нарса ва ҳодисаларга муносабати оқилоналикдан узоклаша бошлайди, у айрим маълумотларни тушунтириб беришни ёқтирмайдиган бўлиб қолади. Серзардалик кундалик хатти-ҳаракатнинг ажралмас қисмига айланади. Ўсмир хулқидаги бундай ўзгаришлар тажрибасиз ўқитувчи ёки ота-онани қаттиқ ташвишга солади, асабийлаштиради ва уларнинг болага нисбатан муносабатини ўзгартиради. Натижада, келишмовчиликлар, англашилмовчиликлар келиб чиқади⁹².

А.В.Гоганованинг “Пожилые” дети в романе А.Платонова “Чевенгур” мақоласида “кексайиб қолган” болалар ҳамда ўзи кекса, қалби бола бўлган қариялар характери очиб берилади⁹³. Ушбу мақолада боланинг турмуш ташвишларига эрта берилиб кетиши, ҳаёт машаққатларини ҳаддан ташқари кўп чекиши оқибатида болаликдан бутунлай мосуво бўлиши муаммоси босқичма-босқич таҳлил қилинади. Масалан, ўн икки ёшли Варянинг ўттиз ёшли аёлдай (онасининг узун кўйлагини кийиб, бошига рўмол танғиб, фартук тақиб олиб) кўриниши ҳамда бўтқа тайёрлаб, укалари ва ота-онасини овқатга чақиришини кўриб, ота ўйга толади: бунинг болалиги қолмабди. Ёки етти ёшли Прошка овқатга қоринлари тўймай қолгач, отасига “бизни дунёга келтирдингми, энди қорнимизни тўйдир” деб айтиши шафқатсиз ҳаётда курашиб тирик қолиш учун ҳамма нарсага тайёр одамни эслатади. Ваҳоланки, Прошка шу етти ёшида катталар оламида яшаш қанчалар қийин эканлиги, ўзи учун ўзи тиргак бўлиши зарурлигини яхши англаб етади.

Бадиий адабиётда болалар ва катталар муаммоси ёритилган бир қанча асарлар мавжуд. Ф.М.Достоевский (“Ўсмир”), И.Тургенев (“Оталар ва болалар”) асарлари фикримизга мисол бўла олади.

⁹² Бу ҳақда қаранг: Каримова В.А., Акрамова Ф.А. Психология. – Тошкент, 2000. – Б.130.

⁹³ Гоганова А.В. “Пожилые” дети в романе А.Платонова “Чевенгур” // Вестник Московского университета. Серия 9: Филология. 2016. №1. – С.197.

Умуман олганда, катталар ва болалар муносабати азалдан муҳим ва долзарб бўлиб келган. Ёзувчи Х.Тўхтабоев боланинг руҳий ҳолатини ўзаро муносабатлар жараёнида кўрсата билди.

Боланинг қандайлигини билмоқчи бўлган одам уни ўз тенгдошлари орасида кузатса, объективроқ тасаввур олади. Шу маънода, бадиий асарда бола қаҳрамонлар ўз тенгқурлари билан турли йўсинда, турли вазиятларда, турли психологик ҳолатларда тасвирланади.

“Мулоқот одамлар ўртасида биргаликдаги фаолият эҳтиёжларидан келиб чиқадиган боғланишлар ривожланишининг кўп қиррали жараёнидир. Муносабат ва мулоқот биргаликдаги фаолият кўрсатувчилар ўртасида ахборот айирбошланишини ўз ичига олади. Одамлар мулоқотга киришаркан, мулоқотнинг энг муҳим воситаларидан бири сифатидаги тилга мурожаат қиладилар. Муносабатнинг иккинчи жиҳати муносабатга киришувчиларнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракати – нутқ жараёнида фақат сўзлар билан эмас, балки хатти-ҳаракатлар билан ҳам айирбошлашдан иборатдир”⁹⁴.

Тилда ёзувчи услуби ва қаҳрамон салоҳияти намоён бўлади. Х.Тўхтабоев “Сариқ девни миниб”, “Беш болали йигитча”, “Ширин қовунлар мамлакати”, “Мунгли кўзлар” романларида қаҳрамон тилидан гапирди. Қаҳрамонларнинг руҳият қирралари турли вазият ва уларнинг нутқларида кўринади.

Х.Тўхтабоев ўз романларида монологик нутқ шаклидан самарали фойдаланган. “Энди нима қилдим? Жуда бошим қотиб қолди-ку. Бир йўла уч фандан вазифа берилган эди, биттасини ҳам бажарганим йўқ... Ҳозир, негадир, Орифни тутиб олиб дўппослагим, биқинига, бошига роса муштлагим келиб кетди. Қани кўлимга тушса-ю, бир алаимдан чиқсам”⁹⁵.

Ёки:

“... Нима, битта қовун ўғирлаган билан одам ўғри бўлиб қолармиди. Ўзимга бўлса-ку ҳечам қилмасдим-а, лекин касал синглимга жуда ачиниб

⁹⁴Махсудова М.А. Мулоқот психологияси. Наманган, НамДУ, 2005. – Б. 4-5.

⁹⁵Тўхтабоев Х. Сариқ девни миниб.” Ёш гвардия”, 1982. – Б. 19.

кетяпман... Қовунлар эгасиз қолди, бир уюм қовун хуснини кўз-кўзлаб турибди. Биттасини олайми, олмайми? Олдим!!! Олдим-у, кизик, худди чўғни чангаллаб олгандек қовунни ташлаб юбордим...”⁹⁶ каби.

Монологик нутқда кишининг ўзгага (ёки ўзига) мурожаати амалга ошади ҳамда монологик нутқ воситасида киши қалбидаги кечинмалар, ҳис-туйғуларини ошкор эта билади. Айниқса, ички монолог воситасида қалбида кечаётган туйғулар, фикрлар оқими исталганча давом этиши, қаҳрамон ўзига ўзини “очиб-сочиши” мумкин.

Бадий асарда қаҳрамонлар руҳияти ўзаро мулоқот – диалоглар воситасида ҳам тасвир этилади. Бунда диалог асосий омил бўлиб, икки тараф ҳам бир-бирига айтадиган сўзлари воситасида ўзлиги (руҳияти, кайфияти, характери)ни ошкор этиб боради. Бу борада адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, проф. У.Жўрақулов Бахтиннинг диалог назариясини махсус тадқиқ этади:

“Бахтин талқинидаги диалог феномени нафақат бадий асар сюжети, композицион қурилиши, образлари ҳаракатини, балки бир бутун поэтик воқелик моҳиятини ташкил қилади. Унинг бевосита тирик жараён, жонли сўз, ва, айниқса, фаолиятдаги инсон билан спиралсимон муносабатини юзага келтиради. Бадий асар дунёсида ҳаракатланувчи одам образи доимий мулоқот вазиятида яшайди. Унга оид ҳар қандай нутқ моҳиятида диалог туради. У ҳар қандай ҳолатда, қай шаклда (диалогик, микродиалогик, монологик, полифоник) мулоқотга киришмасин, албатта, қаршисидаги “ўзга” образини ҳис қилиб туради: “Достоевский диалогининг қолипиди жуда оддий: одамнинг одам билан – “мен” ва “ўзга” сифатидаги қарама-қаршилгидир”, деб ёзади бу ҳақда Бахтин.

Аммо бу қарама-қаршилиқ абсолют маънодаги икки нуқтаи назарни англамайди. “Мен” “ўзга” билан мулоқотга киришар экан, ботинидаги ғайриқутбини тасдиқлаши, инкор қилиши, алдаши, авраши, унга муножот қилиши, тазарру қилиши мумкин. “Ўзга” функциясини эса “мен”дан бошқа

⁹⁶Тўхтабоев Х. Беш болали йигитча. Тошкент, 2005. – Б. 136.

барча – Яратгандан тортиб, ота-она, ака-ука, опа-сингил, ёр, дўст, душман, кўшни, устоз, шогирд – бажариши мумкин. М.Бахтин диалог назариясининг нозиклиги ва мураккаблиги ҳам шунда”⁹⁷.

Бу ҳақда Бахтиннинг ўзи: “Диалог воситадан кўра мақсад бўлиб хизмат қилади. Бу ўринда диалог ҳаракат майдонига олиб чиқувчи эшик эмас, балки айнан ҳаракатнинг ўзидир” дейди⁹⁸. Диалог орқали қаҳрамоннинг руҳияти юзага чиқади.

Диалогик нутқда ўзаро муносабатлар жуда ёрқин акс этади. Х.Тўхтабоев диалогик нутқлардан ҳам самарали фойдаланган. Болаларнинг бир-бирлари билан мулоқотлари кизгин диалогларда берилади. Бунинг натижасида бола руҳияти очилиб боради.

“...дарсдан қайтаётганда мен ҳам бўш келмадим, Орифдан боплаб ўчимни олдим.

– Менга қара, – дедим чинорнинг тагига етганда биқинига туртиб, – нега менинг кучугимни урдинг?

–Қачон урибман?

– Ўтган йили урдинг-ку!

–Ҳечам урганим йўқ.

–Ургансан, мана бундай қилиб ургансан, – дедим-да, бошига бир мушт туширдим”⁹⁹.

Парчада ўсмир болаларнинг бир-бирлари билан зиддиятли муносабатлари акс эттирилган. Чунки ўсмир руҳиятида англаш мушкул ўзгаришлар пайдо бўлади. Улар баъзан ўз имкониятларини юқори баҳолайдилар. Ўз тенгқурларидан ортда қолиш уларга алам қилади, ақлан бўлмаса, жисмонан улардан устун келишга интилади. Ҳошимжон сингари болалар эса ўз камчилик ва хатоларини тан олишни истамайдилар, аксинча, уларнинг мулзам бўлишларига ўзгалар айбдор, деб ўйлашади. Ўғил болалар

⁹⁷Бу ҳақда қаранг: Жўракулов У. Назарий поэтика масалари. – Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2015. – Б. 76-77.

⁹⁸ Қаранг: Бахтин М.М. Проблемы поэтики Достоевского. – М.: Соетский писатель, 1963. – С.339.

⁹⁹Х.Тўхтабоев. Сариқ девни миниб. – Тошкент, Ёш гвардия, 1982. – Б.19.

психологиясида бу ҳолат яққол кўриниб туради. Баъзи олимлар ўғил болалар табиатида зўравонлик туйғулари яшириниб ётган бўлади, деб ҳисоблайдилар. Бу фикрда қисман жон бор. Чунки болалар баъзан жиддий сабабсиз жанжаллашишади. Ёзувчи мана шу нарсани жуда нозик ёритган.

Ўсмирлар ўртасидаги ўзаро зиддиятли муносабат Х.Тўхтабоевнинг “Беш болали йигитча” асарида ўз ифодасини топган.

“... Болалар мени нега ёмон кўришини айтсам, улар мен туфайли ё опасидан, ё отасидан дакки эшитади. “Сен аҳмоқ, кун бўйи кўча чангитиб ўйнайсан, сен тенг Ориф бўлса укаларини ўйнатади, уй ишларини тинчитади...” деб қулоқларидан чўзишади. Бир куни маҳалламиздаги болалар тўпланиб: “Сен аҳмоқни сувга пишамиз”, – деб ўртага олиб қолишди.

– Майли, – дедим парвоимга ҳам келтирмай, – беш-ўн кундан буён бет-кўлимни ювганим йўқ эди, баҳонада чўмилиб оламан.

–Энди сени ўйинга кўшмаймиз, – дейишди яна болалар.

–Унда сизларга биттаям латифа айтиб бермайман, – деб яна бўш келмадим”¹⁰⁰.

Бу парчада болаларнинг зиддиятга киришуви ва иккинчи томоннинг шу зиддиятга барҳам бериш учун бўлган курашини кузатиш мумкин. Айни ҳолатда вазиятга боланинг чечанлиги ҳукмронлик қилмоқда. У тенгқурларининг “сен аҳмоқни сувга пишамиз”, “энди сени ўйинга кўшмаймиз” деган эътирозларига ўйлаб ҳам ўтирмай, лаҳзада жавоб қайтаради. Қаранг, “баҳонада чўмилиб оламан”, “унда сизларга биттаям латифа айтиб бермайман” сингари жумлаларни у мулоҳаза юритиб, ақл тарозисига солиб айтгани йўқ. Бу ҳолат Бухоро амирининг Насриддин афандига жазо излаш воқеасини эсга солади. Бухоро амири Насриддин афандини жазолаш учун дорга ошишни таклиф қилади. “Йўқ, бўлмайди – дейди афанди – Кўқон хони уч марта дорга осган. Ўлмаганман”. Амир ўйланиб туриб, тошбўрон қилдиришни таклиф қилади. “Бўлмайди – дейди

¹⁰⁰Тўхтабоев Х. Беш болали йигитча. – Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2005. – Б.3-4.

афанди, - Турк султони тўрт марта тошбўрон қилдирган. Ўлмаганман”. Амир яна ўйланади. Охири, қопга солиб сувга чўктиришни таклиф қилади. Хуллас, вазият барибир Насриддин афандининг фойдасига ҳал бўлади. Энди, матн билан танишаётган китобхон, Насриддин афанди яна қандайдир ҳийла билан қутулиб қолишини сезиб туради. Қаҳрамоннинг чечанлик билан лаҳзада жавоб топа олаётганлиги, тўғридан тўғри суҳбатдошининг онгига таъсир қилаётганлиги беихтиёр китобхон онгига ҳам таъсир қилади. Орифжоннинг ҳам “баҳонада чўмилиб оламан”, “унда сизларга биттаям латифа айтиб бермайман” деган гаплари диалогик нутқ шаклида комизмни юзага келтирган.

Ўсмир болалар орасида энг кўп учрайдиган ҳодиса – ўз тенгдошларига нисбатан масҳараомуз ҳазиллар қилишга ўчлиги. Бу хусусият ҳамма давр учун хос бўлиб, боланинг ўз хоҳиш-истаклари амалга ошишини исташи билан характерланади. Масалан, келтирилган парчадан Орифжоннинг сўзга, латифа айтишга усталлиги сезилиб туради. Унинг тенгдошлари ҳамиша боладан ажойиб латифалар эшитиб, қизиқ суҳбатларни тинглаб юришни ёқтиришади. Аммо Ориф билан болалар ўртасида бунга тўсқинлик қиладиган “муаммолар” бор. Орифнинг ижтимоий ҳаётидаги вазифа ва юмушлари унинг болалар билан вақтичоғлик қилишига имкон бермайди. Болалар эса буни истамайдилар, Орифни ўз сафларига қўшишни, ундан ўзлари кутган нарсаларни олишни истайдилар. Ўз истакларини амалга ошириш учун турли “усуллар” қўллаб кўрадилар. Улар тенгдошларининг нозик томонларига “хужум” қиладилар. Баъзан нафсониятига тегишга ҳаракат қиладилар.

“...Ақром билағонга кўзим тушиб қолди. Қараб турган эдим:

– Ҳа, ойимқиз, томга чиқиб офтобчувоқда кўрпа қавияпсанми, – деб сўради.

– Ўзинг ойимқизсан, билдингми? – дедим аччиғим чиқиб.

– Идиш-товоқ ювишинг ёлғонми?

– Ёлғон!

– Кир ювишинг-чи?

– Ёлғон!

– Сигир соғишинг-чи?

– Ҳозир бошингга кесак билан тушираман!

– Қўлингга хина-ю, қошингга ўсма қўйишинг ҳам ёлғонми? – деб Ақром билағон қикирлаб кулаётган эди, дони қоқиб олинган макка сўтани отган эдим, эссизгина, мўлжални сал нотўғри олиб қўйган эканман, кулоғининг ёнидан зувиллаб ўтиб кетди. Иккинчисини отмоқчи бўлувдим, Билағон шаталоқ отиб қочиб қолди, бежавотирроқ жойга бориб олиб:

– Йиғлама, қиз, йиғлама.

Эртага тўйинг бўлади! – деб елкаларини учириб, ўйинга тушиб, мени масхара қила бошлади...”¹⁰¹.

Бундай “суҳбат”, албатта, қахрамон руҳига таъсир қилмай қолмайди. У ҳам тенгдошлари билан бирга бўлишни, улар сафида юришни истайди. Аммо, ижтимоий шароит тақозосига кўра бандлиги бунга йўл қўймайди. Бу масалага кейинроқ батафсил тўхталамиз. Аммо бу ўринда ижтимоий шароитдан кўра боланинг психик аҳволи муҳимроқ. Чунки бу бола табиатан ҳаётсевар, яъни “ўз ҳаётидан ўзи маъни топиб яшай оладиган” кучга эга. Бу сингари болалар табиатан қувноқ ва сўзга чечан бўладилар. Психолог тили билан айтганда, оптимист бўлиб, улардан ҳамиша ҳаётга муҳаббат уфуриб туради. Бундай болалар тенгдошлари билан мулоқотда бўлганда, одатда, қийинчиликка учрамайдилар, аксинча, ўзларининг “бурро”лиги билан дўстларини лол қолдиришади.

Болаларнинг ўзаро муносабатида новербал (нутқсиз) алоқа воситаси ҳам учрайди. Новербал коммуникация воситаларига юз ифодаси, мимика, оҳанг, пауза, поза (ҳолат), кўз ёш, кулги ва бошқалар киради. Бу воситалар вербал коммуникация – сўзни тўлдиради, кучайтиради ва баъзан унинг ўрнини босади.

Одамлар ўртасидаги мулоқотнинг энг муҳим турлари вербал ва новербал мулоқотдир.

¹⁰¹ Тўхтабоев Х. Беш болали йигитча. – Тошкент, Фафур Фулом номидаги НМИУ, 2005.– Б.4.

Новербал мулоқот тил, товушлар, шунингдек, нутқ қўлланилишига асосланмаган бўлиб, бу мимика, имо-ишоралар, пантомимика ёки тана орқали алоқалар воситасидаги мулоқотдир. Бу бошқа одамдан қабул қилинадиган кўриш, эшитиш, ҳид билиш ҳамда бошқа сезги ва тасаввурлардир. Одам мулоқоти новербал шакл ва воситаларининг кўпчилиги туғма бўлиб, фақат ўзига ўхшашлар билан эмас, балки бошқа тирик жонзотлар билан ҳам ҳиссиёт ва хулқ-атвор даражаларида ҳамфикрликка эришиш орқали ўзаро таъсир кўрсатишга имкон беради.

Болгарларда бошни кимирлатиш “йўқ” деган маънони англатса, русларда унинг аксини англатади. Турли ёш гуруҳларида новербал коммуникация воситаси турлича бўлади. Масалан, болалар кўпинча катталарга таъсир этиш, уларга ўз хоҳиш ва кайфиятларини ўтказишда йиғидан восита сифатида фойдаланадилар. Маълум бир фикрни сўз билан баён этишнинг мазмуни ва мақсадига новербал коммуникация воситаларининг мос келиши муомала маданиятининг бир туридир.

Айрим маълумотларга қараганда, 80% ахборот имо-ишоралар, мимика ва пантомимика ёрдамида ифодаланади. Новербал белгилар нутқни тўлдиради, баъзида унинг ўрнини босади, коммуникатив жараён иштирокчиларининг эмоционал ҳолатини акс эттиради. Шунинг учун мулоқот давомида новербал сигналларни кузатиш ва уларнинг мазмунини тушуниш жуда муҳимдир.

Новербал мулоқотда кинетик белгилар тизими ҳам муҳим ҳисобланади. Улар имо-ишоралар, мимика ва пантомимикадан иборат. Масалан, рост сўзлаётган киши очик кафтларини кўрсатишдан кўркмайди. Аксинча, ёлғончи уларни беркитишга ҳаракат қилади. Сухбатдошдан ўзини юқори тутиш белгиларидан бири — бутун кафт чўнтакда бўлиб, бош бармоқнинг ташқарига чиқариб қўйилганлигидир. Шубҳаланувчанликни одатда оғизни қўл билан ҳимоялаш, бурунга тегиб қўйиш, қовоқларни силаб қўйиш, кулоқ ортини ёки бўйинни қашлаб қўйиш билдириб қўяди. Даҳанни силаб-силаб қўйиш қарор қабул қилишга қийналишни кўрсатади. Асабийлик ҳолати

кишининг бирор нарсага — билакузуги, соати ва шу кабиларга ҳеч қандай мақсадсиз қайта-қайта тегиб туриши остига яширилади¹⁰².

Проксемик белгилар тизими юзасидан таниқли психолог С.Л.Рубинштейн шундай деб ёзган эди: “Кундалик ҳаётда одамлар билан мулоқотга киришар эканмиз, биз уларнинг хулқ-атвориға қараб мўлжал оламиз. Негаки, биз уларнинг ташқи маълумотлари моҳиятини гўё “ўқиб”, яъни “мағзини чақиб” чиқамиз, шу йўсинда матннинг ички психологик жиҳати мавжуд бўлган мазмунини аниқлаймиз. Бундай ўқиш наридандан-бери тез юз беради, чунки атрофдагилар билан мулоқот жараёнида бизда муайян даражада уларнинг феъл-атвориға нисбатан автоматик тарзда амал қиладиган психологик ички маъно ҳосил бўлади”¹⁰³.

Новербал мулоқот масаласи тилшунос олимлар томонидан ҳам махсус ўрганилган. Бу ҳақда тилшунос олим М.Саидхонов “Новербал воситалар ва уларнинг ўзбек тилидаги ифодаланиши” мавзусида номзодлик диссертацияси ёзган. Саидхонов новербал воситаларни ўзигача тадқиқ этган олимларнинг қарашларига таяниб таснифлайди: “Х.А.Капанидзе ва Е.В.Красильниковалар ишораларни белги ифодалашиға кўра тасниф этсалар, Р.П.Волос ўз таснифида новербал воситаларни коммуникатив, семантик ва грамматик жиҳатларидан қориштирган ҳолда ифодалайди. В.П.Шубина экспрессивлик ва рамзийлик жиҳатларини асос қилиб олади. Т.М.Николаева, Г.В.Колшанский, И.Н.Горелов каби тилшунослар новербал воситаларни хусусиятиға, вазифасиға, алоқа жараёниға нисбатан тасниф этадилар. Келтирилган таснифларға шахсий мулоҳазаларимизни билдирган ҳолда ўзбекларда ишлатилувчи новербал воситаларни қуйидаги жиҳатлардан тасниф этдик:

1. Новербал воситаларнинг коммуникатив вазифасиға кўра.
2. Новербал воситаларнинг коммуникатив ва соматик хусусиятларига кўра.

¹⁰² М.Мақсудова. Мулоқот психологияси. Ўқув қўлланма. – Тошкент, Турон-Иқбол, 2006. – Б. 35-36.

¹⁰³ Рубинштейн С.Л. Принципы и пути развития психологии. М. РСФСР. Изд.ПФА. – Б. 180.

3. Новербал воситаларнинг ишлатилишига кўра”¹⁰⁴.

Шунингдек, Саидхонов новербал воситалар ўзига хос экспрессив вазифани ҳам бажаришини таъкидлайди: “Кузатишлар шуни кўрсатдики, новербал воситалар уч хил коммуникатив вазифа бажариб келади:

1. Вербал воситанинг ўрнида қўлланиб, нутқий жараёни компенсация килади. (... Мен бош ирғадим. /Ў.У./)

2. Вербал воситани тўлдирувчи новербал воситалар кўпроқ экспрессив - стилистик вазифа бажариб, маънони кучайтириш учун ишлатилади. (– Э, мен буздилардан эмасман! – деди Аҳмад танбал қаҳр билан. /П.Қодиров/)

3. Вербал воситалар билан бирга ишлатилувчи новербал воситалар таъкидлаш, изоҳлаш каби маъноларни билдириб, аралаш ҳолда қўлланади. (...калла қимирлатди ва секингина “ҳа” деб қўйди. /Ў.Умарбеков/)¹⁰⁵.

Тилшунос олима Мунаввара Қурбонова новербал нутқ шаклини ҳаттоки нутқнинг муҳим атрибути сифатида келтиради: “Нутқ жараёнида имо-ишора, мимик ифодаларнинг вербал бирликлар билан ёнма-ён қўлланиши нутқнинг таъсир кучини ошириш билан бирга, тингловчи томонидан унинг тез ва аниқ тушунилишига имкон яратади. Психологларнинг қайд этишича, визуал (имо-ишора) реакция нутқий реакцияга нисбатан ўртача 170 м.сек. тез амалга ошади¹⁰⁶. Мана шу жиҳатига кўра ҳам новербал воситалар мулоқотнинг муҳим атрибути саналади”¹⁰⁷.

М.Мақсудова фикрича, болалар “ўртоғининг бошига тушган кулфатдан хабар топиб, унга ҳамдардлик билдираётган суҳбатдоши нутқсиз коммуникация белгиларини ишлатади: юзларини ғамгин тутади, паст оҳангда, қўлларини юзига ё пешонасига қўйган ва бошини чайқаган ҳолда чуқур хўрсиниб гапиради” ва ҳ.к.

Бу борада ҳам асарга мурожаат этамиз:

¹⁰⁴ Саидхонов М. Новербал воситалар ва уларнинг ўзбек тилидаги ифодаланиши. Филол. фан. н-ди... дисс. Тошкент, 1993. – Б. 9-10.

¹⁰⁵ Ўша манба. – Б.10.

¹⁰⁶ Вальшнер Я., Миккин Х. Невербальная коммуникация в диадах// Труды по психологии. Тарту, – 1974. – С.121.

¹⁰⁷ Қурбонова М. Ўзбек болалари нутқининг прагмалингвистик аспекти. – Тошкент, 2013. – Б.160.

“Зокир менга қаради, мен унга қараб кўзимни қисдим-да:

– Зокирларнинг томида, – деб жавоб бердим.

– Бу ерга қандай келиб қолдиларинг?

– Билмаймиз, – дедик Зокир иккимиз.

– Милтиқ билан пичоқ қаёқдан келди?

Зокир иккимиз нима дейишимизни билмай бараварига елкамизни қисиб кўя қолдик”.¹⁰⁸

Келтирилган парчадаги “кўзимни қисдим”, “бараварига елкамизни қисиб кўя қолдик” иборалари болаларнинг ўзларига маълум, бошқаларга эса номаълум бўлган нимадир борлигини билдиради. Хошимжон кўз қисган пайтда “ҳозир алдайман” ёки болалар елкаларини қисиб кўйган пайтда “биз билмаймиз” ёки “биз ҳам ҳайратдамиз” деган фикрлар англашилади.

Бола табиатан қизиқувчан хилқат. У ҳар бир янги нарсага қизиқсиниб, ўша янги нарсанинг остидаги ҳақиқатни билишга интилиб яшайди. Баъзан болалар катталардан яширинча қандайдир “ишларни” амалга оширмақчи бўлишади. Ўзаро “ҳамкорлик”да бир-бирлари билан нималарнидир келишиб олишади. Масалан, кўз қисиш орқали улар ўзаро қандайдир сирни яширишади. Кўз қисиш ортида яширилган сирни ошкор этмаслик учун унинг ўрнига бошқа бир ёлғон ишлатилади. Одатда бу усул катталар томонидан ўзаро болани алдашда фойда беради. Аммо ўсмир бола энди ўзини катталар сафида кўра бошлайди ва энди унинг ўзи сир яшириш учун айнан ўша усулни қўллайди. Елка қисиш – ҳайрат ёки беҳабарлик белгиси. Болалар елка қисиш орқали ҳам ўз “ҳақиқатларини” беркитиб олишади. Яъни “менинг ҳеч нарсадан асло ҳабарим йўқ”, дея жавобгарликдан “қутулиб” қолишади. Бу ўзаро келишилган хатти-ҳаракатлар бошқалар олдида ўзаро сўзлашиш имкони йўқлигида вужудга келади. Бундай пайтда ҳар икки томон ҳам нима қилиш кераклигини ана шундай белгилар орқали ҳал қилишади. Яъни “айтмаймиз, ундан кўра мана бундай деймиз”, дейиш ўрнига шеригига кўз

¹⁰⁸Тўхтабоев Х. Сарик девни миниб. – Тошкент, Ёш гвардия, 1982. – Б.120.

қисади. “Бараварига елкамизни қисиб қўя қолдик”, дер экан, қахрамонлар бўлиб ўтган иш ҳақида катталарга сўроқ беришдан қутулиб қоладилар.

Ўзаро муносабатларга киришаётган томонларнинг муносабатдан кўзлайдиган асосий мақсадлари – ўзаро тил топишиш, бир-бирини тушунишдир. Ҳар қандай фаолиятдан зерикиш, чарчаш мумкин, фақат киши мулоқотдан, айниқса, унинг норасмий, самимий, бевосита шаклидан чарчамайди. Яхши суҳбатдошлар доимо маънавий жиҳатдан рағбатлантириладилар. Демак, болаларнинг сеvimли суҳбатдошлари уларнинг дўстлари, тенгдошлари бўлар экан. Чунки улар “ўз давра”ларида ўзларини эркин ва “ўз ҳолича” тутадилар.

– Қалай бўларикин-а? – деди Зокир иккиланиб.

– Қалай-палайи борми. Биласанми...

– Ростданми-а? – деб сўради Зокир ҳаваси келиб.

– Рост. Хўп десанг, олтинчида бирга ўқиймиз. Ҳатто, бир партада ўтирамиз. Уйқинг келиб қолса, менинг тиззамга бемалол бошингни қўйиб хурракни тортиб ухлайверасан...

– Қўлни бер! – деди Зокир ўрнидан туриб. – Гапингдан қайтмайсан-а?

– Йўқ, қайтмайман”¹⁰⁹.

Болалар ўзларига маълум бўлган мавзуда суҳбатлашмоқда. Уларнинг бу суҳбати “бегона”лардан ҳоли бўлганлиги сабабли шу қадар эркин ва “ўз ҳолича”. Зеро, улар бу суҳбатга кимларнингдир муносабат билдиришини истамайдилар. Бир синфда қайта-қайта ўқийвериш аслида салбий ҳолат. Лекин бунга салбий ҳолат сифатида жамият қарайди. Яъни, мантиқийлик нуқтаи назаридан юқори синфга ўта олмай қолиб кетиш қолоқ ва билимсиз боланинг “сифат”и. Аммо бу мантиқ болаларнинг ўзаро даврасида кучга эга эмас. Уларнинг “ҳақиқат”лари, ўз мантиқлари бор. Қолоқ ва билимсиз деган ном уларга унчалар кўрқинчли эмас ва энг муҳими – дўстлар бирга.

“Дўстликнинг ривожланиб бориши унинг ўзаро ҳамжиҳатликнинг зарурлигини, ошкоралик ва очиқликни, ишончни, ўзаро фаол ёрдамлашувни,

¹⁰⁹Тўхтабоев Х. Сариқ девни миниб. – Тошкент, Ёш гвардия, 1982. – Б. 94.

самимийликни ва ҳис-туйғуларнинг беғаразлигини қарор топтирувчи ёзилмаган қонун-қоидага амал қилишини тақозо этади”¹¹⁰.

Х.Тўхтабоев болалардаги дўстлик туйғусини “Беш болали йигитча” асарида реал ёритиб берган. Бунда қаҳрамоннинг ўз жигарларига нисбатан самимий, дўстона муносабати, ғамхўрлиги акс эттирилади. Болалар колониясида Шермат ва унинг “биродарлари” билан муносабати ҳам болалар дўстлигининг реал ифодасидир.

Дўстона мулоқот ўрнатиш ва дўст тутиниш муаммоси ўсмирлик ёшида, айниқса, долзарб масалага айланади. Педагогларнинг кузатишлари, ўсмирларнинг сир сақланадиган кундаликлари, уларнинг “Дўстлик ва муҳаббат тўғрисида”ги мавзуларда ўтказиладиган суҳбатларга қизиқишлари ана шундан далолат беради. Дўст орттиришга бўлган эҳтиёж ўсмирлик ёши учун хос хусусият ҳисобланади. Ўсмир одатда дўстона мулоқотнинг ўлчови ҳақида етарли даражада аниқ-равшан тасаввурга эга бўлмайди, бу ёшда у кўпроқ интиладиган алоҳида жуфтлашган ҳолда дўстлашувдан кўра кўпроқ ўз тенгдошлари билан кенгроқ маънодаги мулоқотга киришишни тақозо этадиган ўртоқлик анча кенг тарқалган бўлади.

“Беш болали йигитча” асари қаҳрамони ҳаётнинг оғир синовларидан ўтиб боради. Беш нафар укаси билан ота-онасидан айрилгач, улар етимликнинг оловида баравар куядилар. Айниқса, оналари вафот этган олти етим болакай бир-бирларининг пинжига кириб ҳаётнинг илк зарбасини баравар ҳис қиладилар. Улар энди бир-бирларининг яқинида бўлиш, бир-бирини тинглаб, англаб яшаш зарурлигини сўзсиз тушунишади. Кейинчалик тақдир уларни янада оғирроқ синовларга дуч келтиради. Болалар уйида улар бўлиниб кетишади. Шунда ҳам бу болалар қандай қилиб бўлса-да яна бирлашиш истагида бир-бирларига кўмак бериб боради. Уларнинг катгаси Ориф болалар колониясига тушиб қолганда қаттиқ изтироб чекади. Шунда тақдир унга эски танишларидан бўлган Шермат исмли болакайни учратади. Тўғри, бу кунгача икки бола ўртасида ҳеч қандай дўстлик муносабатлари

¹¹⁰Махсудова М.А. Мулоқот психологияси. – Наманган, НамДУ, 2005. – Б. 40.

бўлмаган. Лекин бу учрашув уларни тўсатдан дўстлаштиради, янада аниқроғи, уларни бир мақсад йўлида бирлаштиради. Орифнинг оғир қисматидан хабардор Шермат уни дилдан ҳис қилади. Унинг дард-у хасратини баданида туяди. Натижада, яқин дўст – “алтер –Эго”, яъни иккинчи “Мен” пайдо бўлади. Биринчи томон ўз дардини, сирини очик айта олади, иккинчи томон ўша дард ва сирни “ўзида” ҳис қилади.

“Султон бедарак йўқолгани, жажжи синглим касалхонада ётганини эшитиб, Шермат хомуш бўлиб қолди. Анча маҳал юзимга тикилиб ўтирди-да:

– Юрагинг туздек ачишяптими, а? – деб сўради.

– Ҳа, – дедим ўпкам тўлиб.

– Хафа бўлма, кечқурун Ислоом келсин, бир иложини қиламиз... Сени бу ердан бир амаллаб қочириш керак”¹¹¹.

Дўстлар бири иккинчисига ёрдам бериш учун ўз ҳаётини хавф остига қўйишга рози бўлади. Зеро, ўртада чинакам садоқатли дўстлик бўлгандагина бундай ишга қўл уриш мумкин. Шеригини болалар колониясидан озодликка чиқариб юбориш учун бола қўлидан келган бор имкониятини ишга солади. Шундай қилиб дўст – “алтер эго” ўз қиёфасини намоён этади.

Ўсмир қанча ички рухий изтироб, қарама-қаршилик, масъулият онларини бошидан кечирмасин, унинг эмоционал олами, атроф-муҳитда рўй бераётган ҳодисаларни онгида акс эттириши катта ўрин тутди. Айнан ўсмирлик даври бола қалбида ким биландир сирлашиш, кимнидир ўзига энг яқин киши сифатида тан олиш, уни руҳиятида кечаётган барча ўзгаришлардан воқиф этиш истаги ва эҳтиёжини уйғотади. Биринчи марта “дўстлик”, “муҳаббат”, “севги” тушунчалари ҳам айнан шу даврда пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам етуклик ва кексалик давридаги кишилар ҳам ўсмирлик ва ўспиринлик йилларини энг беғубор, жозибали ва ёқимли давр сифатида хотирлайдилар.

Ўсмирлик ва ўспиринлик ёшида пайдо бўладиган барча муаммоларни ечиш ва у билан ўртоқлашиш учун болага дўст керак. Психолог тили билан

¹¹¹Тўхтабоев Х. Беш болали йигитча. — Тошкент, Фафур Фулом номидаги НМИУ, 2005. – Б.47.

айтганда, дўст — бу “алтер — Эго”, яъни иккинчи “Мен” бўлиб, у ўша пайтдаги “Мен”нинг бир қисми сифатида идрок қилинади. Бу шундай одамки, шахс у билан барча дард-у хасратларини муҳокама қилади, муаммоларини унинг олдига тўкиб солади. Дўстликнинг бошқа интим, эмоционал ҳиссиётлардан фарқи шуки, у одатда бир жинс вакиллари ўртасида бўлади ва дўстлар одатда 2 киши, айрим ҳолларда 3-4 киши бўлиши мумкин.

Дўстликнинг ҳам кўзлаган мақсадлари бўлади: у амалий, иш-фаолият билан боғлиқ, соф эмоционал (яъни мулоқот эҳтиёжларини қондириш), рационал (интеллектуал муаммоларни ҳал қилишга асосланган), ахлоқий (ўзаро инсоний сифатларни такомиллаштиришга хизмат қилувчи) бўлиши мумкин. Дўстликнинг асосий шarti — ўзаро бир-бирини тушуниш. Шу шарт бўлмаса, дўстлик ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Агар ана шундай тушуниш бўлса, дўстлар гап-сўзсиз ҳам қилиқлар, юз ифодаси, юриш-туришга қараб ҳам бир-бирларини тушуниб олаверадилар.

Демак, Х.Тўхтабоев бола руҳий ҳолатини катталар билан, болалар билан бўлган муносабатлари давомида ёритган. Бунда нутқнинг диалогик, новербал воситалари қўлланилган. Бундан ташқари, нутқнинг перцептив ва зиддиятли томонлари ҳам бола руҳиятини очишда восита сифатида берилган.

Умуман олганда, Х.Тўхтабоев болаларнинг ўзаро муносабати масаласини жуда ишонарли берган. Бу муносабатда бола руҳиятидаги ўзгаришлар, бурилишлар, зиддиятлар ва бошқа жиҳатлар ўз аксини топган. Болаларнинг ўзаро муносабатлари диалогларда очилган. Диалоглардан ўзаро зиддиятли муносабатлар, ўзаро келишувли муносабатлар ёки перцептив жиҳат, новербал коммуникация, дўстлик муносабатлари англашилади. Буларнинг барчаси адиб асарларида акс этган.

2.2. Ўсмир руҳиятига ижтимоий муҳитнинг таъсири масаласи

Инсон руҳиятини шакллантирувчи, юзага чиқарувчи асосий воситанинг жамият, ижтимоий муҳит эканлиги маълум. Ўсмир шахси ижтимоий

муносабатлар маҳсулидир, бунинг сабаби, у доимо инсонлар даврасида, улар билан ўзаро таъсир доирасида бўлади. Шундай экан, унинг ҳиссий ва ақлий ривожланишида ижтимоий муҳит катта ўрин тутди.

Худойберди Тўхтабоевнинг “Беш болали йигитча”, “Мунгли кўзлар” романларида ижтимоий муҳитнинг бола руҳиятига таъсири масаласи ёрқин ифодаланган.

Жумладан, “Беш болали йигитча” асари Иккинчи жаҳон уруши мураккабликларини тасвирлайди. Табиийки, бу мураккабликлар ичра катталар қатори болаларнинг ҳам ўз кечинмалари мавжуд. “Беш болали йигитча” – биографик маълумотларга асосланган асар. Унда уруш ваҳшатидан азият чеккан бола қалби муаллиф психологизмини ҳам тўлалигича қамраб олган. Сабаби “Қўқон болалар уйдан Тошкентга жўнатилган, пойтахтдаги етимхоналарда сарсон-саргардон бўлганлар орасида 12 ёшли Худойберди ҳам бор эди. Поезддан тушириб юборилган, Қўқонгача бўлган йўлни пиёда ўтган, йўл, очлик азобига чидаганлар сафида Х.Тўхтабоев ҳам бўлган. Собик детдомчилар, йўл азобини биргаликда ўтаганлар кейинчалик ҳам учрашиб, бир-бирларининг ҳолидан хабар олиб турганлар”¹¹².

“Худди мана шу ерда бизни поезддан тушириб кетишганди, – деб қолди Худойберди ака. – Бир-икки кун ён атрофни кездик. Емиш изладик. Дуч келган жойда ухладик... Орамизда Султон деган зўравон, урушқоқ, аммо юраги тоза бола бор эди. Ҳаммамизни тўплади:

– Гап бундоқ, болалар, – деди, – энди поезд кутиб, уловга умид қилиб ўтирмаймиз. Таваккал қилиб йўлга тушамиз. Сеники, меники деган гап йўқ. Топганимиз ўртада. Бир-биримизни ҳимоя қиламиз.

Сафимизда Султоннинг учта укаси бор эди... Ўтган асрнинг 70-йилларигача собик детдомчилар йиғилишиб, учрашиб турдик. Қўқонлик бир ўқитувчи ўша оғир йиллар ҳақида асар ёзишимни сўради. Материал тайёр, воқеа-ҳодисалар кўз ўнгимда турипти. Аммо асарга сира қўл ура олмайман-

¹¹²Расулов А. Бетақор ўзлик. — Тошкент, “Мумтоз сўз”, 2009. — Б.173.

да. Шу кунларда қишлоқдан шошилинч хабар келиб қолди. Султон трактор остида қолиб вафот этибди. Ёниб кетдим, кўз ёшимни тия олмайман: “Нега? Нега?” – дейман холос... Ахир, Султон укаларини не ҳасратда катта қилган, ўзи ишлаб, укаларини ўқитган эди... Султоннинг ўлими романнинг тез ёзилишига туртки бўлди. Уни йиғлаб-йиғлаб, етимлигимни эслаб-эслаб, хор-зор бўлганимиздан ўкиниб-ўкиниб ёздим”¹¹³.

Ёзувчи ўз руҳиятидаги дард, қалб изтиробларини қанчалар аниқ тасвирлар экан, қахрамон психологизми ҳам ўшандай тиниқ ва реал чиққан. Х.Тўхтабоев роман ҳақида бежиз “уни йиғлаб-йиғлаб, етимлигимни эслаб-эслаб, хор-зор бўлганимиздан ўкиниб-ўкиниб ёздим”, деб айтмаган. “Беш болали йигитча” романида Орифнинг онаси трактор остида қолиб ўлганлиги айтилади. Х.Тўхтабоев Султон фожиасини сира унутмади. Уни ҳар хил йўллар билан роман тўқимасига сингдирди.

Болаларнинг руҳиятида уруш даври фожиалари дастлаб романда болалар отасини урушга чақириш учун қоғоз юборилган кундан бошлаб сезилади.

Боланинг отасига урушга чақирув қоғози келади: “– Дадангга чақирув қоғози бор, тездан етказиш керак.

Қоровул чақирув қоғозини қўлтиқтаёғининг учига илиб томга узатди-да, отамга тездан етказишимни қайта-қайта тайинлаб, ўзи жўнаб кетди... Ўтирган жойимда ўтириб қолдим. Жуда ғалати бўлиб кетяпман, хафаманми, хурсандманми, ўзим ҳам билмайман, йиғлашим керакми, кулишим керакми, ишонсангиз, бунисиниям билмайман. Маккани қопга солиб, пастга олиб тушдим-да, эшакни тўқимлаб, далага, опамнинг олдига чопиб кетдим”¹¹⁴. Бу оилага урушнинг дастлабки ниши ана шу чақириқ қоғози орқали санчилади. Бу шошилинч хабар болани қанчалар довдиратиб, “шок” ҳолатига солган бўлса, кейинги фожиалар қахрамон трагизминини кўрсатади. Қахрамонни

¹¹³ Расулов А. Бетакрор ўзлик. – Тошкент, Мумтоз сўз, 2009. – Б.173-174.

¹¹⁴ Тўхтабоев Х. Беш болали йигитча. – Тошкент, 2005. – Б.7.

рухий тушкунлик сари олиб борувчи кейинги босқич – отанинг урушга жўнаб кетиши:

“– Олға! – буйруқ бўлди яна. Саф қўзғалиши билан кузатувчилар улу тортиб йиғлашга тушди. Минглаб одамларнинг жам бўлиб йиғлагани жуда кўрқинчли бўларкан.

– Отажон!

– Акажоним!

– Паҳлавоним!

– Ҳой, адаси, тўхтанг! – деган овозлар эшитилиб қолди ҳар томондан. Назаримда бутун олам йиғлаётгандек, ер-у кўк, дарахтлар ҳам кўз ёши тўкаётгандек бўлиб кетди. Усмон йиғлаяпти, Омон бўзлаяпти, Робия чинқиряпти...”¹¹⁵. Бола изтиробини бундан тиниқ тасвир билан бериб бўлмаса керак. У отасидан, балки, умрбод ажралиб қолиши мумкинлигини ички бир сезги билан туяди. Ёзувчи боланинг изтиробини, қайғусини ҳаммага ошкора этиб, батафсил тасвирлаб ўтирмайди. Балки назарида “бутун олам йиғлаётгандек, ер-у кўк, дарахтлар ҳам кўз ёши тўкаётгандек бўлиб кетганлигининг ўзи унинг қанчалар азоб чекаётганини, товушсиз кўз ёш тўкаётганини кўрсатади. Асарда болаларнинг энг катта фожиаси – оналаридан ажралишлари эди. Чунки бу аёл улар учун ҳам она, ҳам ота ўрнида. Отанинг фарзандлар билан машғул бўлишга фурсати йўқ, она эса ҳам дала ишларини уддалаб, ҳам болаларини эркалашга улгурар эди. Умуман, ҳар қандай бола учун она ҳеч нарсага алиштириб бўлмайдиган, ўрнини ҳеч ким босолмайдиган бир хилқат. Асардаги қаҳрамон трагизмининг учинчи, энг оғир босқичи – онасининг вафот этиши эди:

“– Орифжон, укагинам! – Мукаррам опам негадир йиглаб юборди. Замбилни араванинг устига чиқариб отамнинг катта қора пўстинига ўралган бир нарсани эҳтиётлаб замбилнинг устига қўя бошлашди. Кўзларим ярақлаб очилиб кетгандек бўлди. Опам, опажоним-ку...

– Опажон! – қичқириб юбордим...

¹¹⁵Тўхтабоев Х. Беш болали йигитча. – Тошкент, 2005. – Б.23.

– Опажоним!!!

– Эшикка олиб чиқинг! – буюрди доктор. Мукаррам опам кўлимдан тортиб ҳовлига олиб чиқа бошлади...

Опажоним тракторнинг устида ухлаб қопти...”¹¹⁶.

Бу тасвирда ҳам ортиқча тафсилотлар берилмайди. Қаҳрамон психологияси муаллиф психологияси билан уйғунлашиб кетади. Етимлик фожиасини “кўзлари ярақлаб очилиб кетгандек бўлган” бола китобхон кўз ўнгида гавдалантиради. Чунки айти шу лаҳзалар муаллифнинг “йиғлаб-йиғлаб, етимлигимни эслаб-эслаб, хор-зор бўлганимиздан ўкиниб-ўкиниб ёздим” деган гапларини эслатади. Бола психологизми фожеий талқинда шу тахлит намоён бўлади.

Лекин бир нарсани эсда тутиш керакки, болалар адабиёти узлуксиз қайғу, ғам-алам билан ёзилган асарни кўтармайди. Чунки бола руҳиятида қувноқлик, эркинлик туйғулари доимо яшайди. Профессор А.Расулов фикрича, роман ҳақидаги муҳим гаплардан бири, уруш даврида ғам, ташвиш, йўқотиш, “Қора хат”, йўқчилик кишилар руҳини тушириб юборди. Болалар адабиёти ғам, фожиаларга йўғрилган асарларни ҳазм қилолмайди. Ҳар бир асарда бола табиатига монанд кенглик, эркинлик, қувноқлик бўлиши ниҳоятда зарур. Ҳаётий фожиалар билан бола табиатидаги ҳаётбахшлик, сурур аро мутаносибликни яратиш “Беш болали йигитча” романи поэтикасининг эҳтиёжи эди”¹¹⁷. Таниқли болалар адиби Альберт Лиханов ҳам “Беш болали йигитча”нинг Москвадаги нашрига ёзган сўзбоши мақоласида асардаги ғамгин оҳангга жўр бўлиб, уни нурлантириб турган ҳаётбахш юморга катта баҳо беради¹¹⁸.

Дарҳақиқат, “Беш болали йигитча” асарини ўқир экансиз, ундан ғамгин куй таралиб, сизда эзгин бир кайфият уйғотаётгандек бўлади. Лекин бу асар яна шундай кучга эгаки, ундаги болалар ана шу эзгин оҳанг ичра ҳаётнинг нурли томонларини ҳам кўра биладилар. Асарда бола психологизми шундай

¹¹⁶Тўхтабоев Х. Беш болали йигитча. – Тошкент, 2005. – Б.61-63.

¹¹⁷Расулов А. Бетакрор ўзлик. – Тошкент, Мумтоз сўз, 2009. – Б.173-174.

¹¹⁸Норматов У. Ҳаёт ва ҳажвийёт / Нафосат гурунглари. – Тошкент, Муҳаррир, 2010. – Б.361.

параллел тасвирланадики, бола юмор қатига изтироб, изтироб қатига юмор беркитиб сўзлайди. Фрейд назариясига кўра бу ердаги юмор “изтироблар куршовида туриб, лаззатлана олишдир”. Яъни, бола ўз фожиасидан “хурсандчилик” ясай олади. Ёзувчи шу мураккаб муаммони ниҳоятда моҳирлик билан уддалаган.

Асарга афанда ҳақидаги латифалар шунчалар сингдирилганки, гўё уларсиз асарнинг бир қаноти камдек. Шу ўринда айни шу латифалардан айримларини келтириб ўтсак:

“... Мулла Насриддин ҳарбийга чақирилган экан, командир граната отиш, найза санчиш, ўз-ўзини ҳимоя қилиш машқини ўта бошлабди. Бир маҳал командир бундай қараса, Насриддин окопга тушиб, чўзилиб ётган эмиш, ҳа, афанди, нега ётибсиз, деса:

– Мен ўлишни машқ қиляпман! – дермиш афанди”¹¹⁹.

Ёки:

“– Бир бор экан, бир йўқ экан, – деб худди Розик тоғамга ўхшаб бир кулиб олдим, – битта афанди бўлган экан, уни ёшлигида ҳарбийга олиб, командир қилиб тайинлашибди, окопда ётганда душман бостириб кела бошлабди. Афанди ўрнидан туриб аскарларга “Олға!”, деб команда бермоқчи бўлиб:

– Ойи! – деб қичиқиб юборибди.

– Ҳе-ҳе-ҳе, – кулди аскар амаки, – афанди ўлардай кўрқоқ эканда, а?

– Кўрқоқлиги ҳақида яна битта айтиб берайми?

– Қани, қани?

– Афандини кўрқоқлиги учун оддий аскарликка тушириб қўйишибди, хужумга ўтадиган пайтда командир “Олға!” деб буйруқ берибди, бундай қараса, афанди олдинга қараб эмас, орқага қараб чопиб кетаётган эмиш. “Ҳа мулло Насриддин, қаёққа?” деб сўрабди командир.

– Қишлоққа! – дебди афанди.

– Шу пайтда қишлоқда бало борми! – бақирибди командир.

¹¹⁹ Тўхтабоев Х. Беш болали йигитча. – Тошкент, 2005. – Б.37.

– Ойим билан хайрлашиб келай, – дермиш афанди.

– Оббо сен-эй, – деди аскар амаки енгилгина кулиб олгач, – афандинг хам ўзингга ўхшаб соддагина экан-да, а?”¹²⁰.

Ижтимоий муҳит – уруш вазияти ҳар қандай ҳолатда ҳам одамлар эсида туради. Уруш келтирган фожиалар: айрилик, етимлик, очлик, кадрсизлик, хор-у зорлик ҳар қандай одамни эзиб юбориши табиий. Аммо болалардаги эркинлик ва юмор уларни асраб қолади. Яъни, қалбан таскин топишга кўмак беради. Шу ўринда бир нарсани таъкидлашни истардик. Келтирилган латифалар бир томондан, ўзида уруш фожиаларини акс эттирса, иккинчи томондан, ана шу фожиани бир лаҳзага унуттирадиган малҳам бўлиб хизмат қилган. Латифа асар руҳига, қаҳрамонлар ҳолатига, ижтимоий вазиятга ниҳоятда мос келган.

Биринчи латифа болаларга дарс ўтилишидан олдин Розик исмли собик жангчи томонидан айтилади. Бу одам урушдан ярадор бўлиб қайтган, ёлғиз ўзи яшайди. Аммо бу образда бола психологиясига хос жиҳатлар учрайдики, ёзувчи бу одам орқали ҳам трагик ва комик психологизмни тасвирлаб беради. Розик тоға “ҳарбийдан қайтиб келиши билан хотини ташлаб кетиб қолди, битта чолга эрга тегиб кетди... ёлғиз, ҳеч кими йўқ. Уйи ҳам бўм-бўш, эски шолча, қора қумғон, жўмраги қадоқланган чойнак – бошқа ҳеч нарсаси ҳам йўқ. Бир оёғи йўқ, кечалари кесилган жойи зирқираб оғриб чиқармиш, бунинг устига, ўнг кўли ҳам яхши ишламайди...”ган бўлса-да, табиатан қувноқ, сўзга чечан одам. Унда яна болага хос юморни кўриш мумкин. Ўз фожиасини унутиб, бошқаларга шодлик улаша олган, ўзи ҳам кулиб, бошқаларни ҳам кулдириб яшай оладиган одам қиёфаси айни пайтда болага хос комизмни ёдга солади.

Иккинчи латифани Орифжоннинг ўзи поездда бир аскар амаки билан учрашиб қолганларида айтиб беради. Ваҳоланки, болаларнинг аҳволи латифа айтадиган даржада эмасди – уларни етимхона ёпиладиган бўлганидан сўнг турли етимхоналарга жойлаштирадиган бўлишган, унга кўра қиз болалар

¹²⁰ Тўхтабоев Х. Беш болали йигитча. – Тошкент, 2005. – Б.116.

бошқа, кичик болалар бошқа, Ориф ва унинг тенгдошлари яна бошқа етимхоналарга жойлаштирилаётган, укалари, сингилларидан айрилиб келаётган ўсмир болалар поездда кетишаётган эди. Аскар амакини учратишлари, у билан эски қадрдонларидек суҳбат қуришлари болалар учун қувончли ҳол бўлади. Улар шу баҳона яна қулишга қуч топадилар. Ғамдан қоронғу бўлган кўнгилларини ёритувчи нарса – юмор уларни яшашга ундар эди.

Асарда уруш фожиаси болаларнинг хатти-харакатлари, ўйинларида ҳам кўринади: “... Биз бошимизни қотира-қотира, ниҳоят, бир ҳийла ўйлаб топдик. Яъни ёлғиз турган душманга бир йўла учтамыз ҳужум қилиб қуршовга оламыз-да, қўл-оёғини боғлаб, навбатдагисига ташланамиз...”

Яна осмонда ракета порлади, ўрнимдан туриб:

– Ватан учун, халқ учун! – дея овозимнинг борича қичқирдим.

Ишонсангиз, ўйлаб топган ҳийламыз жуда қўл келди, ярим соат ўтар-ўтмас баттол душманнинг йигирма бир жангчисини асир олдик. Қўл-оёғини боғлаб, оғзини ерга қилиб ётқизиб қўйдик...

Уруш тугаганлиги ҳақида яна тоғора чалинди. Ҳаммамиз ҳозиргина оғир жанглардан сўнг қўлга киритганимиз тепаликка тўпландик, ярадор бўлганлар-у ўлганларни ҳам ўша ерга судраб олиб чиқдик.

– Муаллим, менда савол бор? – деб қолди бир маҳал душман томоннинг асир олинган командири Ҳайитқалла.

– Хўш?

– Булар бизни алдади.

– Алдаб нима қипти?

– Урушдан олдин сиз қўл-оёқни боғлаш ҳақида ҳеч нарса демаган эдингиз-ку?

– Бу – тактика, – дедим мен.

– Тўғри, тасдиқлади мактаб қўшинларининг қўмондони, – баъзан урушда мана шунақанги қутилмаган усулларни ҳам қўллашга тўғри келади. Очиғини айтсам, мен буларнинг топқирлигидан хурсанд бўлдим...

Ҳаммаларинг чинакам қаҳрамонлик кўрсатдиларинг! Ҳайитвой, сенинг аскарларинг ҳам бўш келишмади, раҳмат сизларга, ҳар бир жангчи ана шундай фидойилик билан жанг қилса, биз душманни мажақлаб ташлаймиз...”¹²¹.

Аслида болалар уруш фожиасини тўлалигича (катталардек – Р.Т.) англаб етмайдилар. Уруш-уруш ўйинини ўйнар экан, болалар бу фожиани ўз руҳий имкониятлари даражасида англайдилар. Душманга ҳужум қилиш, уни асир олишни уддалаётган болалар ҳақиқий уруш даҳшатидан, ўлим хавфидан бутунлай бегона. Улар уруш тасаввурини фақатгина катталарнинг гап-сўзларидан, ўқиган, эшитганлари орқали олганлар. Шу билан бирга, ўз тасаввурларича урушни ўйин орқали кўрсатадилар.

Шуни таъкидлаш керакки, Иккинчи жаҳон уруши Ватанимиз учун катта талафотлар келтирди. Унинг орқасидан сон-саноқсиз юртдошларимиз ўлдилар, бедарак йўқолдилар. Сон-саноқсиз етимлар зор қақшаганча, аччиқ ҳаётнинг қурбони бўлдилар. Бу уруш аслида дунёнинг улкан давлатлари иштирокида ўтган бўлса-да, бутун инсоният ушбу совуқ урушнинг асоратидан захмат чекди. Зеро, бу уруш бутун инсониятнинг фашизм иллатига қарши олиб борган қонли кураши эди. Миллатимизга хос мардлик, она ватанни асраш сингари туйғулар эгаси бўлган юртдошларимиз ҳам уруш майдонларида қон кечиб мардона жанг қилдилар.

Шундай жасур жангчилар орасида Орифжонларнинг отаси Мирзаполвон ҳам бор эди. Қизиги шундаки, Мирзаполвон саводсиз, бунинг устига, умрида ҳақиқий қуролни кўрмаган оми бир одам эди. Буни хат ҳақидаги гаплардан ҳам билиш мумкин. Дастлаб у хатни бир ўзбек йигитига ёздиради. Гапларини оила аъзоларига етказди. Бироқ кейинги хатларини рус ва тожик тилларида жўнатади. Демак, урушда, Мирзаполвоннинг отрядида бошқа саводли ўзбекнинг ўзи йўқ. Умуман, ижтимоий ҳолат собиқ тузум таркибида бўлган ҳамма миллатлар фарзандлари учун ҳукмрон бўлган. Бу масалани ёзувчи жиддий муаммо сифатида алоҳида ҳижжалаб келтирмайди.

¹²¹Тўхтабоев Х. Беш болали йигитча. – Тошкент, 2005. – Б.40-41.

Балки бола нигоҳи билан кузатиб, бола тасавури билан англатиб, бола қалби билан ҳис қилиб тасвирлайди. Жумладан, бу тасвир болалар уйида отасидан келган хатни бир тожик ва бир татар болани чақириб келиб ўқитишида, отасининг совуқда, ўйилган окопларда юришини ғамхўрлик билан ўйлашида намоён бўлади.

Асарда уруш фожиаси болалар руҳида аниқ акс этган бир лавҳа бор. “Етимларнинг тунги нолиши” қисмида болаларнинг руҳий ҳолати фожиа билан йўғрилган ҳолда берилади. Унда болалар чинакам трагик психологизм билан тасвирланади.

Жамият, унинг айрим тартиб-қонунлари баъзан болаларни қийин аҳволга солади. Бу ҳолат, айниқса, уруш даври болаларининг бошида кўпроқ синалган. Орифжон бошқа етимхонада яшаётган кичик сингилларини кўриш учун келаркан, жажжи сингилчасининг касал бўлиб ётганидан кўнгли эзилади:

– Ака, – деди Зулайҳо негадир ёлворгандек бир оҳангда .
– Нима дейсан?
– Ейдиган бирон нарса олиб келсангиз-чи.
– Нима егинг келяпти ўзи?
– Майли, нима бўлсаям... ҳаммага олиб келишади, бирам кўз-кўзлаб ейишадики... Робия эрталаб қовун деб хархаша қилувди, ҳозиргина шафтоли берасан деяётганди... Ана ўзиям уйғонди”¹²².

Мана танг, иложсиз қолган бола руҳияти тасвири. Аслида “Нима егинг келяпти ўзи?” деб савол бераётган бола ўша “нима”ни ҳеч қачон олиб келолмаслиғни билади. Аммо укаларини ичдан кемираётган очликни енгишга интилади. Ихтиёрсиз равишда берган саволи унинг иложсизлик ва раҳмдиллик ўртасида муаллақ туриб қолганини кўрсатмоқда. Демак, ижтимоий муҳит – ижтимоий шароитнинг ўзи шунчалар танг аҳволда. Бу танглик болалар руҳиятида ҳам ўз изини қолдирмай кетмади. Сюжетдаги воқеалар ривожини кузатар эканмиз, бола бемор сингилсини хурсанд қилиш

¹²²Тўхтабоев Х. Беш болали йигитча. – Тошкент, 2005. – Б.130.

учун узум олиб келгани бозорга тушади. Бироқ узум сотиб олиш учун унинг на пули, на алмаштириш учун бирор нарсаси бор. Иложсиз қолган бола ўйлай бошлайди: “... Ёки кийим-бошимни сотсаммикан? Ҳа, худди шундай қиламан. Кун иссиқ, кўйлаксиз юрса ҳам бўлаверади. Фақат жажжи синглим ўксимай узум-у қовунларни еб дармонга кириб кетса бўлгани. Йўғ-э... кўйлакни сотсам, ичимда майка йўқ, қип-яланғоч бўлиб қоламан-ку, шимни ҳам сотиб бўлмайди. Туфлимни сотганим маъқул. Умуман, менга туфлининг кераги ҳам йўқ, қишлоқда юрганмизда ёз кириши билан ялангоёқ бўлиб олардим...”¹²³, деб ўйлайди ва, натижада, туфлисини сотишга киришади. Лекин, мантиқан олиб қаралганда, бозор бундай “савдо”ни кўтарармиди? Албатта, йўқ. Бола оёқ кийимини сотолмагач, энг сўнгги, энг оғир – ўзи сира истамаган бир чорани қўлламоқчи бўлади. Ўғрилиқ. Бола биринчи гал қовун ўғирлашга жазм этади: “... Нима, битта қовун ўғирлаган билан одам ўғри бўлиб қолармиди. Ўзимга бўлса-ку ҳечам қилмасдим-а, лекин касал синглимга жуда ачиниб кетяпман... Қовунлар эгасиз қолди, бир уюм қовун хусини кўз-кўзлаб турибди. Биттасини олайми, олмайми? Олдим!!! Олдим-у, қизиқ, худди чўғни чангаллаб олгандек қовунни ташлаб юбордим...”¹²⁴. Йўқ, бола ўғрилиқ қилолмайди. Чунки у ўсиб-улғайган, тарбия топган муҳит бундай қабих ишларни иложсиз қолганда ҳам қилмасликка ўргатган эди. Лекин боланинг иложсизлиги унинг иродасини емира бошлайди. Оқибатда, бу ички туйғулар кураши узум ўғирлаш билан якун топади. Биз боланинг ўғрилиқ қилиш сабабларини таҳлил қилмоқчи эмасмиз. Балки ана шу сабабларни келтириб чиқарган ижтимоий муҳит эканлигини таъкидламоқчимиз.

“Беш болали йигитча” уруш фожиалари ичра ҳаётбахш умидлар билан яшаётган болаларнинг руҳий ҳолатларини ифодалайди. Юқорида таъкидлаганимиздек, бу асар ҳаёт фожиаларини юмор билан ҳамоҳанг тасвирлайди. Шу ўринда “Шум бола”нинг Сарибой билан бўлган суҳбатини

¹²³Тўхтабоев Х. Беш болали йигитча. – Тошкент, 2005. – Б.131.

¹²⁴Шу манба. – Б.136.

ёдга солувчи бир лавҳага тўхталмоқчимиз. Орифжон укаси Султонни йўқотиб қўйгач, уни қидириш учун милициядаги навбатчи амакидан ёрдам сўрамоқчи бўлади:

– Амаки? – дедим ниҳоят яқинига бориб.

– Гапингни айтавер, – деган жавоб қайтди.

– Мен укамни йўқотиб қўйдим.

– Мен акамни йўқотиб қўйганман.

– Худо урсин агар, – дедим гапимга ишонтириш учун.

– Мениям нон урсин агар, – деб яна хуррак тортиб қўйди милиционер амаки. Нега у бошини кўтармайди? Ёки мени эси йўқ, ёш бола деб ўйлаяптимиқан?

– Амаки, – дедим яна ҳам яқинроқ бориб, – мен эслик боламан.

– Менинг эса эсим йўқ.

– Амаки!

– Нима дейсан?

– Менинг отам фронтда жанг қиляпти, билдингизми!

– Менинг ўғилларим ҳам жанг қиляпти, билдингми!”¹²⁵.

Хуллас, суҳбат шу тарзда давом этади. Бу суҳбат асносида милиционер амаки уйқу аралаш “уқангни кўлидан ушлаб олмабсан-да”, “... текин овқат, текин кийим-бош, ҳафтада кино... эси йўқ экан, бориб шундай дегин”, “Бориб айтгин, амаким хафа бўляпти...” сингари гапларни ишлатадики, бу гаплар Абдулла Қаҳҳор “Ўғри” ҳикоясидаги ўнбоши ва аминнинг бефарқларча айтган сўзларини ҳам эслатиб юборади (масалан, “Йўқолмасидан олдин бормиди?”, “Аҳмоқ хўкиз экан” ва ҳ.к.з.). Бола ночор қолди. Лекин унинг бу ночорлиги Қобил бобо сингари эмас, балки “шум бола” сингари тушкунликдан чиқиш йўлини топишга ундовчи эди. Лоқайд одамлар ҳамма жамиятда учрайди. Улар билан нафақат болалар, балки катталар ҳам муомала қилишга қийналадилар. Зеро, бола табиатан уни эътибор билан тинглашларини истайди. Уйқули кўзларини очишга эриниб, яна столга

¹²⁵Тўхтабоев Х. Беш болали йигитча. – Тошкент, 2005. – Б.124.

бошини қўйганча ухлаётган милиция “амаки”си боланинг жаҳлини чиқарган эди. У ўзича бу лоқайд одамдан ўч олмоқчи бўлади ва у “шум бола” киёфасида гавдаланади: “... Нега энди бу милиционер амаки менга ёрдам беришни истамаяпти, ахир бу ерда хуррак отиб ухлаш учун ўтирмагандир... Ҳозир кириб ўзиниям бир боплайки! Қаранг-а, мен бу ёқда укажонимни ахтариб кўчама-кўча бўзлаб юрармишман-у, у киши мазза қилиб уйқуни уриб ўтираверармишлар” деб ўйлади бола ва энди Сарибой билан шум болани ёдга солувчи диалог бошланади: “Яна орқамга қайтиб, навбатчи амакининг хузурига кирдим-да, пешанасига туртиб уйғотдим:

– Мен нима қилай энди?

– Ухлаб ол, бўтам, – деди амаки кўзини ярим очиб.

– Келинойимга бориб нима дей?

– Қайси келинойингга?

– Айтдим-ку, ўғлингиздан қора хат келди деб...

– А?! – бир сапчиб тушди амаки, – нима дединг, қайси ўғлимдан?

– Каттасидан, – дедим йиғламсираб.

– Мирпўлатданми?

– Ҳа, – деб, қаранг, тўсатдан йиғлаб юборсам бўладими.

– Нега ҳалидан буён чулдираб акам дейсан, укам дейсан, – шовқин солди милиционер амаки.

– Келинойим ётиғи билан айтгин девдила... кичигидан келган қора хатни иложи бўлса айтмай қўяқол дедилар.

– Кичигидан? Миркаримдан ҳам келганми?

– Ҳа, қаҳрамонларча ҳалок бўптилар.

– Паҳлавоним! – деб кап-катта одам худди кампирларга ўхшаб улу тортиб йиғлаб юборса бўладими, – айтдим-а, кеча бир уйга бориб келай деб. Топиб олганлари мен, нима бало қари чолнинг орқасидан ой кўришганми... Пўлотим, паҳлавоним...

Милиционер амаки йўл-йўлакай жавраб худди маст одамдек гандираклаганча бошқа бир хонага кириб кетди...

“Мана энди, амакижон, постда ўтирганда ҳечам ухламайдиган бўласиз”, дедим-да, секин ташқарига чиқиб, вокзал яқинидаги ётоқхонамизга жўнаб қолдим”¹²⁶. Сухбат шу зайлда якун топади. Бола ўзича жамиятнинг ноҳақлиги, одамларнинг лоқайдлиги устидан ғалаба қозонгандай бўлади. Агар бола индамай кетаверганида эди, унинг руҳий тушкунлиги Қобил бобони эслатишдан нарига ўтмасди. Лекин унинг бу “усул”и ҳалиям бола эканлигини, бу жамиятда у ҳам бошқа инсонлар қатори яшаётганини, уни ҳали болалик инстинктлари тарк этмаганини кўрсатади. Милиционер амаки аввал бошда қандай лоқайдлик билан уйқусираб жавоб берган бўлса, кейин худди шу даражада типирчилаб, уввос тортади. Тўғри, бола ёлғон гапириб, бир катта одамни алдади. Бироқ бу ёлғон айтилишида шу даражада зарур эдики, буни фақат боланинг ўксик, безовта, бесаранжом руҳигина кўтарарди. Шу тариқа бола жамият билан, одамлар билан вақти келса келишиб, вақти келса курашиб яшайверади. Бу курашлар давомида бола психологизми ўз қирраларини намоён этиб бораверади.

Ижтимоий муҳитнинг бола руҳиятига таъсири масаласи Х.Тўхтабоевнинг “Мунгли кўзлар” романида ҳам яққол намоён бўлади. Бу асар қаҳрамонлари адибнинг барча қаҳрамонларидан тубдан фарқ қилади. Сабаби, адиб яратган болалар образларининг қўпчилиги гўлроқ, кўпинча ё очликдан қийналаган, ё мактаб директори ва ўқитувчиларидан дакки эшитиб юрувчи, содда қишлоқ болалари эди. Аммо “Мунгли кўзлар”даги болалар ҳеч қандай муҳтожлик билмаган, эрка ва арзанда болалар. “Мунгли кўзлар” романи қаҳрамонлари катта шаҳарда, данғиллама кошонада яшайдилар. Улар бой ота-оналарининг эркалари. Бу уйда ҳамма нарса муҳайё, ота-онанинг қўли узун, мактаб директоридан тортиб, барча таниш-билишларигача уларга куллуқ қилади. Болалар табиатига ҳам бу ҳолат таъсир этмай қолмаган. Болалар руҳиятида кибр бўй кўрсатиб борарди: “... Очигини айтсам, Илҳом, Манзура сингари аълочиларни, аълочилиги, ҳурмати мендан баланд бўлгани учун унча хушламайман. Ичи қоралиқданми, ҳасадданми, ишқилиб,

¹²⁶Тўхтабоев Х. Беш болали йигитча. – Тошкент, 2005. – Б.126.

ёқтирмайман-да. Лекин улардан устун келишнинг, ҳурмат қозонишнинг бошқача йўллари ҳам билардим. Биз бой, жуда ҳам бадавлат яшардик... Туғилган кунларни нишонлаганимизда... шўринг курғур аълочиларнинг таъзирини бериб қўяман. Бири китоб, бошқаси бир сўм йигирма тийинлик сассиқ атир кўтариб боради. Мен бўлсам совғанинг энг каттасини қиламан. Ҳаммасининг кўзи ўйнаб кетади...”¹²⁷. Боланинг онги дастлаб тоза оқ қоғоз сингари бўлади ва унга қандай чизик тортсангиз, ўша чизиклар сақланиб қолади. Шунинг учун ҳам бола тарбияси ҳақида Шарқда бежиз оила бирламчи, деб кўрсатилмаган. Қизиғи шундаки, ҳамма нарса муҳайё бўлган бу оилада нимадир етишмасди. Сабаби бу хонадонда ўйин-кулги, ҳазил-хузил, эркинлик, табиийлик ва самимийлик танқис. Катталар ўз оламида яшайди. Зафар, унинг укалари ота-онага эркаланишни, улар билан самимий муносабатда бўлишни истайдилар. Лекин бойвачча ота, бойвучча она бола олдидаги бурчини уларни едириб-ичиришда, кийинтиришда деб англайдилар.

“Мунгли кўзлар”да Худойберди Тўхтабоев вайрон бўлган бир кошона сирини фош қилади. Зафарлар оиласи бирдан таназзулга учрайди: ота пора билан қўлга тушади, ноқонуний савдо билан шуғулланувчи тиллафуруш онанинг жиноятлари фош бўла бошлайди. Рўй берган фалокат эрка фарзандларни ҳанг-манг қилиб қўйди: Акбар хонасига қамалиб, индамас бўлиб қолди, Зафар дам холаси, дам поччаси билан ҳали у маҳкамага, ҳали бу идорага танда қўйди, Зуфар ўзи билан ўзи бўлиб қолди, Нигора эътиборсиз қолиб кетди. Фожиа чуқурлашди: она қамоқхонада вафот этди. Болалар гўё осмондан ерга қуладилар: қон қақшаб, етим бўлиб қолдилар.

Х.Тўхтабоев қулаган кошона билан боғлиқ фожиаларни изчил кўрсатиб борди. Буларнинг барчаси болалар руҳига таъсир этмасдан қолмади. Дастлаб, фожиалар бошланмасдан олдин оилада икки хил муҳитдан нафас олган болалар борлигига ишора қилинади. Булар: Зафар ва акаси Акбар. Зафар – бой ота-она билан фахрланиб юрувчи такаббурроқ бола. Акбар эса, жисми

¹²⁷Тўхтабоев Х. Мунгли кўзлар. – Тошкент, Ёш гвардия, 1988. – Б.5-6.

ногирон, аммо қалби бутун бола эди. Бунинг сабаби, у устози Атаулло Исаевичдан жуда кўп нарсани – ўз оиласидан топа олмаган хотиржамликни ўрганар эди. Атаулло муаллим таъсирида бу бола меҳнат қилиш бахти, самимийлик, эркинлик каби туйғуларни ҳис этиб яшайди. Муҳитлар хилма-хиллиги болалар ўртасига зиддият солади:

“– Ҳа, энди, – деб қўйди бир маҳал ўзига келиб.

– Нима демоқчийдинг?

– Дадамни айтаман-да. Пора олишини айтяпман, тушунсанг-чи.

– Бир дадам эмас, ҳамма олади-ку.

– Бошқалар инсоф билан олса керак.

– Демак, ака, сенингча дадажоним инсофсиз экан-да?

– Зафаржон, укагинам, кўп нарсага ҳали тушунмайсан... Лекин ақлли укам, ўзинг ўйлаб кўр. Дадамнинг ишида қинғирлик кўп эди-да. Бу бахтсизлик бугун бўлмаса, эртага, албатта, юз берарди-да. Эҳтимол, бугунгиси ваҳимадир. Лекин эртага чинаками юз бериши аниқ-ку.

– Ака! – дея гапини бўлдим...

... Акам қайсар-да, шунинг учун тушунишни истамайди. Хўш, ҳамма пора олганда нега дадам олмас экан? Қўшниларимиз, райисполкомнинг муовини Аҳаджон ака, универмаг директори Ҳасанжон амакимлар олишмайдими? Олишади! Нега энди ҳаммалари олганда дадам четда турар экан? Йўқ, ака, дадам тўғри айтади, сен чиндан ҳам китоб жинниси бўлиб қолгансан, ундан кейин ойимнинг ишларига ҳам бурнингни жийириб, худди иркит нарсага қарагандек қарайсан. Бу одатингни ташла, яхши эмас. Бидамиз, сен бечора ойижонимга чайқовчидек қарайсан. Ойим чайқовчи эмас. Бундай ўйлашга ҳаққинг йўқ. Ойим ҳожатбарор, ҳожат чиқаради”¹²⁸.

Болалар бир ота-онанинг фарзанди бўлса-да икки дунёқараш, икки хил тушунчалар асосида тарбия топади. Уларнинг қарашларида ўзини ҳақ деб ҳисоблашлари кўриниб турибди. Ака ҳам, ука ҳам ўзича ота-онасини яхши кўради. Лекин бу муҳаббат орасида фарқни келтириб чиқарган муҳит

¹²⁸Тўхтабоев Х. Мунгли кўзлар. – Тошкент, Ёш гвардия. 1988. – Б.18.

уларнинг тез-тез зиддиятли бахслашувига олиб келади. Зафар – бой ота-она муҳитида улғайди, уларнинг тарбиясини олди ва дунёнинг мазмуни бойликда, деган тушунча миясига сингиб бора бошлади. У ота-онасини севади, аммо ота-онасини қандай бўлса, шундайлигича, порахўрми, чайқовчими, бундан қатъи назар, уларни ҳақ деб билади ва айни шу масалада акаси билан келиша олмайди. Аканинг фикрлари унда ғазаб уйғотади. Акани оқибатсиз, ота-она қадрини билмайдиган ёки китоб ўқийвериш “сал ғалатиноқ” бўлиб қолган, деб ҳисоблайди. Ака ўзича ҳақ. У устози, ўқиган кўплаб китоблари таъсирида дунёни бошқача англайди. У ҳам ота-онасини яхши кўради. Аммо болага ота-онаси нотўғри иш қилаётгани ва бунинг оқибати ёмон бўлиши мумкинлиги тинчлик бермайди. Акбар ажойиб рассом, унинг ижодкор ва нозик қалби ҳақиқат торларини доимо чертиб туради. У ҳаммаси бошқача бўлишини истайди. Отасининг пора олиб гуноҳга ботиши, онаси ноқонуний савдо билан шуғулланиб, жиноятга қўл уриши уни кўрқитади. Бир кун келиб бу ишларнинг оқибати у кутган фожиаларни бошлаб келишидан кўрқиб яшайди. Оқибатда, ўзи ҳам англамаган ҳолда, яъни ота-онасини хавфдан огоҳлантириш мақсадида уларнинг устидан ОБХССга ёзиб юборади. У буларнинг оқибати даҳшат ва фожа билан якун топишини ўйлаб кўрмаган эди. У шунчаки ўз ҳақиқатини англамоқчи, ота-онасини келиши мумкин бўлган хавфдан огоҳ қилмоқчи эди. Аммо фожа шиддат билан юз берди. Ота узоқ йил қамоққа, она боқий дунёга кетишига сабаб бўлган ишлар фарзандларни довдиратиб қўйди. Айниқса, бу зарба Акбарга ҳаммадан ёмонроқ таъсир қилди. У шунчаки муҳитни ўзгартирмоқчи эди. Ҳа, муҳит бутунлай ўзгарди. Улар отадан, онадан, оилавий дўстларидан, мол-у дунёларидан, ҳузур-ҳаловатларидан, бориники, бой ота-она нималарни уларга берган бўлса, ҳаммасидан айрилишди. Энди улар бутунлай ёлғиз ва кимсасиз қолишди. Бу зиддиятни ўсмир руҳи кўтаролмайди. Унинг руҳиятида синиш юз беради, натижада бола ўзини ёқиб юборади. Болада психологик трагизм шу шаклда юз беради.

Зафар психологияси биров бошқача талқин этилади. Тўғри, унга ҳам юз берган ҳодисалар таъсир этмай қолмайди. Аммо бу боланинг руҳиятида динамик ўзгаришлар ҳосил бўлади. Бу ўзгаришлар руҳий синиш ва ўзга одамлар билан мулоқотда бўлгани натижасида юзага келади.

Биринчи. Зафар Атаулло муаллим уйига кириб боради ва у ерда ўзига тенгдош болаларнинг турли хунар билан машғул бўлиб ўтирганларини кўради. Улар чизган гўзал суратлар, ўз қўллари билан ёғочдан ясаган чиройли оппоқ каптарлар боланинг қалбида ҳавас, орзу, завқ уйғотадики, у бундай туйғуларни бой ота-онаси тайёрлаб берган шароитда сира ҳис қилмаган эди. Бу ердаги эркин ва самимий муҳит болани ўзига торта бошлайди. Натижада, психик ўзгаришнинг биринчи белгилари намоён бўлади.

Иккинчи. Унинг бошига кетма-кет фожиалар ёғилди. Ҳамма нарсасидан ажралди. Ота-онаси, акаси, укасидан ажралди, синглиси пес касалига йўлиқди. Бойликларидан, данғиллама уйларидан асар ҳам қолмади. Ота-онасининг бой, номдор дўстлари вафо қилмади. Ҳеч кимдан нажот қолмади. Бола бутунлай ёлғиз қолди ва бунинг натижасида унинг дунёқараши бутунлай ўзгарди. У энди кибрни эмас, хор-у зорликни ҳис этиб яшай бошлади. Унинг ҳам руҳида тушкунлик бошланди. Яшашни истамас эди.

Учинчи. Зафар билан синглисини қишлоқда яшайдиган аммаси олиб кетди. Бу ерда бола ҳақиқатдан шу кунгача англамаган, ҳис қилмаган нарсаларни туя бошлади. Аммаси, ўғиллари содда қишлоқ одамлари эди. Бу ерда улар ҳаёт гаштини меҳнат ва ҳаётга муҳаббат билан сурардилар. Амманинг ўғиллари ўз юмушларини ўйин-кулги, ҳазил-ҳузил билан бажаришади. Зафарга уларга ҳавас билан қарайди ва аста-секин ўзи ҳам меҳнат қилиш гаштини сеза бошлайди. Бу сезги унда яна қайтадан ҳаётга муҳаббат уйғотади. Яъни сўлий бошлаган ниҳол сув ичиб қайтадан кўкарган каби.

Тўртинчи. Зафар болалар колониясида. Тўғри, унинг айби йўқ эди. Англашилмовчилик оқибатида уни қамокқа оладилар. Қамокда унга хунар ўргатишади, ўқитишади. Бу ерда турли тақдирлар, фожиалар эгалари бўлган болалар бор эди. Зафар бу болалар, уларнинг тақдирлари билан танишар экан, ҳаёт ҳақида янада аниқроқ хулосалар чиқара бошлайди. Хулосалари, фикрлари бир тўхтамга келган сари акаси Акбар кўз ўнгида гавдаланаверади. Акбар ногирон вужуди, бутун қалби билан ҳаётларининг гўзал бўлишини истаган, ота-онасини қилган айблари учун жазолашларидан, улардан ажраб қолишдан қўрқиб яшаган эди. Энди Зафар бутунлай бошқа олам. У роман бошидаги Зафардан тубдан фарқ қилади. Кибр, дунёни бойлик билан англаш унга бутунлай бегона, у оламни инсонийлик, меҳр-шафқат, бошқаларни тушуниш, яхшилик қилиш, ҳамма нарсага ўз меҳнати билан, вақти келса, қийинчилик билан эришиш билан англайди.

Хуллас, бола психологияси шу шаклда динамик ўзгариб боради.

“Мунгли кўзлар” романи халқимизнинг қонунни яхши билмаслигини кўрсатади. Ёқутхон, Саид Каримов қонунни эмас, амалдорлар этагини маҳкам тутдилар. Судья Муҳамедов эса қонунни била туриб ундан кўпроқ ўз фойдаси йўлида фойдаланади. Роман ҳақида А.Расулов шундай дейди: “Ёзувчи халқи салкам авлиё, келажакни кўра билувчи зот бўлади. “Мунгли кўзлар” 1987-1988 йилларда, Шўро деган давлат чириб, ҳалокат чоҳи тепасига келиб қолганида ёзилди. Бу давлатни кимлар, нималар қулатди? Уни юлғичлар, порахўрлар, тўралар, амалшарастлар, худбинлар, нафс гадолари яксон қилдилар. Муҳими, бу тузум бошиданок сохта ғоялар, назариялар асосида вужудга келган эди. Унда фирқа мафкураси етакчи бўлиб, маънавият, соғлом ҳаёт, идеал ҳақида кўп яхши гаплар илгари сурилганди. Лекин барча эзгу гаплар қоғоздагина эди холос”¹²⁹. Бундай ижтимоий муҳитда улғаяётган болалар, албатта, руҳий зиддиятлар гирдобида қолиши табиий. Х.Тўхтабоев бу романи билан бола руҳини парваришлаб,

¹²⁹ Расулов А. Бетакрор ўзлик. — Тошкент, “Мумтоз сўз”, 2009. — Б. 184.

гўзал ишлов бериш ҳам, уни таназзулга бошлаб бориш ҳам ижтимоий муҳитга боғлиқ эканлигига ишора қилади.

Мазкур боб юзасидан қуйидагича хулосаларга келиш мумкин:

1. Ўсмир руҳиятини очишда ўзига хос восита ва усуллар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири руҳият қирраларини кўрсатиб беришда қўл келади. Бола руҳиятини тасвирлашда ўзаро муносабатлар алоҳида ўрин тутати. Жумладан, боланинг катталар билан ёки ўз тенгдошлари бўлган мулоқотлари ўзига характер қирраларини намоён этади. Катталар билан муносабатларда боланинг шахс сифатида шаклланиши, индивидуал тасаввурларга эга бўлиши ифодаланса, ўз тенгдошлари билан муносабатда бола ички олами анча эркин намоён бўлади. Болалар ўзаро муносабатларда бир-бирлари билан фикр алмашадилар, ўзаро тушуниш, дўстлик каби мулоқот шакллари бола руҳияти қирраларини кўрсатиб боради. Жумладан, бола ўз тенгдошлари ва катталар билан ўзаро зиддиятли ёки ўзаро англашилган ҳолатда мулоқотда бўлади. Болаларнинг ўзаро англашилган мулоқоти жараёнида новербал коммуникация, ўзаро дўстлик туйғуларини кўриш мумкин.

2. Бола руҳиятини очишда ўзаро муносабатлар, ижтимоий муҳит катта аҳамиятга эга. Муносабатлар асносида боланинг ички олами юзага чиқади. Монологик, диалогик нутқ шакллари бола психологиясини ёритишда асосий воситалардан бири бўлиб хизмат қилади.

3. Ижтимоий муҳитда бола руҳияти шаклланади, ривожланади ва қандай эканлигини намоён этади. Ижтимоий муҳит, жамият аҳволи шахснинг ҳам аҳволини белгилаб бериш даражасида катта кучга эга. Мазкур бобда Х.Тўхтабоевнинг “Беш болали йигитча”, “Мунгли кўзлар” асарлари мисолида икки хил ижтимоий муҳит таъсирида бола руҳиятининг ифодасини кўриб ўтдик. Биринчиси, уруш даври фожиалари ичра бола руҳияти тасвири бўлса, иккинчиси, осойишта, тўкин-сочин оила муҳитида тарбия топган болалар руҳияти ифодаланади.

4. Уруш даври фожиалари, мураккабликлари бола руҳиятида оғир вазиятларни юзага келтирган. “Беш болали йигитча” асарининг таҳлил

жараёни бу асарда бола психологизми муаллиф психологизми билан уйғун ҳолда келганлигини кўрсатади. Яъни бу асар муаллиф биографиясининг айрим ўринларига ҳамоҳанг келган. Болалар бошига тушган фожиалар кимдир эмас, балки жамиятни инқирозга етакловчи жаҳон уруши туфайли эканлиги маълум. Демак, бола руҳий оламидаги кечинмалар умумий ижтимоий муҳит таъсирида юзага келган.

5. “Мунгли кўзлар” романида эса бошқача ижтимоий муҳит болалар руҳиятига катта таъсир этади. Тўкин-сочин оила фарзанди эканлиги асар бошида боланинг бошқача руҳиятини ифодаласа, асардаги фожиалар давомида болалар руҳиятида ўзгаришлар динамикасини юзага келтиради. Ушбу динамика турли ижтимоий муҳитда турли руҳий кечинмаларнинг юзага келиши билан изоҳланади.

III БОБ. ЁЗУВЧИ КОНЦЕПЦИЯСИ ВА БОЛА РУҲИЙ ДУНЁСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТАЛҚИНИ

3.1. Ёзувчи биографияси ва бола руҳияти ўзига хослиги

Ҳар қандай бадиий асарда қайсидир даражада ёзувчининг биографияси акс этиши табиий. Зеро, ёзувчи асар ёзар экан, унинг ҳаёти давомида дуч келган воқеалари ҳамда кечирган ҳис-туйғулари ўша асарда муҳрланиб боради. Биз ёзувчи Худойберди Тўхтабоев асарлари таҳлиliga тўхталар эканмиз, уларда, аввало, ёзувчининг ҳаёт йўли, характери (табиати) акс этишини кўрамиз. Х.Тўхтабоев асарлари, асосан, биринчи шахс тилидан ҳикоя қилинади. “...ровий бир йўла бир неча вазифани бажаради. Биринчидан, у воқеаларни сўзлаб беради (ёзувчи функциясини бажаради). Иккинчидан, ҳикоя қилиш орқали китобхонга завқ-шавқ беради. Учинчидан, ровий эстетик китобхон вазифасини ҳам бажаради. Яъни унинг ўзи рўй бераётган ҳолат, ҳикоя тарзидан завқ олади. Эстетик китобхон, орадан қанча замон ўтмасин, янги-янги китобхонларга пешвоз чиқади”¹³⁰. Ровий ҳикояларидан даставвал ҳазил-мутойиба оҳангининг юқори эканлиги англашилади: “... Шу пайтда қорин масаласида шикоятим йўқ ҳисоби. Ундан кейин атрофда: “Ҳой, Мулла Ҳошим, кулоқ ўзимизга ҳам керак” – деб танбех берадиган бирон кимса ҳам кўринмайди. Шартта ашулани бошлаб юбордим:

Хоҳ ғўзам, хоҳ-хоҳ ғўзам,

Ҳосили оппоқ ғўзам, –

Дейман-у, буралиб-буралиб ўйинга тушиб юбораман. Кейин икки кўлимни биқинима кўйиб, эгилиб, ғўзаларга салом бераман-да:

Хоҳ ғўзам, хоҳ-хоҳ ғўзам,

Ҳосили оппоқ ғўзам, – деб куйлаб йўлда давом этаман”¹³¹. Боладаги кувноқлик, сўзга чечанлик, вазиятни ўзича идрок қилиш – аслида буларнинг

¹³⁰Расулов А. Бетакрор ўзлик. – Тошкент, Мумтоз сўз, 2009. – Б.157-158.

¹³¹Тўхтабоев Х. Сариқ девни миниб. – Тошкент, Ёш гвардия, 1982. – Б.28.

хаммаси ёзувчи табиатига уйғун келади. Чунки Худойберди Тўхтабоевнинг ўзи шундай бола қалбли, ҳақиқатгўй инсон. Адиб ҳамиша болалар даврасида, болалар билан мулоқотда бўлиб келган. У педагоглик фаолиятида ҳам, ёзувчилик фаолиятида ҳам, ҳатто ҳозирги кунда телевидениедаги фаолиятида ҳам болалар билан ҳамнафас ишламоқда. Шундай экан, бу болаларга яқинлик адибнинг руҳий дунёсида намоён бўлмаслиги мумкин эмасди. Болалар билан мунтазам учрашувлар, суҳбатлар адибнинг бола руҳий оламига янада чуқурроқ киришига хизмат қилди. Ёзувчи болалар учун ёзилган ҳар бир асарида ўзини айнан ўша бола ўрнида тасаввур қилган, бунинг натижасида бола қалби асарда теран акс этган. Бунга биз юқорида батафсил тўхталиб ўтдик.

Маълумки, Худойберди Тўхтабоев 300 дан ортиқ фельетон ёзган. Фельетон жамият манфаатларига, қонунга зид борганларга қарши ёзилади. Ёзувчи “Сариқ девни миниб”, “Мунгли кўзлар” романларида милиция ходимлари образларини ишонарли яратган. Бунинг сабаби, у фельетоннавислик фаолиятида турли жиноятларни, иллатларни фош этиш учун тинимсиз кузатувлар олиб борган. Бунинг натижасида, жиноятлар ва иллатларнинг “кони”ни, уларни келтириб чиқарувчи сабабларни топиб, аниқ, мантиқий хулосалар чиқаришга эришган. Бу хусусият ҳам унинг асарларида акс этмай қолмади. А.Расулов фикрича, Х.Тўхтабоев қайси асарида қонун ҳимоячилари ва қонунбузарлар ҳақида ёзса, қалами эркин ҳаракат қилади. Чунки ёзувчи журналистлик касби туфайли қалтис ҳолат, вазиятларни кузатган. Фельетоннавислик – қонунга суяниб иш юритиш ёзувчи табиатига сингиб кетган. “Сариқ девни миниб” романидаги икки муҳим қонунбузарлик тарихи тасвири ҳақида тўхталамиз. Бири, Узункулоқ пирим зиёратгоҳидаги фирибгарликлар. Иккинчиси, “Роҳат” ошхонаси директори Одил Аббосов (ёхуд Одил баттол) билан полковник Салим Отажонов, полковник Али Усмонов бошлиқ милиция ходимлари аро ҳаёт-мамот жанги. Ҳар иккала тарих детектив тарзида тасвирланади. Ёнғоқ қори, Бодом қори, Данак қорилар фирибгарлик билан халқни алдаб ётибдилар. Улар халойиқ кўзига

фаришта, хожатбарор бўлиб кўринадилар. Аслида эса одамларни алдаб, ўз манфаатлари йўлида хизмат қилдирувчи фирибгарлар эди. Ҳошимжон сеҳрли қалпоқчани кийиб, уларнинг сирини бирин-кетин фош эта бошлайди.

Ёнғоқ қори ўзини авлиё даражасидаги бир табиб деб кўрсатади. Одамларнинг уйларига кириб бориб, уларнинг уйида касал ётган одам борлиги, бу унга “хобида” аён бўлганини, давосини ҳам ўзи қилажагини айтади. Эвазига одамлардан нима керак бўлса (пулми, бойликми), шуни талаб қилади. Унинг бу “иши”га бувисининг қистови билан шогирдликка топширилган Ҳошимжон аралашиб қолади ва қинғир ишларнинг гувоҳига айлана боради. Дастлаб бола ҳайратдан лол бўлиб қолади, чунки қори поччасининг ҳайратга солиб қўядиган “амаллари” кўп эди-да. Қори поччанинг тавсияси билан касал боласини сўйилган сариқ қўйнинг терисига ўраб, етти хил меванинг новдаси билан савалашган, лекин бунинг натижасида касали зўрайиб кетиб ўлиб қолган боланинг онаси дийдиё билан келиб қолади. Ёнғоқ қори айбини тан олмайди, боланинг ўлимига ҳеч бир алоқаси йўқлигини, бунинг устига у касал бола ҳам, исми ҳам “хобида” аён бўлганини уқтиради. Аммо бу ишларнинг барчасида Ҳошимжон бор эди. Қори поччасининг “хобида” аён бўлмаганини, одамлар ҳақидаги маълумотларни унинг ўзи йиғиб келиб, қори поччасига айтиб берар эди. Бундай ноҳақлик, ёлғонни кўриб, бола чидай олмайди: “Бўталоғим!” деб, орқамни силаб қўйишларида гап бор экан-да. Шартта ўртага чикдим:

– Холажон, мени танияпсизми?

– Йўқ, сени танимаيمان.

– Уйингизга кириб ўғлингизнинг исмини, касали нима эканлигини сўраган эдим-ку?

–Вой эсим курсин! Кирган эдинг, касал қариндошимизни ахтариб юрибман, деган эдинг...

Шундан кейин бутун воқеани тўпланганларга шартта-шартта гапириб бердим. Зодиён, Макиён, Элаш, Тўлаш деган қишлоқларга ҳам бориб,

касалларни суриштириб келаман деб, йўлларда роса итларга таланган эдим. Ана шуларгача ҳаммасини гапириб бердим”¹³².

Ёнғоқ қорининг бундай кирдикорлари мантиқий изчиллик билан фош этилади. Чунки ёзувчи табиатида ҳаётга реал қараш хусусияти мавжуд эди. Бунга қайсидир маънода асар реализм методи авжланган пайтда ёзилганлигини ҳам сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Фақат бу эмас, ёзувчи Узун қулоқ пирим зиёратгоҳидаги ҳодисаларни ҳам реал фактлар асосида ифодалаб беради. Яъни сохта қорилар Узунқулоқ пирим зиёратгоҳидан мўмайгина даромадга эга бўлиб турардилар. Айнан зиёратгоҳ ўрнига пионер лагери қурилиши режаси уларда норозилик уйғотади. Улар турли йўллар билан ишчиларни қурилиш ишларидан айнитишга, келтирилган тахталарни кечаси ёқиб юборишга кўп бор уринишади. Узунқулоқ пирим зиёратгоҳи ҳақидаги гаплар бир қарашда эътиқодга зид дунёқарашни эсга солади. Аммо ёзувчи шундай моҳир йўл танлаганки, мақсад – зиёратгоҳнинг тубида эшак ётганини айтиш эмас, балки содда, гўл одамларни алдаётган, қори ниқобига кириб олиб одамларнинг эътиқодини суистеъмол қилаётган айрим кимсаларнинг фирибгарлигини очиш эди. Бу лавҳа собиқ тузум даврида балки тўғри қараш, деб қабул қилингандир. Лекин бугунги кун нуқтаи назаридан асарга бошқача қараш ҳам мумкин: одамларнинг эътиқодини поймол қилиш, унинг устидан кулиш, таҳқир қилиш мумкин эмас! Бунинг учун энг аввал ҳар бир инсоннинг ўзи зийрак, эътиборли бўлиши даркор. У нимага эътиқод қилаётгани, кимга ва нимага ишонаётганини билмаса, жамият оми ва гўл одамлар уюшмасига айланиб қолиши ҳеч гапмас. Шу ўринда бир савол туғилади: одамлар шунчалар гўлмиди? Наҳотки, касал боласини шифокорга кўрсатиш ўрнига сўйилган сариқ қўйнинг терисига ўраб, етти хил новда билан савалашни буюрган сохта қорининг гапига ишониш шунчалар осон бўлса? Ахир, иситмалаб ётган касални қўй терисига ўраб савалаш ҳеч бир мантиққа тўғри келармиди? Биз бундай саволларга

¹³²Тўхтабоев Х. Сарик девни миниб. – Тошкент, Ёш гвардия, 1982. – Б.154.(Бундан кейинги ҳаволаларда айни шу асар “кўрсатилган асар” тарзида берилиб, саҳифаси ёзилади)

жавоб излар эканмиз, ўша пайтда халқимизнинг диний билими, тиббиётга оид тушунчаси анчагина суст бўлган, деган хулосага келдик. Ёки Узунқулоқ пирим зиёратгоҳи тарихи ҳақида ҳеч ким қизиқмайди: муҳими бу ерда бир авлиё ётибди, холос. Ёзувчи яна реал мантикийликка мурожаат қилади. Одамларни зиёратгоҳга эшак кўмилганига ишонтириш учун исбот керак эди. Бу исботнинг бир учини Ёнғоқ қори поччанинг ўзи бошлаб беради (албатта, Ҳошимжон кўзга кўринмай уни кўрқитиб, шунга мажбур қилгач). Халқ олдига чиқиб, авлиёнинг хокини бошқа жойга кўчиришни эълон қилади ва қабрни кавлашга киришадилар. “Ҳаш-паш дегунча Узунқулоқ пиримнинг суяклари ҳам чиқиб қолди.

– Ие, бу эшакнинг суяги-ку! – деди қабрдан суякларни олаётган киши”¹³³. Ғала-ғовур бошланади. Ҳар ким ҳар хил тахмин билдиради. Кимдир эшакнинг суяги, кимдир отнинг суяги, яна кимдир хачирнинг суяги эканлигини уқтирмақчи бўларди. Охири қассобни чақириб, бели синиб ўлган урғочи эшакнинг суяги эканлигини аниқлашади. Ниҳоят, тоғнинг ичкарасида яшайдиган бир юз ўттиз тўрт ёшли чолни олиб келишади. Сабаби, бу чол ҳар гал шу зиёратгоҳ олдидан ўтганда, “Ҳа, эшакка сиғинувчилар”, деб кулганча ўтар экан. Ҳақиқат аён бўлади. Бир қари ўтинчи чол тоғдан ўтин териб кун кўрар эди. Бир кун худди мана шу жойга келганда ўзи нимжон эшагининг бели синиб, ўлиб қолади. Чол эшагини кўмиб йиғлаб ўтирганда, бошқа ўтинчилар саволига “мени йигирма йилдан буён боқиб келган... Узун қулоқ пиримни кўмдим...” деб йиғлаб жавоб берибди. Ўтинчилар чолга раҳми келиб, ҳар куни бир, ярим танга ташлаб ўтадиган бўлишибди. Чол шу ерда бир қанча йил тиланчилик қилиб ўтиргандан кейин оламдан ўтади. Чол ўлгандан кейин Азизхон эшон деган бир одам бу жойга даҳма солдириб, боғроғ қилади. Бу ерда Узунқулоқ пирим қабри жойлашган, деб “боплаб маъруза қилди”. Эшитганлар ҳайратдан донг қотиб қолдилар. Улар шу пайтгача эътиқод кўйиб келган нарсалари пучга чиққанини ҳали ҳазм қилиб улугурганларича йўқ. Бу воқеалар гарчи Ҳошимжон нигоҳи билан кузатилиб,

¹³³Кўрсатилган асар. – Б.166.

унинг ақли билан идрок этилса-да, ёзувчининг дунёқараши сезилиб туради. Сора хола, Миробиддинхўжа билан боғлиқ ҳолатларда ҳам мантикий изчиллик устунлик қилади. Сора хола фолбинлик қилиб одамларнинг касалини ўзича даволарди. Аммо бу даволаш ҳам Ёнғоқ қорининг “хобида” аён бўладиган усуллардан эди. Сора хола кимгадир сарик дев урган, кимгадир қора дев урган, яна кимгадир қизил дев хужум қилган, деб айтиб юбораверар, давоси учун ҳар хил рангдаги қўй сўйишни тавсия қилар ёки халтачасидаги “шифобахш” дорилардан ичиш учун берарди. Холанинг фикрларини тасдиқлаб “арши аълодан” овоз ҳам келиб турарди. Ҳошимжон дастлаб овоз қаёқдан келаётганини англайди ва ертўлага тушиб, хум ичида овоз чиқариб ўтирган Миробиддинхўжани кўради. Ҳошимжон бу сирни ҳам фош қилиб, Миробиддинхўжага энди одамларни алдамасликни “такаллуф билан” тушунтиради. Елкаларига “Азроил” игналар санчиб кетган Миробиддинхўжа қилган ишларига тавба қилиб, бу сирдан одамларни огоҳ қилиш учун шошилиб кетди. Ҳошимнинг қизиқувчанлиги Сора холасининг “шифобахш” дори-дармонлар сақланувчи халтачасига етаклайди. Халтачалар ичидан болани яна бир бор ҳайратда қолдириб, пенициллин, биомицин, юракни тинчлантирувчи дори ва яна бир қанча оддий, аптекада сотиладиган дорилар чиқиб келади. Шунда Ҳошимжоннинг шумлиги тутуди ва одамларни алдаб келаётгани учун фолбин холасини бир бошлаб қўймоқчи бўлади. Халтачалардаги дориларни олиб, ўрнига чопқиллаб бориб аптекадан ўзи олиб келган ич сурадиган дориларни солиб қўяди. Фолбин холанинг дориларидан ичиб, ичи кетиб дармондан қолган одамлар бу аёлни йиғилишиб роса дўппослайдилар. Қисқаси, Сорахон фолбиннинг ёлғон ишлари фош бўлади. Бу ўринда бир масала яна ойдинлик киритишни талаб этади. Айни ўша бўлим китобда “Худонинг елкасига игна санчдим” деб номланган эди, асарнинг янги нашрларида, мактаб дарслигига киритилган қисмларида эса бу бўлим “Шайтоннинг елкасига игна санчдим” деб ўзгартирилган. Бўлимнинг номи ўзгартирилиши, балки, ёзувчи қарашлари билан боғлиқдир. Ўша пайтда ҳукмрон мафкура талаби бундай номлашни

ёқлар эди. Демак, ёзувчи маънавий олами Ҳошимжоннинг “Худонинг елкасига игна санчдим” дейишини қабул қилган. Биз бу масалада чуқурлашиб, ёзувчи қарашларининг ўзгаришини таҳлил қилмоқчи эмасмиз. Балки асарга бугунги кун нигоҳи билан қарашни маъқул топамиз. Зеро, яхши асар ҳар қандай вақт тўсиқларидан бемалол ошиб ўтаверади. Фолбинлик – худо номидан башорат қилиш ёки келажак ва ғайбдан огоҳлантиришга даъво қиладиган анъана. Сорахон фолбиннинг одамларни алдаб фолбинлик қилиши, албатта, жазога лойиқ иш эди. Аммо шу фолбинга ишонган одамларнинг ҳам айби йўқ эмасди. Улар фолбинга ишониш нотўғри эканлигини билишлари, эътиқодлари қаёққа йўналаётганини англашлари лозим эди. Ваҳоланки, эътиқоди мустаҳкам, динни тўғри англаган ҳар одам ҳеч замонда фолга ишонармиди? Фол – жинлар аралашуви бор бўлган бир амал. Демак, фолга ихлос қўйиб келган одам жинларга ишонган ҳисобланади. Бундай нозик масалаларни ёзувчи оддий бир бола нигоҳи билан кузатиб, ёритади. Шунинглаш мумкинки, ёзувчи қаҳрамони орқали ўз қарашлари, англашлари, руҳий оламини маълум қилади.

А. Расулов фикрича, “Сариқ девнинг ўлими” роман ичра детектив романдир. Детектив адабиётда жиноятни фош этиш жараёни маълум тартиб-қоидалар асосида давом этади. Детектив асарда қотиллик (ёки унга интилиш) бўлиши шарт, курашувчи кучлар нисбати деярли тенг бўлиши лозим. Детектив асардаги конфликт расмий муҳокама томонидан бостириб ташланиши мумкин эмас, асарда кураш узлуксиз жиддийлашиб, сирлилик, ваҳималилик касб этиб боради. Х.Тўхтабоев савдо-сотик, ошхона, омборхоналарда рўй бераётган жиноятларнинг фош этилганлигини кўрсатади. Савдо ёхуд жиноят объекти вакиллари хилват жойлар, касалхона, жиннихонадан жон сақлаш маскани сифатида фойдаланганлар. Ёзувчи жиннихонадаги воқеаларни Ҳошимжон ҳикояси орқали ўта жонли, қизиқарли тасвирлайди. Жиннихона, жиноятчиларнинг ертўла - зиёфатхонадаги шароити, муносабат, муомалалари ишонарли тасвирланган. Романнинг шу ўринларида матн ости, матн руҳи, қамрови аниқ кўринади.

Ёки ёзувчи воқеа орқали ички, яширин ҳолатларни кўрсатади. Одил баттол гадоё топмас ертўлада ўзини ўта эркин тутади: асл қиёфаси, моҳиятини кўрсатади. Нафақат Одил баттол, Саллабодроқ амаки, ўғри Мутал, Ориф чайқовчи, пешанаси йилтироқ амаки, омборчи ҳам яширин хонада эмин-эркин сўзлашадилар. Ҳошим жинойтчилар орасида ўзини йўқотмайди, тутинган отаси Отажоновга, Али Усмоновга, гуруҳ бошлиғи Холиқовга маълумот етказиб туради.

Ҳошимжоннинг милиция ходими бўлиб ишлаши ҳақиқий детектив воқеалар билан кўрсатилади. Одил баттол ва унинг шериклари яширин “қароргоҳ”ларини топишда, уларни фош этишда Ҳошимжонга яна сеҳрли қалпоқча ёрдам беради: “Бир сакраб девордан ошиб ўтдим. Ҳовли худди гўристондек қоронғи, жимлик, тиқ этган овоз эшитилмайди... Уйнинг эшиги берк, деразага парда тутилганга ўхшайди – тирқишдан нурсиз ёруғлик кўриниб турибди. Уйга қандай кирдим энди? Эшикни ким очиб беради? Салгина овоз чиқса, ҳаммалари ҳушёр тортиб, режамизни чиппака чиқариши мумкин! Шу пайтда кўғирчоқ театрида артист бўлиб ишлаганим жуда қўл келиб қолди-да. Бошимга қалпоқчамни кийиб кўздан ғойиб бўлдим-у, эшикка яқинлашиб, худди совуқ қотиб қолган мушук болага ўхшатиб зорланиб миёвлай бошладим, қўлларим билан тахтани таталаб тирнадим. Хайрият, ялмоғиз кампир қулоғини динг қилиб ўтирган экан, дарров эшита қолди...”¹³⁴. Шундан кейин воқеалар ривожини тезлашиб кетади. Ҳошимжон уйнинг ертўласига тушади ва у ерда Одил баттол бошлиқ жинойтчилар тўдасининг базму жамшидига гувоҳ бўлади. Аслида жинойтчиларни билдирмай кузатиш, улар қилган жинойтларга гувоҳ бўлиб, исбот билан тутиб олиш жамики изқуварларнинг орзуси бўлса керак. Ана шу орзу Ҳошимжоннинг сеҳрли қалпоқчаси ёрдамида амалга ошади. Буни фантастик асар табиатидан келиб чиқиб, хаёлий ишларнинг амалга ошуви, дейиш ҳам мумкин. Аммо мантиқан олиб қараганда, ҳар қандай жинойт ўз илдизига, тарихига, ҳар қандай жинойтчилар ўз маконига эга бўлиши табиий.

¹³⁴Кўрсатилган асар. – Б.369.

Жиноятлар илдизининг топилиши жиҳатидан асардаги баъзи бир ўринлар Артур Конан Дойлнинг фош этиш санъатини эсга солади. Фақат, уларнинг фарқи Конан Дойл изқувар бўлиб, сиртдан кузатади, ўрганади, ўзида синаб кўради, жиноятчиларни изидан юриб фош қилади. Худойберди Тўхтабоев эса масалага сал бошқачароқ ёндашади, яъни қаҳрамонни айна жинойий жараёнлар ичига ташлаб қўяди. Ҳошимжон бўлиб ўтган жиноятни ўрганиб, аниқлашни эмас, балки юз бераётган жиноятларни кузатиб туриб, ўзи гувоҳ бўлиб фош этади. Бу ҳам адиб ўзига хос услуб танлаганини кўрсатади. Жинойий тўда фаолиятини аниқлаш борасида яна бир қизиқ тасвир берилган: “... Баттол қабристоннинг ўртароғидаги кичикроқ уйдек келадиган Шайх Одил сағанасига қараб юра бошлади... Сағананинг пастаккина эшигидан аввал баттол, кетидан Шокир маслаҳатчи икковимиз кириб бордик. Одил Аббосов чўнтагидан шам олиб ёққан эди, сағананинг ичи ёришиб кетди... Бу ерда олдин ҳам учрашувлар бўлганга ўхшайди: оёқ остида беломор папиросининг қолдиғи, арокдан бўшаган шиша ётибди”¹³⁵. Хуллас, учрашув Шокир маслаҳатчининг Одил баттолни қамокдан қочиргани эвазига олтин олиши кераклиги, аммо унғача баттолга сохта паспорт тайёрлаб беришга кўниши билан яқунланади. Шу ўринда қизиқ савол туғилади: агар сеҳрли қалпоқча бўлмаганида, Ҳошимжон тўданинг орасида юриб, суҳбатларига гувоҳ бўлмаганида қандай бўлар эди? Албатта, бутунлай бошқача сюжет, бутунлай бошқача тасвир усуллари қўлланган, натижада оддий детектив асари юзага чиққан бўларди. Бу асарнинг оддий детективдан фарқи ҳам унинг фантастиклигидадир. Бунинг устига, ҳодисалар ҳам содда ўсмир тилидан баён қилинади. Жамиятдаги турли жиноятлар, иллатлар, камчиликларни фош этиш аслида Ҳошимжоннинг эмас, балки кўпроқ Худойберди Тўхтабоевнинг ўй-хаёллари билан боғлиқ эканлиги сезилиб туради. Бу каби ўринларда Ҳошимжон аввалгидай гўл, сўзга чечан, бироз довдирроқ бола бўлиб эмас, балки жамиятдаги иллатларнинг барҳам топишини истаётган, турмушнинг гўзал ва камчиликсиз бўлишини

¹³⁵Кўрсатилган асар. – Б.418.

хоҳлайдиган муаллифнинг ўзи бўлиб ровийлик қилади. Демак, ёзувчи ўз маънавий қарашларини, психологик мақсадини қахрамонга шу тарзда юклаган.

Лекин шундай бўлса-да, юқоридаги каби жиддий ўринларни тасвирлашда ёзувчи қувноқ ҳикоя йўсинини ушлаб қолади. Бу асарнинг ҳалиям болаларга хослигини кўрсатади. Масалан, Ҳошимжон жиддий топшириқ билан Одил баттол бошлиқ жиноий тўданинг ертўладаги маконларига тушаётиб, уй эгаси кампир катта қозонда пишираётган шўрвага кўзи тушади: “Дош қозонда биқирлаб шўрва қайнаяпти. Ўзиям нақ йигирматача товукнинг боши узилганга ўхшайди. Нега десангиз, қозон шунчалик катта бўлишига қарамай, гўштлар бир-бирига тиқилиб қолибди. Хушбўй ҳид хонани тутиб кетибди. Иштаҳам кўзғаб, тамшаниб, бир-икки бор “култ-култ” этиб ютиндим-у, “бор-эй, бирпас кутишса кутишар”, деб бир чала пишган товукни кўлимга олиб, тикка турганимча, пуф-пуфлаб, пок-покиза туширдим”¹³⁶. Эътибор қилинг, Ҳошимжон ичкарига таъқибчи сифатида, ҳаётини хавф остига қўйиб жиноий тўда ичига кирган. Унга топширилган энг муҳим вазифани – тўдани овқатга наша солиб гангитиб кўйишини кутиб ташқарида поковник Суръат ака бошлиқ гуруҳ турибди. Ҳошимжоннинг бола табиати қозондаги овқатни кўриб “култ-култ” этиб ютинишида, “бор-эй, бирпас кутишса кутишар”, деб чала пишган товукни бамайлихотир еб туришида намоён бўлади.

Ёки: Ҳошимжон Одил баттол ва унинг шериги билан қабристонда юрар экан, ўз ҳолатини шундай тан олади: “Қабристонга, ишонсангиз, кундузи боргани ҳам кўрқаман. Жин, алвасти, арвоҳ бор, деган гапларга унча ишонмайман-у, лекин шундай бўлса ҳам барибир кўрқавераман... Сутдек ойдин бўлгани учун дарахтларнинг сояси ҳар хил шаклда кўзга ташланиб, юракка ғулув солади. Бир маҳал кўзимга қулочга сиғмайдиган катта бир терак остида эллик-олтмиш чоғли мурда ерга ўтириб олиб, мажлис қилаётганга ўхшаб кўриниб кетди... Кўрқиб кетдим, ҳа-ҳа, ҳаддан ташқари

¹³⁶Кўрсатилган асар. – Б.369.

кўрқиб кетдим. Юрагимнинг гурс-гурс урганини бемалол эшитиб турибман. Беихтиёр Одил баттолнинг елкасига тирмашдим...”¹³⁷.

Бундай ўринларда эса жиноятчилар кетидан юриб, уларни фош этишга каттиқ бел боғлаган милиция ходими ҳалиям ўша содда, сал гўлрок Ҳошимжоннинг ўзи эканлиги кўриниб турибди. Кўрқув – кўпинча болаларда учрайдиган психик жараён бўлиб, болалар ўз атрофларидаги оламни аслидан кўра бошқачарок, ғайритабиий ва кўрқинчли деб тасаввур қиладилар. Болаларга хос кўрқувни кетириб чиқарувчи биринчи муҳит бу – қоронғилик. Ҳар бир бола кайсидир даражада қоронғиликдан кўрқади. Сабаби, қоронғилик уларга предметларни аслида қандайлигича кўриш имкониятини бермайди. Бу тўсиқ уларда номаълум предметлар ҳақидаги ваҳималарни бўрттиради. Уларнинг қалбига илгаридан кўрқув солиб келган тушунчаларни қоронғилик кўрсатаётгандек туюлади. “Жин, алвасти, арвоҳ бор, деган гапларга унча ишонмайман-у, лекин шундай бўлса ҳам барибир кўрқавераман...”, дейди Ҳошимжон. Лекин аслида ундай эмас. У жин, алвасти, арвоҳ тушунчаларини кичиклигидан эшитиб келган ва бунга ўзи билмаган ҳолда ишонган. Бувиси берган тарбия, қори хизматида бўлиши, тепаликда тунда дев деб билиб, қори поччаси билан жанг қилгани, буларнинг ҳаммаси боланинг онгидан ўчмас жой олган. Гарчи ёзувчи бу ҳодисага реал қараса-да, қаҳрамон психологизми ўз-ўзидан бола дунёқарашини намоён қилади. Демак, Ҳошимжон ўша нарсалардан кўрқади – унинг бола онги бу кўрқув асосини онг остига тушиб қолган жин, арвоҳларга ишониш эканлигини англаб етмайди. Хуллас, Ҳошимнинг бола руҳияти шу шаклда намоён бўлади.

Бу масалада яна бир қизиқ лавҳа бор. Бу – қаҳрамоннинг руҳий касаллар шифохонасида (жиннихонада) кечирган саргузаштлари. Ҳошимжон жиннихонада пакана милиционер кўлидан чиқади-да, боши оққан томонга қочади. Уни аввалига уч киши қувди: “Учовларига-ку, тутқич бермасдим-а, ammo кўпчилик бўлиб кетишди-да. Яна иккита врач, иккита қоровул, бешта

¹³⁷Кўрсатилган асар. – Б.417.

Ўзимга ўхшаган жинни кўшилди. Айниқса, жинниларнинг биттаси – мен билан тенгқури худди този итдек чопагон экан. Чопганда ҳам улоқни ёппа қилган чавандоздек: “Ҳе-хе-хее!” деб қийқириб чопади денг. Ана шунисидан ҳеч қутулолмай, охири кўлга тушдим”¹³⁸. Бу ўринда ҳам асарнинг бош хусусияти – бола психологизмидаги комизм руҳи устунлик қилади. Умуман, “Сариқ девни миниб” романида ҳаётбахш руҳ, ҳаракатчан қаҳрамонлар фаолияти етакчилик қилади. Улар болалар дидига, руҳий-маънавий эҳтиёжига ниҳоятда мос келган.

Ёзувчи ҳар бир асарда ўзи ва қаҳрамон психологизмини намоён этишини айтиб ўтдик. Демак, қаҳрамонда ёзувчининг ўзлиги ҳам яшайди. Лекин бу – қаҳрамон айнан ёзувчининг ўзидир, деган хулосага олиб келмайди. Чунки айрим ўринларда қаҳрамон ёзувчидан узоқлашган ҳолда ҳаракат қилади. Биз бу ўринда қаҳрамоннинг ўзига хослигини кузатиш имконига эга бўламиз. Ҳошимжоннинг ўзига хослиги унинг тийиқсиз, қутилмаган гап-сўзларида кўриниб қолади. Бувиси тонгда намозга уйғотса, “кеча ўқидик-ку, бугунам ўқиймизми?” дейиш, ёки Ёнғоқ қорига шогирд тушиб, “бировларга дам солгунча ўзингизга ҳам бир дам солиб олсангиз бўлмайдимми?” – дея дилига келган сўзларни ҳеч иккиланмай шартга тилига чиқариш ҳамда буларнинг ҳаммасини завқ билан айтиб бериш фақат Ҳошимжонгагина хос бўлса керак.

Орифжон – Худойберди Тўхтабоевнинг қалб изтироблари ва кўнгил беғуборлигини ўзида жамлаган образ. Бу боланинг ўзига хослиги унинг содда, ишонувчан кўнгли ва афанди айтишга уста бўлган тилида, изтироблар, тангликлар қуршовидан чиқиб кетишга интилаётган ҳаётсевар руҳида. Орифжон касал ётган кичик синглисига нимадир олиш учун бозорда юрар, ҳеч нарсаси йўқлигидан туфлисини сотмоқчи бўларди. Аммо бундан ҳеч иш чиқмайди. Шу пайт башанг кийинган бир одамни кўриб қолади. “Яхши одамга ўхшайди”, деб ўйлайди бола ва шу одамдан ёрдам сўрашга ботинади. Дастлаб пул сўрайди, аммо бу илтижо одамнинг жаҳлини чиқаради. Бола

¹³⁸ Кўрсатилган асар. – Б.355.

бошқа йўлга ўтади. “Амаки, афанди айтиб берайми?” дейди тўсатдан жонланиб. У одам ниҳоят афанди эшитишга, эвазига пул беришга рози бўлади. Орифжон аввал довдирайди, эсига ҳеч бир латифа келмайди. Лекин сал ўтгач бир қанча латифаларни айтиб юборади. Одам унга арзимаган сариқ чақа ташлаб кетади ва бу болани ғазаблантиради. Сариқ чакани ўша амакининг орқасидан отади. Танга тўғри бориб унинг кулоқ-чаккасига тегади. Бу ерда бола характери ёзувчига бўйсунмайди. Сабаби айти шу ўринларни ўқиганда ёзувчи “мен”и кўзга ташланмайди, балки қаҳрамоннинг ўзи шундай эркин, табиий ҳаракат қиладики, образнинг ўзига хослиги кўриниб туради. Фақат бу эмас, асарда етимлар йиғилиб, тунги нолиш қиладилар, бунда болалар шиддат билан, алам ва изтироб ичра нола қиладилар. Уларнинг бу ҳолати ҳам фақат қаҳрамонлар оламини кўрсатади.

Акром – Худойберди Тўхтабоевнинг энг оригинал ва фантастик оламда сузиб юрувчи қаҳрамони. Акромни ёзувчидан ажратиб турувчи биринчи хусусияти – унинг ҳид билиш қобилиятида. “... Акромжон, битта нарса сўрасам йўқ демайсан, хўпми?

– Истаганингча сўрайвер, – деб қўйдим.

– Сенинг бурнинг яхши ҳид олармиш, шу ростми?

– Искович итдан ҳам зўрмишсан, тўғрими?

– Тўғри.

– Фақат қовуннинг ҳидини яхши фарқлай оласанми?

– Нега энди фақат қовунники бўларкан?

– Шундай деб айтишди-да.

– Бўлмаган гап, – дедим негадир шу пайт жуда мақтангим келиб, – мен минг хил ҳидни бир-биридан фарқлай оламан.

– Йўғ-э! – деди Ортиқали ишонқирамай...

– Уч чақирим наридаги нарсанинг ҳам ҳидидан сеза оламан...”¹³⁹.

Боладаги бу қобилият унга бутун асар давомида ҳамроҳлик қилади. У Ширин қовунлар мамлакатидек фантастик жойга бориб қолганда ҳам шу қобилияти

¹³⁹ Тўхтабоев Х. Ширин қовунлар мамлакати. – Тошкент: “Чўлпон”, 1991. – Б. 9.

туфайли илмий тадқиқотлар олиб боришга эришади. Бу ноёб қобилиятни фақатгина шу асар қаҳрамони Ақром Мадумаровда кўриш мумкин.

Зафар ҳам ўзига хос бола характерини ўзида намоён этади. Олдинги бобимизда Зафар образининг рухий ўзгаришлар динамикасини кўриб ўтган эдик. Бу бола Х.Тўхтабоевнинг бошқа барча қаҳрамонларидан фарқ қилиб, ижтимоий муҳит билан узвий боғлиқ ҳолда тасвирланади. Шу сабабли ҳам унда рухий ўзгаришлар динамикаси юзага келган. Зафар шаҳарнинг олифта боласи сифатида намоён бўлиб, унинг мағрурлиги аста-секинлик билан табиийлик, эркинлик каби болаларга хос хислатларга алмаша боради.

Худойберди Тўхтабоев асарларида кекса одамлар – чол-кампира алоҳида меҳр билан тасвирланади. Ҳошимжон бувисини, Ақром сартарошни, полковник Салимжон Отажоновни ниҳоятда ҳурмат қилади. Ақром билағон Ширин қовунлар мамлакатада Дар Даражадай устоз-суянчиқ топиб олганидан беҳад қувонади. “Беш болали йигитча”да Парпи бобо, Тўти хола, Пакана бобо, Абзий сингари кексалар етимларнинг бошини силайдилар. Ёзувчининг “Жаннати одамлар” асарида эса Эрка бобо, Матмуса бобо сингари диёнатли, илмли кишилар тимсоли меҳр билан тасвирланган. Бунинг сабаби, ёзувчи маънавиятининг камолга етишида унинг бобоси ва бувиси катта ҳисса қўшганидир.

Худойберди Тўхтабоевнинг ёшлиги, болалиги бобоси Эркабой ва энаси Робиябиби хонадонида ўтган. Бобоси етим набирасига меҳр берди, меҳнатга кўниктирди, диёнатли бўлишга ундади. Кексалардан олган меҳр, тарбия адибнинг деярли барча асарларида кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам унинг асарларида кекса одамлар образи болалар сингари беғубор, қалби пок, раҳмдил ва инсонпарвар қилиб тасвирланади.

“– Ҳошим, Ҳошим-у-у-у-у! – деган овоз эшитилиб қолди тўсатдан қулоғимга.

Бир сапчиб тушдим, юрагим уриб кетди, ахир бу бувижонимнинг овози-ку! Ҳа, бувижонимники!!! У ёқ бу ёққа ўйнагани кетсам, томга чиқиб, кафтини оғзига кўвача қилиб, ана шундай овоз билан чақирарди...

– Ҳошим-у-у-у-у! – деган овоз келди яна.

– Бувижоним! – деб ўрнимдан туриб югуриб коридорга чиқсам, ха-ха, бувижоним, белини оқ дока билан маҳкам боғлаб, бошига лаккисини ўраб олибди. Қўлида сафарга чиққанда олиб юрадиган ирғай ҳассаси! Йўлакдаги скамейканинг устига чиқиб, қўлини оғзига кўвача қилиб, тинмай чақиряпти. Бир милиционер “Холажон, бу ер унақа шовқин соладиган жой эмас”, деса ҳам, “нари тур, ҳамма жой худонинг жойи!”, деб силтаб ташлаб яна чақирди...”¹⁴⁰. Буви образи Ҳошимнинг ҳаётидаги энг юракка яқин инсонлардан бири эди. Умуман, боболар ва бувилар кадрили, уларнинг меҳрини ҳар бир бола сезади, аммо кексалар билан бирга яшаган, уларнинг тарбиясини олган болалар барибир уларга бошқачароқ боғланади. Уларнинг нафаси, берган тарбиялари боланинг бутун умри учун етадиган захира манбаи бўлиб хизмат қилади. Халқимизда “Қари билганни пари билмас”, “Қариси бор уйнинг баракаси бор”, деган мақоллар бежизга айтилмаган. Чунки кексалар фарзандлари ва набираларининг ҳамишалик дуоғўйидирлар. Ҳошимнинг бувиси ҳам болани ана шундай эътиқод билан, меҳр билан катта қилган эди. Тўғри, Ҳошимнинг ўзи буларни ҳали яхши тушунмасди, лекин “ахир бу бувижонимнинг овози-ку!”, деган ёниқ хитоби унинг бувисини қанчалар яхши кўриши, уни соғиниб яшаётганини очиқ-ошкор кўрсатиб турибди. Воқеалар давомида Ҳошимжоннинг бувиси ростдан ҳам милиция идорасига келган ва неварасини ишдан олиб кетмоқчи бўлган эди. Бунинг сабаби бу содда кампир кўшнилариининг гапига кириб “Ҳошимжон шаҳарда иш тополмай милицияда ишладиганларнинг соч-соқолини олиб юрганмиш”, “милицияда бўлса, тўппонча тақиб келмасмиди!”, деган ўйлар билан ғазабга миниб етиб келганди. У бу гапларни Ҳошимнинг бошлиқларига, полковнигу, капитанларга тап тортмай дўқ қилиб айтади. Кампир учун Ҳошимнинг бошлиғи генерал бўлса ҳам аҳамиятсиз: унга энг муҳими невараси, унинг камоли эди. Ўзича кампирлик ғурури неварасини гап қилган кўшнилариининг ёнида жим юришга йўл қўймаган эди. Ҳақиқатни билгач эса кўнгли бирдан

¹⁴⁰Кўрсатилган манба. — Б.358.

ёришиб, болани эркалаганча, ўша гап қилган Хожарнинг тилини суғуриб олишга бел боғлайди. Бу соддадил, қалби тоза буви образи соддалиги ва беғуборлиги билан бола табиатини эсга солади.

Адибнинг “Беш болали йигитча” романида кексалар образи бир қанча. Аммо уларнинг ҳар бири бир-бирига ўхшамаган табиати, характери, гап-сўзлари билан китобхон ёдида сақланиб қолади. Улардан бири болаларнинг кўшниси, уч ўғли урушга кетиб уйи хувиллаб қолган Парпи бува ва унинг кампири Тўхта хола. Бу чол-кампир болалар ҳаётида катта ўрин тутди. Болаларнинг бошига кетма-кет кулфатлар тушганда шу икки қария уларнинг ёнида бўлади. Отаси урушга кетган, онаси трактор тагида қолиб ўлган болаларга Парпи бобосининг насиҳатлари, Тўхта холасининг пиширган қотирмалари нажот бўлади. Улар ўзлари муҳтож бўла туриб, шу етим болаларга дармон бўлишга, уларнинг кўнгилларини кўтаришга ўзларида куч топадилар. Кунларнинг бирида болаларни етимхонага олиб кетиш учун давлат идорасидан уйларига меҳмонлар келишади. Бу пайтда Парпи бува касал: бир томони ишламай ётган эди:

“– Орифжонларни олиб кетгани келдик, ота, – тўсатдан гапни бу ёққа буриб юборди директор опа.

– Етимхонагами? – назаримда бир чўчиб тушгандек бўлди бувам, – ўтган сафар бўлмайди, деб айтувдим-ку.

– Танангизга бир ўйлаб кўринг, ота, ўзингиз касал бўлсангиз.

– Худога шукур, ҳали тирикман, қизим!”¹⁴¹. Хуллас, суҳбат Парпи буванинг то тузалгунича болалар етимхонада туришларига рози бўлиши билан тугайди. Бу чол ва кампир асар охиригача олти етимчага қайғуриб, улардан хавотир олиб яшайди. Гарчи ўзлари кўнгли ўксик бўлсалар-да, болаларнинг кўнглини ўкситмасликка интиладилар. Бу образлар ўзгача бир меҳр билан тасвирлангани англашилиб туради.

¹⁴¹ Тўхтабоев Х. Беш болали йигитча. – Тошкент, Фафур Фулом номидаги НМИУ, 2005. – Б.71. (Кейинги мисоллар ҳам шу манбадан олинди, саҳифаси кўрсатилади)

Асарда яна бир кекса одам образи бўлиб, у ҳам ўзига хос таъриф билан ёритилади. Бу одам – етим болаларга уйдан жой берган темир йўлнинг кекса қоровули бўлган амаки. Қулоғи сал оғирроқ бўлган бу амаки болаларни уйига олиб келади, доктор чақириб, касал синглисини даволатади. Болаларга иссиқ жой, иссиқ овқат беради. Болалар бир муддат шу уйда яшаб қоладилар, бу вақт давомида улар анча дармонга кирадилар, темир йўлчи амакига уй юмшларини бажаришда ёрдам берадилар. Афсуски, кунларнинг бирида темир йўлчи амакини хизмат билан қаёққадир олиб кетишади ва унинг кампири бўғирсоқ хола болаларни кетишга қистайди. Лекин Бўғирсоқ хола образи ҳам анча меҳрибон, шафқатли аёл сифатида гавдаланади. Сабаби, болаларни йўлга кузатиб юбораркан, уларнинг йўл ғамларини ўйлагани кўриниб турарди. Буни Орифжоннинг: “Лекин нима бўлганда ҳам Бўғирсоқ хола жа унақа инсофсизлардан эмас экан, буни биз тугунчамизни ечиб кўрганда сезиб қолдик: еттита сутга йўғрилган патир, ярим халта чала қуриган қурут, битта пиширилган ўрдак солиб берибди. Раҳмат, холажон, минг раҳмат сизга”, деган гапларидан сезиш мумкин. Бу одамларнинг яхшилиги шундай эди.

“Беш болали йигитча”да ниҳоятда бетакрор бир қария образи бор, бу – пакана бува. Пакана бува нафақат меҳрибон қария, балки ўзига хос характер эгаси ҳамдир. Болалар йўлда каттакон эшак миниб кетаётган пак-пакани бир чолни учратиб қоладилар. У билан танишгач эса бу чолнинг нақадар ажойиб одам эканлигидан севинадилар. Пакана бува болаларнинг кимсасиз етимлигини эшитгач бирдан ўз юрак дардларини очиб юборади:

Бугун бозорга ўхшайдир,

Етимлар зор-зор қақшайдир.

Аларнинг ҳолига боқсанг,

Ота-онаси йўққа ўхшайдир, –

– деб шеър ўқийди-ю, тўсатдан пиқ-пиқ йиғлай бошлайди:

“– Мен ҳам болалигимда етим бўлганман, – деди пакана бува чуқур хўрсиниб, – Мирҳоликқожининг молхонасида катта бўлганман. Ишлайвериб, мана шунақа пакана бўлиб қолганман...”

– Майли, буважон, йиғламанг! – деб қўйдим нима дейишимни билмай”¹⁴². Аммо пакана бува ўзини сираям тўхтатолмас, хор-зорликда ўтган кунларини гўё айтиб тугатмоқчидай баттар йиғларди:

“– Нега молни суғормадинг деб шунақанги урардики, менга раҳми келиб, моллар бўкириб юборарди... Овқат ўрнига нукул ювинди берарди... Бир марта ювинди талашиб, итлар билан уришиб ҳам қолганман... Бирор мартаям янги кийим олиб бермаган... хотинининг эски лозимидан қўйлак тиктириб берарди... Гадой келса, ташқаридан жой берарди-ю, эрталаб ўридан тургунча халтадаги нонини ўғирлаб қўярди...”. Пакана бува яна нималарнидар гапириб, узоқ йиғлайди. Ниҳоят, кўнгли дардлардан бўшади шекилли, болалар билан таниша бошлайди ва уларни уйига олиб келади. Аммо пакана буванинг ҳозирги аҳволи ҳам ҳавас қиладиган даражада эмасди. Ўғлидан қорахат келган, аввалги хотини ўлган, ҳозиригиси эса бувага сира кун бермасди. Хуллас, чол уларга меҳмонхонадан жой кўрсатиб, ўзи ичкарига кириб кетади ва бироздан сўнг юзи оппоқ, ўзи жуда озгин ва бўйдор бир аёл болаларга патнисда иккита нон, озгина ўрик ва чойнакда чой олиб чиқади. Чол қаерда эканлигини сўраган болаларга жавоб беради:

“– Қамаб қўйдим, – тушунтирди новча хола, – ўғилларидан қора хат келганидан буён мана шунақа сал савдойироқ бўлиб қолганлар... Йўлда ҳам роса йиғлаб бергандир?”¹⁴³. Аслида новча хола ҳам ёмон аёл эмас, фақат сал савдойироқ бўлиб қолган чолининг бошқа жойларга кетиб қолмаслигини, бошқалар олдида йиғлаб, савдойилигини кўрсатавермаслигини истарди. Болалар эса етимлик нималигини яхши билганликлари учун чолнинг дардини юракдан ҳис этадилар, уни тинглайдилар, тушунадилар. Улар ўртасида дўстлик иплари боғланади. Ниҳоят, эл ухлаган пайтда чол болалар олдида

¹⁴²Кўрсатилган асар. – Б.196-197.

¹⁴³Кўрсатилган асар. – Б.200.

кириб келади. Уларни уйғотиб, тез йўлга чиқишлари кераклигини уқтиради. Болалар дарҳол йўлга ҳозирлик кўрадилар. Пакана бува уларга озиқ-овқат ғамлаб чиққан эди, йўл-йўлакай устидаги чопонини ечиб, остидаги эшагини ҳам болаларга ҳадя қилиб юборади:

“– Буважон, ахир ўзингиз қийналасиз, – чувиллашди укаларим.

– Омборхонада етти қоп ўригим бор, баҳорга чиқиб, бир қопини сотсам, бунақанги узун кулоқдан тўрттасини беради... Ё хотинидан кўрқади деяпсизларми! Ҳечам-да! Опам билан уни шундай боппаймизки... Оқойимнинг битта ҳам қариндоши йўқ! Менинг тўққизта жияним бор... Қани энди, укаларингни миндир-чи, баракалла!..”¹⁴⁴, деб турган пакана буванинг табиати ҳам содда ва беғубор болани эслатади. У аслида хотини билан ҳеч ҳам келишолмагани, хотини унинг юрак дардлирини тушунмаслиги, ҳатто хотинидан бироз кўрқишини тан олишни сира истамайди. Шунинг учун ҳам худди ёш болага ўхшаб: “Опам билан уни шундай боппаймизки... Оқойимнинг битта ҳам қариндоши йўқ! Менинг тўққизта жияним бор...” дейди ва бу билан гўё ўзини ҳимоялангандек ҳис этади. Умуман, кекса одамлар образи ёзувчида қандай муҳаббат қолдирган бўлса, ёш қаҳрамонлар қалбида ҳам ана шундай меҳр-муҳаббат билан из қолдиради. Ҳар бир учраган кекса одам ўзича ёш қаҳрамонларга яхшиликлар қилади, уларни эзгуликка ундайди. Бунинг сабаби, ёзувчидаги руҳий-маънавий олам ана шундай одамларга иззат-ҳурмат ва меҳр-муҳаббат билан йўғрилган эди. Умуман олганда, ёзувчининг биографияси ёш қаҳрамонларда ўзига хос тарзда акс этади. Баъзан бу ҳодисада ёзувчилик руҳи устунлик қилиб, жамият маънавий ҳаёти ёзувчи томонидан идрок қилинади, баъзан эса қаҳрамон психологизми ўзининг руҳий-маънавий ҳолатини ёзувчи ихтиёридан ташқарида намоён этади. Бу борада профессор Сафо Матжон шундай ёзади: “Дарҳақиқат, ўзи қаламга олган қаҳрамонлар руҳияти ич-ичига кириб бориш, сурати ва сийрати тасвирининг уйғунлигига эришиш орқали китобхоннинг ўзлигини англашга йўналтирилишини бадиий адабиётнинг бош вазифаси деб билган

¹⁴⁴Кўрсатилган асар. – Б.206.

адиб жаҳонга машхур “Сехрли қалпоқча”, “Сарик девни миниб” асарларини яратгунга қадар катта ҳаёт ва ижод мактабини ўтайди. Адиб асарлари хусусида гап кетганда, болалигида бошдан кечирган турмуш машаққатлари, бобоси ва бувисис тарбияси, ўқитувчилик фаолияти, газеталар таҳририятидаги фелъетончилиги бўлажак ёзувчини ҳаётга жиддий кўз билан қарашга йўналтирганини сезиш қийин кечмайди”¹⁴⁵.

Умуман олганда, ҳар қандай ёзувчи бадиий асар ёзар экан, унда баъзан истаб, баъзан истамаса-да ўз ҳаётини қайсидир даражада акс эттиради. Етимлик ҳақида ёзар экан, у албатта етим бўлиши, уруш даври ҳақида ёзар экан, албатта урушнинг фожиаларини қалбан ҳис қилади бўлиши шарт. Шундай экан, биз ёзувчи Худойберди Тўхтбоевнинг руҳий-маънавий олами, қалб изтиробларини у яратган асарлар, у яратган қаҳрамонларда кўрамыз.

3.2. Қаҳрамон руҳий олами ва ёзувчи концепцияси ифодаси

Концепция (lot. Conceptio — мажмуа, тизим) — умумий маънода бирор соҳага оид қарашлар, тамойиллар тизими, факт ва ҳодисаларни тушуниш, англаш ва изоҳлашнинг муайян усули, асосий нуқтаи назар бўлса, адабиётда — бирор асарнинг асосий ғояси ёки ёзувчи дунёқараши, аниқроқ айтганда, ёзувчининг қараши-ёндашувини англатади. Концепция бадиий асар моҳиятини, ижодкорнинг “мени”ни ифода этади. Бироқ бадиий асар концепцияси айрим ҳолатларда муаллифнинг субъектив қарашларидан кенг қамровли бўлиши мумкин. Баъзан муаллиф мўлжалига зид ҳолат юз берса ҳам, моҳият эътибори билан, асар ўз концепциясига кўра муаллифнинг бадиий-эстетик оламига тегишли бўлади. Ўқувчининг маънавий-руҳий савияси, тарихий шарт-шароитдан келиб чиққан ҳолда бадиий асар концепцияси алоҳида таъкидланиб, очиқ-ойдин ифода этилади. Инсон ва

¹⁴⁵ Матжонов С. Сехрли қалам ёхуд болалигини қўмсаган бобо. / Х.Тўхтабоев. “Қайлардасан болалигим” китобига сўзбоши. – Тошкент, 2018. – Б. 5.

борлиқ моҳиятига кўра, концепция бир бутунликни ташкил этади. Масалани муайян ижодкорнинг ўз концепцияси ёки алоҳида олинган ҳақиқий санъат асарининг концепцияси тарзида қўйиш ҳам мумкин. Бошқа жиҳатдан, бадиий асар концепцияси унда тасвирланган бадиий-эстетик, образли дунё орқали ҳаётни англаш механизми-усули бўлиб ҳам майдонга чиқади. Умуман, концепция бадиий асарнинг санъат, адабиёт ва маданият тарихидаги ўрнини ҳамда ўқувчилар оммасига таъсир этиш даражасини белгилайди.

Тадқиқотчи С.Комилова ўзининг “Шарқ юлдузи” журналининг 2015 йил 5-сонида чоп эттирган мақоласида замонавий ўзбек адабиётида концепция масаласига алоҳида тўхталади¹⁴⁶.

XX аср охири – XXI аср бошларидаги ўзбек адабиёти ушбу даврда юз берган ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётдаги ўзгаришларни акс эттиради. Бугунги кун адабиётшунос олимлари ва танқидчилари ўзбек адабиёти ривожидан юз бераётган ўзгаришларни англаб етишга ва уларга муносиб баҳо беришга уринмоқдалар. “Шарқ юлдузи”, “Ёшлик”, “Тафаккур”, “Тулистон”, “Ўзбек тили ва адабиёти” каби адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий руҳдаги етакчи журналлар, “Китоб дунёси” газетаси саҳифаларида эълон қилинаётган замонавий адабий жараёнга бағишланган баҳс ва мунозаралар, чоп этилаётган қатор мақолалар шундан далолат беради.

“Лекин шуни қайд этиш керакки, ўзбек адабий танқидчилигида адабиётнинг ўз-ўзини шакллантиришга уриниши борасида яқдил фикрлар йўқ. Масалан, Ҳақимжон Каримов илгари сурган парадигма инъикос назариясига ва ижтимоий-маданий ҳамда адабий тафаккурнинг ривожланишида онг категориясининг ролига асосланади. Тадқиқотчи ёзиш услуби ривожланишининг асосий йўналишларини насрнинг жанр принципига асосан бўлинишидан келиб чиққан ҳолда кўрсатиб ўтади:

1) адабиётда ғоя ва мавзу майдонининг кенгайиши; 2) ижтимоий, ахлоқий, маънавий, оилавий масалаларга эътиборнинг кучайиши; 3) инсонпарварлик мазмуни ва психологизмнинг чуқурлашуви; 4) ўзбек

¹⁴⁶ Комилова С. Замонавий ўзбек адабий жараёни концепцияси // Шарқ юлдузи, 2015–5. Б.153.

халқининг ўзлигини таниши ва менталитети масалаларига мурожаат этилиши; 5) ҳаёт мазмунини фалсафий мушоҳада этиш.

Ҳ.Каримов замонавий сўз ижодкорларининг энг муваффақиятли тажрибалари рамз ва мажозларга таянганини таъкидлайди. Бундан ташқари, у ўзбек адабиётида “детектив йўналиш” пайдо бўлганини ва бу ҳам янгилик эканини қайд этади.

Адабиётшунос олим “Замонавий ўзбек адабиёти учун муаллифнинг дунёни ҳис этиш концепцияларидаги хилма-хиллик, воқеликни англашнинг янгиша шакллари пайдо бўлиши ҳамда адабий образларни миллий қадриятлар нуқтаи назаридан қайта англаш хосдир”, дея хулоса қилади”¹⁴⁷.

Замонавий адабий жараёнда турлича услублар, жанрлар ва бугунги воқеликни ҳаққоний акс эттира оладиган тасвирий-ифода воситаларининг янгилиниши билан ифодаланувчи ғоявий-эстетик ёндашувларнинг пайдо бўлиши шу билан изоҳланади.

Шунингдек, С.Комилова ўзбек адабиётининг бугунги кундаги босиб ўтаётган мураккаб ва индивидуал тараққиёт йўлини учта даврга ажратиб кўрсатади:

1. “Ўтиш” даври (XX асрнинг 80-йиллари охири – 90-йиллар). Бу давр қатор омиллар билан белгиланади:

Реалистик ифодадан фойдаланиш, замон ва макон тушунчаларининг ўзгача идрок этилиши ва бунинг натижасида дунё манзарасининг ўзгариши, тарихий сиймолар образининг биринчи планга чиқиши ва тарихий ўтмишни қайта англаш, бадий ижоддаги ички изланишлар ҳамда насихатгўйликдан воз кечиш ҳам бу даврда яратилган кўплаб асарларга хос бўлган хусусиятлардан саналади.

2. “Манзиллар ўзгариши ва таҳлиллар” даври (1990–2000 йиллар). Бу даврда ўзбек адабиёти “миллий ўзлик – глобаллашув”, “эстетик қадриятлар – бозор иқтисодиёти” каби бир-бирига қарама-қарши тушунчалар билан

¹⁴⁷Комилова С. Замонавий ўзбек адабий жараёни концепцияси // Шарқ юлдузи, 2015–5. – Б.154.

тавсифланувчи вазиятга тушиб қолди. Адабиётнинг эстетик принциплар ва шаклий экспериментларга кўра турли қатламларга ажралиши кузатилди.

3. “Верданди” даври (2000–2014 йиллар). Бугунги адабиёт мумтоз адабиёт ва реализм анъаналари, модернизм, постмодернизм тенденцияларининг ёнма-ён яшаётгани билан тавсифланади”¹⁴⁸.

Ўзбек адабиёти янги ижодий методларнинг ривож топиши билан ҳам ўз тараққиётига эга бўлиб бормоқда. Айрим ижодкорлар асарларида модернизм ўз қиёфасини намоён этган бўлса, бошқа ижодкорлар постмодернистик услубни танлади. Психологик таҳлил усулидан ҳам кўплаб ёзувчилар самарали фойдаландилар.

“...Замонавий ўзбек насрида куйидаги постмодернистик услуб белгиларини ажратиб кўрсатиш мумкин: 1) ўзбек мумтоз адабиётидан “иктибос”лар келтириш; 2) қаҳрамоннинг “шизоанализ” усули билан сунъий ҳаяжон асосида очиб берилган руҳий ҳолатини олдинги ўринга чиқариш; 3) муаллифнинг фалсафий позицияси акс этган рамзлар комбинациясини (кодини) куриш; 4) оламни бирламчи кўринишда қабул қилиш; 5) жанр экспериментлари; 6) борлиқнинг ўзига хос моделини яратиш; 7) замонавийликдан чекиниб, ўтмиш “излари” тушган ифода тилини яратиш”¹⁴⁹.

Умуман, бадиий асар яратилар экан, унда муаллифнинг ички олами, дунёқараши, позицияси, борлиққа муносабати, концепцияси акс этиши табиий. Ҳар қандай бадиий асар ўзида муаллиф субъективизмининг акс эттиради. Айтайлик, ёзувчи бирор тарихий сиймо ҳақида асар ёзмоқчи экан, унда, албатта, ўша тарихий сиймога бўлган эҳтиром, ҳурмат, ҳавас туйғулари устунлик қилаверади. Ёки ёзувчи ҳазил-мутойибага мойил бўлар экан, беихтиёр унинг қаҳрамонлари ҳам ҳазилкаш, хушчақчақ бўлиб гадаланади.

Худойберди Тўхтабоев асарларини таҳлил қилар эканми, унинг ижодида “ярқ” этиб кўзга ташланувчи бир жиҳатга алоҳида тўхталиб ўтиш

¹⁴⁸ Комилова С. Замонавий ўзбек адабий жараёни концепцияси // Шарқ юлдузи, 2015–5. Б.156.

¹⁴⁹ Шу манба. – Б.157.

зарур. Бу – унинг асарларида юмор ниҳоятда усталик билан ишлатилганлиги. Адиб асарларида юмордан шу қадар мукамал фойдаланилганки, бирорта ўринда ортикча, бачкана ҳазил ёки юмор учрамайди. Ва ҳар бир қўлланилган юмор қайсидир қаҳрамоннинг қайсидир томонини, руҳий ҳолатини очиб беришга хизмат қилган. Бу ҳақда профессор Умарали Норматов шундай ёзади: “... бунинг учун ёзувчининг ўзида туғма юмор туйғуси бўлиши керак, Худойбердининг зуваласи эса айна шундай табассум билан йўғрилган – болаларча беғубор, ҳаётбахш юмор туйғуси билан! Эҳтимол, Худойберди табиатидаги “яхши маънодаги болалик” ўша қувноқ, ҳаётбахш юморнинг манбаидир. Ёзувчидаги шу беғубор ҳаётбахш юмор туйғуси, хусусан, унинг тарихий-биографик мавзудаги романларида меҳнаткаш халқ орасидан чиққан баҳодирлар образини яратишда, халқ ҳаётининг хилма-хил манзараларини кўрсатишда, энг муҳими, халқ руҳиятини очишда қўл келмоқда¹⁵⁰ .

Бу ҳақда ёзувчининг ўзи шундай дейди:

“... Болалар табиатан қувноқ бўлади, унинг қувноқ қалби эркалашни, эркаланишни ҳамиша талаб қилиб туради. Чақалоқ овоз чиқариши билан ё йиғлайди, ё қикирлаб кулади...”

... Болаларга асар ёзган машҳур ёзувчилар, масалан, Марк Твен, Аркадий Гайдар бола психологиясининг ана шу томонини ҳисобга олган бўлсалар керакки, ўз асарларида юмористик оҳангни қуюқлаштиришга ҳаракат қилишган. Аркадий Гайдарнинг қайси бир асарини ўқиманг, майин, латиф кулги, эркаловчи оҳанг сезилиб туради. Болалар ўртасида қайсики ёзувчи машҳур бўлган бўлса, ўша ёзувчи ижоди кулгига, кулгили ҳолатга, чиройли сўз ўйинларига бой эканини кузатамиз. Чунки болалик кулгига, кулгили ҳолатларга бой бир палладир. Николай Носов болалар учун қисқагина бир муддат ичида ижод қилди. Аммо у шундай тез машҳур бўлиб кетдики, китобларининг кўп нашр этилиши жиҳатидан Жанни Родаридан кейин иккинчи ўринга чиқиб олди. Бунинг сабабларидан бири шуки, Носов асарлари юморга бой. Жанни Родари асарларининг жаҳон бўйлаб тез

¹⁵⁰Норматов У. Саргузашт сардори. – Тошкент, Адиб, 2012. – Б.19.

тарқалишининг боиси ҳам худди шу юморга бойлигидир. Мана шуларни ҳисобга олиб, мен ҳам болаларга қувноқроқ қилиб ёзишга, уларнинг табиатига мос, ўзларининг кундалик ҳаётларига ўхшатиб ёзишга ҳаракат қиляпман”¹⁵¹.

Ёзувчининг ўзи таъкидлаган боланинг руҳий дунёсига ошно бўлган беозор кулги, ҳаётбахш юмор унинг қаҳрамонларига зўр маҳорат билан “юктирилган”.

“ – Хўш, аскарлар, ишни нимадан бошлаймиз? – сўраб қолди Розик Тоғам.

– Афанди айтишдан, – деди Ақрам.

– Эсинг жойидами? – хафа бўлди бригадиримиз, – кузга бориб пунктга пахта топширамизми ёки афанди айтиб берамизми?

– Афанди айтиб бераверамиз.

– Тўғри, аввал битта афанди айтиб берасиз.

– Айтмасангиз ишламаймиз”¹⁵².

Ёки:

“ – Оббо Марямхон-ей, – кулиб юборди Розик Тоғам, – ўзингиз ҳам ўрисга ўхшаб жа чўрткесар экансиз-да.

– Ахир ўзим ўрисман-да, – деб Мария Павловна ҳам хандон отиб кулиб қўйди”¹⁵³.

Биринчи парчада келтирилган диалогда уруш давридаги болаларнинг катталарга ёрдам бериш учун колхозда ўзлари бригада тузишлари ва шу бригадада кўнгилли бўлиб ишлаётганликлари пайтидаги ҳолат келтирилган. Уруш давридаги оғир ижтимоий аҳвол ёш-у қарини баравар танг ҳолатда қолдиргани маълум. Урушга ярайдиганларнинг барчаси фронтга жўнатилган, аёллар эркакларнинг ўрнига оғир дала юмушларини бажармоқдалар. Бу болалар эса ўзлари гувоҳ бўлиб ўсаётган тангликни биров бўлса-да

¹⁵¹Норматов У. Нафосат гурунглари. – Тошкент, Мухаррир, 2010. – Б. 361.

¹⁵²Тўхтабоев Х. Беш болали йигитча. – Тошкент, Ўқитувчи, 1981. – Б.209.

¹⁵³Шу асар. – Б.215.

юмшатишга ҳисса қўшмоқчилар. Лекин шундай танг, оғир шароитда ҳам болани ўз табиатидаги ҳаётсеварлик, юмор, кулгига яқинлик тарк этмайди. Оғир жисмоний меҳнатга киришаётган болаларнинг катталардан фарқли ўлароқ, “ишни афанди айтишдан” бошлашлари ҳам ҳаётга неқбинлик (оптимизм) билан қарашларини кўрсатади.

Иккинчи парчада ҳам шунда ўхшаш ҳолат кузатилади. Катталар тилидан айтилган, аммо беихтиёр беғубор кулги уйғотувчи бу диалог ҳам болаларга яқин бўлган характер эгасини эслатади.

“ – Майда болаларни нега ҳайдаб келдингиз, нима, мен булар билан лапта ўйнайманми?

– Мажлисдан кейин “эшак минди” ўйнасак ҳам бўлади, – деб кулди Ҳайиткалла.

Одамлар кулмоқчи бўлувди, раис қовоғини солиб яна қўнғироқ чалди.

– Ўртоқлар, йигитларимиз урушда жон олиб жон беряпти... Сиз билан биз ҳалигача далага қўш чиқара олганимиз йўқ. Қаттиқ мусобақалашиб ишлаётган иккита ёшлар бригадасини ҳисобга олмаганда бошқа бригадаларда гўнг чиқариш ҳам, ариқ-зовур тозалаш ҳам чатоқ... Эртадан бошлаб ишга бошқачароқ киришмасанглар ҳаммангни ёппасига армияга жўнатиб юбораман.

– Кампирларни ҳамми? – деб сўради Акрам билағон.

– Сен, тирранча, жим ўтир, бўлмаса сениям қўшиб жўнатаман! – ўшқириб деди раис”¹⁵⁴.

Қийинчиликлар гоҳо инсонларни бир-бирига меҳрибон, оқибатли қилиб қўяди. Уруш даври машаққатларини бирга чекаётган қишлоқ аҳли қандай бўлмасин, қўлларидан келганча ватандошларига ёрдам беришни истайди. Одамларни жамлаб мажлис ўтказаетган раис бува ана шу оғир ижтимоий ҳаёт муаммосини яна ҳам эслатиб, уруш машаққатларини янада бўрттириб айтади. Одамларни дангасаликда айблайди ва кўпроқ меҳнат қилиб, “урушда жон олиб жон бераётган” юртдошларини шу ердаги

¹⁵⁴Тўхтабоев Х. Беш болали йигитча.- Тошкент, Ўқитувчи, 1981. – Б.217.

меҳнатлари билан қўллаб-қувватлаб туришларини айтади. Нутқининг сўнгида эса “хаммангни ёппасига армияга жўнатиб юбораман” дея дўқ-пўписа қилади. Бу дўқ-пўписа, балки, катталар учун таъсирлироқ гап, жиддийроқ муаммо бўлиши мумкиндир. Лекин ҳали бола кўнгли билан оламни ва одамларни энди идрок этаётган болалар учун бу гап у (раис) ўйлаганчалик қўрқинчли эмас. Раис дўқ қилди, яъни “хаммангни ёппасига армияга жўнатиб юбораман” деяпти. Хўш, ўзи шундоғам оталар урушда, акалар урушда, кўлига қурол ушлай оладиган эркак кишилар борки, уларнинг бари урушда. Қишлоқда кексалар, аёллар ва болалардан бошқа ҳеч ким йўқ-ку! Раис хаммани урушга жўнатса, демак, кексалар, жумладан, кампирлар ҳам урушга кетадими? Ва натижада бола хаёлига келган гапни шартга айтиб юборади. Раис “тентагона”, айти пайтда “доно” бу гапга асло жавоб топиб беролмайди. Ўзининг бир лаҳза гангиб қолганини яшириш учун болага қараб – “Сен, тирранча, жим ўтир”, - деб ўшқиради. Зеро, боланинг қалби ҳамиша ҳаётни севгани, ҳаётга интилгани, машаққатлар ичра севинишни, кулишни, кулдиришни билгани, уддалагани учун ҳам юморни тарк этолмайди.

“Биламизки, ёзувчининг шахсияти, хислатлари, ҳаёт тажрибалари қандайдир шаклда унинг ижодига, у яратган асарларга кўчиб ўтади. Буни Худойберди ижоди мисолида ҳам кўриш мумкин. Чунончи, болаликдан қолган энг оғир таассурот – етимлик унинг кўпчилик асарларида ўз ифодасини топган. “Беш болали йигитча” романи ўша оғир таассуротлар туғёни ифодаси сифатида майдонга келган, “Қасоскорнинг олтин боши” романида, “Йиллар ва йўллар” деб аталган асарида етим болалар тақдири зўр изтироб билан қаламга олинган...”¹⁵⁵.

Дарҳақиқат, “Беш болали йигитча”, “Мунгли кўзлар” асарларида ёзувчининг қалб изтироблари ўз аксини топган. Боланинг мурғак қалбидаги маҳзунлик, баъзан катталарга ҳам оғирлик қиладиган дардни кўтариши ушбу асарларда ифодалаб берилган. Бу асарларда етимлик азоби – буюк дарднинг гўзал ифодаси намоён бўлган.

¹⁵⁵Норматов У. Саргузашт сардори. – Тошкент, Адиб, 2012. – Б.16.

Аммо Худойберди Тўхтабоев ижодида яна шундай бир жиҳат ҳам борки, унда бевосита ёзувчининг қарашлари, ҳаётга ёндашуви, фикрлари ўз ифодасини топган. Бу жиҳат унинг бевосита фельетончилик фаолияти билан боғлиқ. Маълумки, Худойберди Тўхтабоев журналистлик фаолияти давомида 300 дан ортиқ фельетонлар ёзган. Уларда ёзувчи жамият ҳаётидаги турли иллатлар, қонун бузилишлари ва ҳатто жиноятлар хусусида ҳам ёзган. Бу тажриба унинг “Сариқ девнинг ўлими”ни ёзишида ниҳоятда қўл келган. Яна энг муҳим жиҳати, мана шундай жиддий жараёнда, иллат ва жиноятларни фош этиш баробарида ҳам енгил юмордан усталик билан фойдаланганки, бу ҳолат асарга “жон” бағишлаган.

“... Ахлоқ билан ахлоқсизлик тўқнашган жойда, меъёр билан меъёрдан чиқиш юз берган жойда, бутун халқ ва давлатнинг иродасини акс эттирган қонун билан қонунсизлик тўқнашган жойда кулгига сабаб бўладиган бир руҳий ҳолат юзага келдики, бу руҳий ҳолатнинг катта-кичигига, салмоғига қараб, гоҳ майин, латиф бир кулги, гоҳ эркаловчи жилмайиш, гоҳо захархандали қаҳқаҳа содир бўлиши мумкин. Айтмоқчиманки, кулги одамлар жамият бўлиб таркиб топгандан буён, жамиятнинг қонун-қоидалари пайдо бўлгандан буён ва шу қонун-қоидаларнинг бир “қўриқчиси” сифатида, қонун-қоидаларнинг бузилишини огоҳлантириб турувчи бир “жом қўнғироқ” сифатида ҳамиша яшаб келган. Бу кулгининг қувноқ, оромбахш, беғубор бўлиши ёки аччиқ захарханда бўлиши жамиятда юз бераётган тартиб бузилишларининг катта-кичиклигига, жиддий-ножиддийлигига ва, ниҳоят, муаллифнинг қайси позицияда туриб ёзишига боғлиқдир”¹⁵⁶.

Шунингдек, “Сариқ девнинг ўлими” асари детективлик йўлидан бориб ёзилади. Демак, ёзувчининг қарашлари, жамиятни иллатлардан, жиноятлардан тозалаш мумкинлигини илгари суриш ғояси юзага чиққан.

“Муаллиф янги асар устида иш олиб бориш жараёнида жаҳон детектив асар намуналари, унинг назарияси билан яқиндан танишади, бу тур адабиёт

¹⁵⁶Норматов У. Нафосат гурунглари. – Тошкент, Мухаррир, 2010. – Б. 351.

хусусида ўзининг муайян қарашлари – концепцияси шакллантиради. Унингча, детективнинг муҳим шартлари қуйидагилардан иборат:

1. Асарда албатта ижтимоий мотив биринчи ўринда туриши керак.
2. Асарнинг бошланишидаёқ жиноят ёки қотиллик юз бериши лозим.
3. Изқувар ўз атрофидагиларга қараганда ақллироқ, идроклироқ, топқирроқ бўлиши шарт.
4. Китобхон билан изқуварнинг жиноят ҳақидаги хабардорлиги бир хилда бўлиши керак.
5. Муҳаббат, оила мотиви биринчи планга чиқмаслиги керак.
6. Изқуварнинг ўзи жиноятчи бўлмаслиги керак.
7. Изқувар жиноятчи ёки қотилни тасодифан эмас, балки майда икир-чикирларни таҳлил қилиб, индуктив мулоҳазалар билан топиши керак.
8. Изқувар кроссворд жумбоғини ечгандек ҳаракат қилиши шарт.
9. Кроссворд жумбоғини ечиш реалистик асосга қурилиши керак.
10. Детектив асарда жиноят битта бўлиши талаб қилинади.
11. Жиноятчининг жиноятни беркитишдаги усталиги изқуварнинг усталигидан кам бўлмаслиги керак – изқувар ақлли душман билан юзма-юз бўлиши керак¹⁵⁷.

“Сариқ девнинг ўлими” асарида саргузашт-детективлик йўлидан борилади. Бунда эса қаҳрамоннинг милиция ходими бўлиб ишга кириши ниҳоятда қўл келади.

“ – Мутал!

– Буюринг, устоз!

– Қуй, тўлдириб қуй! Бугун мен бахтлиман!

– Сизнинг бахтингиз бизнинг бахтимиз, – чайналиб гапга қўшилди чайқовчи.

– Сиз бўлмасангиз, биз аллақачон қўлга тушган бўлардик! – деб миннатдорчилик билдирди пешанаси йилтироқ амаки.

– Мен борман, ҳеч қайсинг қўрқма, – кимнидир отиб ташламоқчи бўлгандек кўрсаткич бармоғини ўқталиб гапира бошлади бахти қаро директор, – чунки мен айёрман, тулкиман! Ҳаммасига чап бераман... ОБХСС,

¹⁵⁷Норматов У. Саргузашт сардори. – Тошкент, Адиб, 2012. – Б.34.

у мендан кўрқади! Юрагини олиб кўйдим, худо хоҳласа, яқинда ҳаммаси ишдан кетади. Ҳали кўп даври-даврон сурамиз. Тўғрими, Мутал?

– Ҳақ гапни айтдингиз, устоз. Уларни ҳали кўп ўйнатамиз”¹⁵⁸.

Жиноятни фош этиш учун, аввало, унинг илдизини топиш зарур. Бу эса ниҳоятда мушкул вазифа. “Жиноятчининг жиноятни беркитишдаги усталиги изкуварнинг усталигидан кам бўлмаслиги керак – изкувар ақлли душман билан юзма-юз бўлиши керак”лиги талабидан келиб чиқиб, Одил Баттол ҳақиқатан ҳам ниҳоятда ақлли душман. У ўз жиноятларини шу қадар усталик билан яширадики, буни сиртдан қараганда илғаш амри маҳол. Воқеани ҳар бир деталигача асосли келтириш учун қаҳрамон моҳир изкувар бўлиши шарт. Бироқ Худойберди Тўхтабоев “Сариқ девнинг ўлими”ни соф детектив эмас, балки саргузашт-детектив асар сифатида яратади. Саргузашт асар фантастик элементлардан фойдаланишни инкор этмайди. Шу сабабли ҳам асарда сеҳрли қалпоқча жиноятни очишда қўл келади.

Қаҳрамон сеҳрли қалпоқчасидан фойдаланиб, жиний тўданинг хатти-ҳаракатларини кузатиб боради. Юқоридаги парчада ўғри ва қаллобларнинг ўзаро суҳбатларидаги оҳанг, уларнинг қиёфаси ниҳоятда ишонарли тасвирланган. Баттолнинг жиноят оламидаги “қаттакон” эканлиги, Муталнинг унинг хизматиға ҳаммиша шай югурдак эканлиги, асосий душманлари ОБХССга “чора кўриб” кўйганлигини қаҳрамон аниқ-тиниқ билади. Шу тариқа кузатувда давом этган Ҳошимжон алал-оқибат, жиноятнинг тагига етади. Ҳатто жиноятни илдизи билан қуритишга, ёзувчининг орзуси бўлмиш – жиноятдан холи, ҳалол, пок виждонли инсонлар жамиятини барпо этишга эришади. Бу борада ёзувчининг қарашлари қаҳрамон орқали намоён бўлган, дейишимиз мумкин.

Ёзувчининг концепцияси фантастик унсурларға мурожаат этишга ундайди. Чунки Худойберди Тўхтабоев ижодида фантастик элементлар алоҳида ўрин тутаяди. Ёзувчининг фикрича, бола кўпинча хаёлот оғушида бўлади. Сеҳргарлик, фантастика болаларни доимо ўзига жалб қилиб туради.

¹⁵⁸Тўхтабоев Х. Сариқ девни миниб. – Тошкент, Ёш гвардия, 1982. – Б. 327.

“... бола табиатан ўзи яшаб турган дунёни билишга катталарга караганда чанқоқ. ... сирли туюлган нарсаларга эса ўта ўч. Айниқса, ўн уч-ўн беш ўртасида – болалиқдан ўсмирликка ўтиш палласида бир неча янги майллар пайдо бўлади. Яъни бола физиологик жиҳатдан эмас, балки маънавий ва психологик жиҳатдан ҳам ўсади, ўсмир руҳиятида фавқулодда нарсаларга ўчлик кучаяди. Ҳар қандай шароитда ҳам ўзини йўқотмайдиган, жисмоний жиҳатдан бақувват, темир иродали, ақл-у заковатда баркамол қаҳрамонлар билан учрашгиси, уларга тақлид қилгиси, ана ўшалардек бўлгиси келиб қолади. Ўзи яшаб турган оила – мактабдан иборат дунё энди унга торлик қилиб, денгизларда жавлон ургиси, чўкқиларни забт этгиси, ўрмонларда ваҳший ҳайвонлар билан учрашгиси келаверади. Саргузашт асарларда эса ана шундай бола-ўсмир идеалига мос тушадиган, унга маънавий ором-у қанот берадиган қаҳрамонлар тасвир этилади”¹⁵⁹.

Умуман, болалар адабиётининг ушбу ғаройиб қаҳрамонлари чакмоқтош, сеҳрли таёқча (қалпоқча, мантия, калит, бойўғли)дан унумли фойдаланадилар. Улар битта одамнинг турли моҳият, ҳолатларини кашф этадилар.

Масалан, кўзга кўринмаслик хусусияти ёки сеҳрли чакмонни халқ оғзаки ижоди жанрларидан ташқари, жаҳон адабиёти асарларида ҳам учратиш мумкин. Герберт Уэлснинг “кўринмас одам”и ёки Худойберди Тўхтабоевнинг “сеҳрли қалпоқча”си сингари образлар бунга мисол бўла олади. Умуман, кўринмаслик хусусияти, кўринмас одам “человек невидимка”ларни ҳар бир халқ адабиётида учратиш мумкин. Баҳайбат одамлар ва ярим маҳлуқ одамларни ҳам қадим юнон афсоналаридан тортиб, бадиий асарларда ҳам учратамиз.

Ёзувчи Х.Тўхтабоев кўринмаслик хусусиятидан самарали фойдаланган. Бу восита орқали қаҳрамоннинг руҳий дунёси, руҳий ҳолатлари ифода

¹⁵⁹Норматов У. Саргузашт сардори. – Тошкент, Адиб, 2012. – Б.72.

этилади. Қаҳрамоннинг сеҳрли қалпоқча ёрдамида кечирган ҳар бир саргузаштида характерининг янги бир қирраси намоён бўлиб боради.

Х.Тўхтабоев фантастик деталдан фақатгина бадий восита сифатида фойдаланади. Х.Тўхтабоев фантастик реализм асосида қаҳрамонлар руҳиятини ҳам ифода этган. Фантастик ҳолатлар қаҳрамонлар руҳий дунёсини, характерини очиб беришга хизмат қилиб, ўзига хос ифода шакли ҳисобланади. Х.Тўхтабоев романларида фантастик ўринлар ҳаёт ҳақиқатига уйғун тасвирланади. Бу эса фантастиканинг реализмни инкор этмаслигини кўрсатади.

Х.Тўхтабоев асарларида миллий руҳ, дунёқараш сезилиб туради. Х.Тўхтабоев миллий адабий анъаналаримизга, халқ оғзаки ижоди тажрибаларига таянган ҳолда саргузашт-детектив романининг ўзига хос, бетакрор миллий шаклини яратди, ўзи яратган миллий шакл воситасида ўзбек халқи ҳаётининг бетакрор манзараларини, ёрқин миллий характерларни бадий кашф этишга эришди.

Маълумки, ўзбек адабиётида шартли-рамзий анъана 80-йиллар охири, 90-йилларга келиб, О.Отахонов, Х.Дўстмуҳаммад, кейинроқ О.Мухтор, Н.Эшонқул каби носирлар ижодида янги босқичга кўтарилди. Бу йўналиш илдизлари бадий тажриба сифатида Х.Тўхтабоевнинг илк изланишларига бориб тақалади.

Х.Тўхтабоев илк маротаба “Сеҳрли қалпоқча” саргузашт қиссасида шартли восита - “сеҳрли қалпоқча”дан фойдаланди. Сеҳр воситаси болалар адабиётида кўп учрайдиган анъана сифатида Х.Тўхтабоевнинг айнан болалар ёзувчиси сифатидаги қарашини (концепциясини) намоён этади. Асарнинг бутун сюжети ана шу рамзий восита асосига қурилган. “Сеҳрли қалпоқ” халқ оғзаки ижодига хос бўлган бадий восита. Х.Тўхтабоев кейинги романларида яна шу хил рамзий ифода усулларига мурожаат этади ва шу тариқа ўзбек адабиётига фольклорнинг анъанавий поэтик воситаларини олиб киради.

Х.Тўхтабоевнинг “Ширин қовунлар мамлақати” романи фантастик асар сифатида кўпчиликка маълум. Ёзувчи асар фантастикасини бадий

фантастика талабларидан келиб чиқиб асослайди. Биринчидан, туш мотивидан фойдаланиб, воқеа-ҳодисалар қаҳрамоннинг тушида рўй бергани ҳар қандай фантастик ҳолатни шундайлигича қабул қилиш имконини беради. Иккинчидан, ёзувчи асарда рамзий образлар ёрдамида инсон руҳиятини ҳам ифодалайди. Асар қаҳрамони Ақромнинг устози профессор Дар-Даража билан бирга Иблисга қарши кескин курашувлари, лаборатория олимлари ўртасида турли баҳс-мунозаралар кечишини инсон ички туйғуларининг ўзаро курашига қиёс қилиш мумкин.

“Сариқ девни миниб”да Ҳошимжон характери саргузашт, детектив воқеаларда очилган бўлса, Ақром хаёл дунёсига чуқур шўнғийди. Китобхонни фантастика кенгликларига бошлайди. Ширин қовунлар мамлакати, Ҳандалак шаҳрига шўнғиб кетиши биланоқ Ақром ғаройиб мамлакатни кезади. Гу Ли, Гу Ла, Ур Бон, Қур Бон, Ос Мон, Нарӣ Бери, Хол Дор, Нор Вон, Шар Манда, Ола Кўз, Му Ти сингари ўнлаб кишилар билан учрашади. Ёзувчи ғаройиб юрт, унинг ўзига хос кишилари билан қаҳрамонини тўқнаштирар, баҳслаштирар экан, қиёслаш йўлидан боради: хаёлий юрт, унинг кишилари ҳақида ёзади-ю ўз мамлакати, одамлари, ижтимоий-маънавий-руҳий муаммоларни қиёслайди. Порахўрлар, масалан, қовунлар мамлакатада пулни килолаб оларканлар, тўрачилик шунчаликка етибдики, битта маълумотнома олиш учун ўндан ортиқ маҳкамадан далолатнома йиғиш керак бўларкан. Дар Даража ишлайдиган “Инсон” институтида кўплаб фан номзодлари, фан докторлари ишлайдилар. Ақром хид билиш қобилияти туфайли яқиндагина фан номзоди бўлган эди.

Бу асарда боланинг хаёлот дунёси кенг тасвирланади. Аслида бола руҳияти ғайриоддий ҳодисалар, фантастик тасаввурларга доимо ҳамоҳанг бўлади. Бунинг сабаби, бола дунёни тажриба эмас, балки тасаввур билан англайди. У ўз тасаввурида ўй-хаёлларининг, орзу-истакларининг ифодасини кўради. Х.Тўхтабоев “Ширин қовунлар мамлакати” асарида бола руҳиятини унинг хаёлот дунёси асосида ёритади. Ақром Ширин қовунлар мамлакатига бориб қолгач, кўз кўриб, кўриб қулоқ эшитмаган ғаройиботлар ичра сайр

киларкан, кўп нарсалар – ўз қишлоғида сира учратмаган ғаройиботлар уни чексиз ҳайратга солади. Масалан, қовун шаклидаги автобусга миниб, автобуснинг ғайриоддий кўринишини шундай тасвирлайди: “...Автобуснинг ичини томоша қила бошладим. Автобус эмас, келинчакларнинг ясатилган уйига ўхшайди. Деразаларга оқ, кўк шойилардан пардалар тutilган, оёк остига гулдор гиламлар тўшалган, ўриндиқларнинг юмшоқлигини айтмайсизми, суянчиқлар пар солинган парк-у болишдек, сал орқага ташласангиз, ичига ботиб кетасиз. Оқ садафдан ясалган тугмачани боссангиз, шойи пардалар бир томонга сурилиб, ташқаридаги гўзал манзаралар кўз ўнгингизда намоён бўлади. Кўк тугмани босган эдим, приёмник экан, аллақайси хонанданинг “Ўйласам бу дилбарим маккорга ўхшайди-ку!” деган овози гуриллаб эшитила бошлади. Йўқ, кўшиқнинг сўзлари бутунлай бошқача эди, мен сизга уни атайлаб ўзбекчалаб тушунтиряпман...”¹⁶⁰. Шунинг эътиборда тутиш лозимки, Х.Тўхтабоев ҳар қанча фантастик тасвир воситаларидан фойдаланмасин, қаҳрамон руҳиятида барибир миллий ўзига хослик сезилиб туради. Жумладан, қовуннусха автобус, унинг ичидаги ҳали бизда учрамайдиган қулайликлар, ўзига хос технология боланинг ҳайратомуз тасвири билан берилса-да, боланинг “Кўк тугмани босган эдим, приёмник экан, аллақайси хонанданинг “Ўйласам бу дилбарим маккорга ўхшайди-ку!” деган овози гуриллаб эшитила бошлади”, деган гаплари унинг ким эканлигини эслатиб туради. Яъни бола ўз дунёсидан бутунлай узилиб кетмайди. У янги саргузаштлар, янги ғаройиботлар билан учрашганда ҳам шунга ўхшаш айрим деталлар бола руҳиятининг ўзлиги (аслида ким эканлиги)га ишора қилиб туради. Ёки шу асардан яна бир мисол. Ақром овқатланиш учун бир ошхонага киради. Овқатланиш столи устида турли овқатларнинг номлари ёзилиб турар эди. Бу ёзувларни безори болаларнинг иши, деб ўйлаган Ақром уларни қайчи билан қиришга тушади. Маълум бўлишича, ёзувлар шу ерда бор бўлган таомларни столнинг устига чиқариб берувчи механизм эди. Боланинг хатти-ҳаракатини кузатиб турган икки

¹⁶⁰Тўхтабоев Х. Ширин қовунлар мамлақати ёки сеҳргарлар жанги. – Тошкент, Чўлпон, 1991. – Б.37.

хизматчи аёл унинг ёнига келиб, механизмнинг ишлаш жараёнини тушунтиради. “... Киприк қоққунча фурсат ичида столнинг ўнг томонидаги копоғи кўтарилиб-ёпилгандай бўлди. Қип-қизил қилиб қовурилган жўжа тарелкаси билан мен томонга сурилиб келмоқда эди... Демак, ҳамма нарса механизациялашган экан, мен бўлсам уни тушунмай аппаратни ишдан чиқариб қўяётибман. Яъни қишлоқчасига айтадиган бўлсак, яна битта қовун туширибмиз. Лекин шундай бўлса ҳам сир бой бергим келмай:

– Таомни чайнаб берадиган аппаратларинг йўқми? – деб сўрадим.

– Йўқ, – деди семиз аёл.

– Чайналган таомни ютишга ёрдамлашадиган аппарат-чи?

– Униси ҳам йўқ ҳали, – деди ориқ аёл.

– Орқада қопсизлар, – дея тўнғиллаб қўйдим”¹⁶¹. Ёзувчи фантазияси болани шундай ғаройиботлар оламидан олиб ўтаркан, ундаги Х.Тўхтабоев қахрамонларини ёдга солиб турувчи хусусият – сўзга чечанликни, боланинг “сал довдирроқ” табиатини албатта тасвирлайди. Ширин қовунлар мамлакатада уни ҳайратга солган нарса ва ҳодисалар жуда кўп эди. Навбатдаги мўъжиза, ўзининг “қовун тушириб” қўяёзгани ноқулай аҳволда қолдирди. Демак, фантастик оламда ҳам боланинг руҳий ўзлиги яшаб қолди. Яъни ҳижолатда қолганини яширишда унинг табиатидаги юморга мойиллик, сўзга чечанлик кўл келди. “Орқада қопсизлар, – дея тўнғиллаб қўйдим”, дейиш билан қахрамон ўз руҳий дунёсининг асл моҳиятини ошкор этди.

Бола хаёлот оламда кезар экан, ўз орзуларининг амалдаги ифодасини кўради. Унинг ҳамма нарсаси муҳайё: қовуннусха автобусда юриши, таомларни юзага чиқариб берувчи ёзувли тугмалар, ортиқча ҳақ олишни ҳақорат деб билувчи ҳайдовчилар – буларнинг ҳаммаси реал дунёда бўлишини истаган, лекин бўлмаган ҳодисалар эди. Бундан ташқари, боланинг табиатан хаёлга, фантазияга бой қалби уни янги-янги хаёлий саргузаштлар сари чорлайди. Асарда сеҳргар Иблисининг пайдо бўлиши ва у

¹⁶¹ Тўхтабоев Х. Ширин қовунлар мамлакатаи ёки сеҳргарлар жанги. – Тошкент, Чўлпон, 1991. – Б.42. (Кейинги мисоллар ҳам шу манбадан олиниб, саҳифаси кўрсатилади)

билан бўлган курашлар кескин зиддиятлар асосида бериб борилади. Бундай ўринлар халқ оғзаки ижодида тасвирланадиган қора (ёвуз) кучларни ёдга солади. “Жун босган оёқлари чиллаширникидек ингичка, узун. Қорни бамисоли тарвуз ютгандек туртиб чиққан, юзи чўзиқ, кўксига тушиб турган соқоли мум суртилгандек қоп-қора, чуқур кўзлари ўрнида шиша синиғи йилтираб тургандек, бошида соч эмас, куя тушган пўстак ёпиштирилгандек, кўкраги тўла жун...”¹⁶² сеҳргар Иблис шу тарзда пайдо бўлади. Иблиснинг ёвуз қиёфаси фантастик тасвир воситасида босқичма-босқич ривожлантириб борилади: “Шу аснода шиша ичидаги ҳалиги махлуқ тўрт-беш баравар катталашиб боши уйнинг шипига етгудек бир қиёфага кирди...”¹⁶³. Шу тарзда Иблис билан бўлган тўқнашувлар кескинлашиб боради. Иблис билан бўлган ҳар бир тўқнашув ўзига хос фантастик бўёқларда тасвирланади. Бу курашлар кўпинча томонлар кучи тенг келиши ёки махлуқнинг енгилиб, ҳийла ишлатиб қочиб қолиши билан яқунланади. Ниҳоят, халқ эртақ ва дostonларининг анъанавий тугалланмаси сингари асар сўнгида қаҳрамон Иблис устидан тўла ғалаба қозонишга эришади. Бир нарсани ёдда тутиш лозимки, асардаги ҳар қандай фантастик ўрин бола руҳиятини ифодалашга соя солмаган, турли мўъжизалар ичра кезганда ҳам, сеҳргар Иблис билан жанг қилганда ҳам бола руҳий ҳолати ўз ифодасини топиб келган. “Устига ташланганим билан фойдаси йўқ, яна кўздан ғойиб бўлади-ю, қорним билан ерга йиқилганим қолади. Нима қилсам экан, панада туриб тош билан туширсамми? Кошки, бу шаҳардан тош топиб бўлса!”¹⁶⁴, ўйлайди бола. Аммо бу ўйлаганларини амалга ошириб бўлмаслиғни ўзи ҳам яхши билади. Шундай бўлса-да унинг содда ақлига бундай фикрлар тез-тез келиб турар эди. Шундай қилиб, Х.Тўхтабоев асарларида фантастик ўринлар ёзувчи фантазияси ва халқ оғзаки ижоди бадиий воситалари билан биргаликда берилади. Гарчи бу фантастик ўринларда баъзан сеҳр-жоду мотиви устунлик қилса-да, қаҳрамон руҳий ўзлиги, миллийлик хусусияти сезилиб туради.

¹⁶² Шу асар. – Б.103.

¹⁶³ Шу асар. – Б.103.

¹⁶⁴ Кўрсатилган асар. – Б.173.

“Фантастик адабиётда эртак, саргузашт унсурларидан фойдаланиш ё аксинча, реалистик асарларда фантастикага мурожаат этиш ночорлик аломати бўлмасдан, балки тасвир имкониятларининг кенгайишига олиб келади. Фантастик адабиётда унинг бошқа кўринишлари каби ҳақиқий борликни текшириш ва атроф-муҳитга нисбатан ўз муносабатини билдириш учун кўмаклашувчи курул бўлиб хизмат этади. Фантастика адабиётда, даставвал, унсур сифатида иштирок этиб, сўнг мустақил жанр сифатида шакллангач, 2 турга: фантастик ва илмий фантастик адабиётларга ажралади. Табиийки, илмий фантастик адабиётда оғирлик маркази асарнинг бирор бир илмий техник гипотезани илгари сурувчи ғоявий асосида бўлади, соф фантастик асарларда эса фантастика кўпроқ қаламга олинган мавзунини ёритишда приём – усул сифатида фойдаланилади”¹⁶⁵.

Фантастик асарда ҳам мантиқ ва фикр изчиллиги бузилмаслиги керак. Акс ҳолда, асарга бўлган қизиқишдан ташқари, ишонч ҳам йўқолади. Китобхонни фантастик қаҳрамонларга ишонтириш фантастик асар муваффақиятли чиқишининг бирламчи гаровидир.

Ушбу боб юзасидан қуйидагича хулосаларга келиш мумкин:

1. Ёзувчи ўз дунёқараши, концепциясини ҳар бир асарда қайсидир даражада намоён этади. Бу дунёқараш ва ёндашув, албатта, қаҳрамон руҳиятида ҳам ифодасини топади. Х.Тўхтабоев ўсмир дунёсидаги ўзгаришларни баъзан ўз дунёқараши билан уйғун, баъзан эса ёзувчи ихтиёридан ташқарида тасвирлайди. Ёзувчи маънавий олами ёш қаҳрамонларда доимо тўлалигича акс этмайди, аммо, шундай ўринлар борки, унда ёзувчи матиғи устунлик қилади. Х. Тўхтабоев фельетон ёзиш жараёнида иллат ва жиноятларни фош этишга катта эътибор қаратган, бунинг натижасида салкам детективлик тажрибасига эга бўлган эди. Юз берган воқеаларни мантиқий изчиллик билан, айниқса реал фактлар билан асослаш сингари ўринларда ёзувчи концепцияси аниқ кўринади. “Сариқ девнинг

¹⁶⁵Иброҳимова Р. Ўзбек фантастикасининг таракқиёт тамойиллари: Филол.фан.д-ри ... дисс. Тошкент, 2005. – Б.90.

ўлими” асарида ёзувчининг жиноятларни илдизи билан суғуриб ташлаш, жиноятлардан холи, пок виждонли одамлар жамиятини яратиш ғояси акс эттирилган.

2. Ёзувчи маънавий оламидаги яна бир хусусият – кексаларга меҳр-муҳаббат туйғуси ҳам “Сарик девни миниб”, “Беш болали йигитча”, “Жаннати одамлар” асарларида ёрқин ифодаланган.

3. Бадий асарда ҳар бир ёзувчининг дунёқараши маълум даражада акс этади. Х.Тўхтабоев ўз табиатидаги юмор – енгил кулги, ҳазил-мутойибага мойилликни қаҳрамонлари табиатига кўчиради. Унинг қаҳрамонлари кўллаган юморлари билан ҳаётсеварлик, кўнгил тозалигини намоиш этади.

4. Бундан ташқари, ёзувчи фантазияси, ҳаёлот олами бола табиатидаги саргузашт-талаб-қамқорликка уйғун келади. Х.Тўхтабоев қаҳрамонлари ҳар қандай фантастик ўринда тасвирланмасин, уларда қаҳрамон руҳий дунёси, ўзлиги сақланиб туради. Фантастик деталлардан унумли фойдаланиб, уларни асар ғоясини ёритишга хизмат қилдиради. “Ширин қовунлар мамлакати” асарида фантастика элементлари жуда кўп ишлатилганидан қатъи назар, уларнинг барчаси қаҳрамон (бир вақтнинг ўзида ёзувчи – Р.Т.) дунёқарашини ифодалаган.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Ҳар қандай яхши асар қаҳрамон руҳий оламини теран ёритади. Бу коида болалар адабиёти асарлари учун ҳам хос. Худойберди Тўхтабоев ижоди бугунги ўзбек болалар адабиётининг ёрқин намуналаридан саналади. Унинг асарлари бола руҳиятини юксак даражада акс эттирганлиги, ёзувчининг ўз тили билан айтганда, “хаётбахш юмор”нинг устунлиги билан аҳамиятли.

“Худойберди Тўхтабоев романларида бадиий психологизм” мавзуси юзасидан қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Адабиётда инсон ички дунёсининг чуқур бадиий тадқиқи “бадиий психологизм” деб аталади. Психологизм бадиий адабиётда инсон қалби ва руҳиятини ифода этади. “Психологизм” тушунчаси “психологик таҳлил”дан кенгроқ, чунки психологизм муаллиф психологиясининг асардаги аксини ҳам англатади. Бадиий психологизмнинг тамойил, шакл ва воситалари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири қаҳрамон характери қирраларини ёритишга хизмат қилади. Унинг динамик ва аналитик принцип каби асосий принциплари мавжуд. Динамик принцип – қаҳрамонларнинг руҳий қиёфаларини уларнинг хатти-ҳаракатлари, қилиқлари орқали очиб берса, аналитик принцип – қаҳрамонлар ички дунёсини уларнинг хатти-ҳаракатлари, қилиқлари орқали очиб бериш билан бирга, фикрлар ва ҳислар оқимини, диалектикасини ҳам кўрсатиб беради. Шунингдек, психологизмнинг адабий портрет, монолог, диалог, туш, психологик тимсоллар, ҳиссий ҳаракатлар, пейзаж, галлюцинация каби воситалари мавжуд.

2. Ўзбек болалар адабиётида ҳам бола қаҳрамон характери, табиати ўзига хос йўсинда намоён бўлади. Худойберди Тўхтабоев романларида психологизмнинг аналитик кўриниши кўпроқ етакчилик қилиб, ёзувчи бола руҳий оламини фикрлар ва туйғулар оқими жараёнида тасвирлайди. Шунингдек, Х.Тўхтабоев романларида психологизмнинг ички монолог, диалог каби воситалари устуворлик қилади.

3. Ўзбек болалар адабиётида психологизмнинг энг катта хусусияти – комизм ҳисобланади. Комизм жараёнида бола қаҳрамон психологизми намоён бўлади. Бола руҳияти комизмга мойил бўлиб, у ҳар қандай вазият, ҳар қандай ҳолатда комикликдан йироқлашмайди. Ёзувчи бунда ўз қаҳрамонларини комик ҳолатлар, комик вазиятларда тасвирлайди. Натижада, қаҳрамон психологияси янада ёрқинроқ тарзда акс этади.

4. Ўсмир руҳиятини очишда ўзига хос восита ва усуллар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири руҳият қирраларини кўрсатиб беришда қўл келади. Бола руҳиятини тасвирлашда ўзаро муносабатлар алоҳида ўрин тутаяди. Жумладан, боланинг катталар билан ёки ўз тенгдошлари билан бўлган мулоқотлари ўзига хос характер қирраларини намоён этади. Катталар билан муносабатларда боланинг шахс сифатида шаклланиши, индивидуал тасаввурларга эга бўлиши ифодаланса, ўз тенгдошлари билан муносабатда бола ички олами анча эркин намоён бўлади. Болалар ўзаро муносабатларда бир-бирлари билан фикр алмашадилар, ўзаро тушуниш, дўстлик каби мулоқот шакллари бола руҳияти қирраларини кўрсатиб боради. Жумладан, бола ўз тенгдошлари ва катталар билан ўзаро зиддиятли ёки ўзаро англашилган ҳолатда мулоқотда бўлади. Болаларнинг ўзаро англашилган мулоқоти жараёнида новербал коммуникация, ўзаро дўстлик туйғуларини кўриш мумкин.

5. Бола руҳиятини очишда ўзаро муносабатлар, ижтимоий муҳит катта аҳамиятга эга. Муносабатлар асносида боланинг ички олами юзага чиқади. Монологик, диалогик нутқ шакллари бола психологиясини ёритишда асосий воситалардан бўлиб хизмат қилади. Ижтимоий муҳитда бола руҳияти шаклланади, ривожланади ва қандай эканлигини намоён этади. Х.Тўхтабоевнинг “Беш болали йигитча”, “Мунгли кўзлар” асарлари мисолида икки хил ижтимоий муҳит таъсирида бола руҳиятининг ифодасини кўриш мумкин. Биринчиси, уруш даври фожиалари ичра бола руҳияти тасвири бўлса, иккинчиси, осойишта, тўкин-сочин оила муҳитида тарбия топган болалар руҳияти ифодаланади.

6. Уруш даври фожиалари, мураккабликлари бола руҳиятида оғир вазиятларни юзага келтирган. “Беш болали йигитча” асари таҳлили жараёни бу асарда бола психологизми муаллиф психологизми билан уйғун ҳолда келганлигини кўрсатади. Яъни бу асар муаллиф биографиясининг айрим ўринларига ҳамоҳанг келган. Болалар бошига тушган фожиаларнинг сабаби кимдир эмас, балки жамиятни инқирозга етакловчи жаҳон уруши эканлиги маълум. Демак, бола руҳий оламидаги кечинмалар умумий ижтимоий муҳит таъсирида юзага келган. “Мунгли кўзлар” романида эса қаҳрамоннинг тўкин-сочин оила фарзанди эканлиги асар бошида бошқача ифодаланса, асардаги фожиалар давомида болалар руҳиятида ўзгаришлар динамикаси ёритилади.

7. Ёзувчи Х.Тўхтабоев асарларида катталар ва болалар муносабати масаласи алоҳида ўрин тутаяди. Жумладан, кексалар психологияси ўзига хос тарзда ёрқин акс эттирилган, кекса одамлар – чол-кампира алоҳида меҳр билан тасвирланади. Ҳошимжон бувисини, Ақром сартарошни, полковник Салимжон Отажоновни ниҳоятда ҳурмат қилади. Ақром билагон Ширин қовунлар мамлакатда Дар Даражадай устоз-суянчиқ топиб олганидан беҳад қувонади. “Беш болали йигитча”да Парпи бобо, Тўти хола, Пакана бобо, Абзий сингари кексалар етимларнинг бошини силайдилар. Ёзувчининг “Жаннати одамлар” асарида эса Эрка бобо, Матмуса бобо сингари диёнатли, илмли кишилар тимсоли меҳр билан тасвирланган. Бунинг сабаби, ёзувчи маънавиятининг камолга етишида унинг бобоси ва бувиси катта ҳисса кўшганидир. Худойберди Тўхтабоевнинг ёшлиги, болалиги бобоси Эркабой ва энаси Робиябиби хонадонида ўтган. Бобоси етим набирасига меҳр берди, меҳнатга кўниктирди, диёнатли бўлишга ундади. Кексалардан олган меҳр, тарбия адибнинг деярли барча асарларида кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам унинг асарларида кекса одамлар образи беғубор, қалби пок, раҳмдил ва инсонпарвар қилиб тасвирланади.

8. Ёзувчи руҳий-маънавий олами қаҳрамонларда айрим ўринларда тўлиқ, айрим ўринларда қисман акс этган. Айрим ўринларда эса қаҳрамон руҳияти ёзувчи дунёсидан узилган тарзда тасвирланади. “Сариқ девни

миниб” асарида детектив ўринлар, “Беш болали йигитча” асарида етимлик азоблари, ҳаёт қийинчиликлари ҳамда кекса одамларга алоҳида меҳр туйғусининг акс эттирилишида ёзувчи маънавий олами тўла акс этади. Бунинг сабаби ёзувчидаги руҳий-маънавий олам ана шундай одамларга иззат-хурмат ва меҳр-муҳаббат билан йўғрилган эди. Умуман олганда, ёзувчи руҳий-маънавий олами ёш қаҳрамонларда ўзига хос тарзда акс этади. Баъзан бу ҳодисада ёзувчилик руҳи устунлик қилиб, жамият маънавий ҳаёти ёзувчи томонидан идрок қилинади, баъзан эса қаҳрамон психологизми ўзининг руҳий-маънавий ҳолатини ёзувчи ихтиёридан ташқарида намоён этади.

9. Ёзувчи ўз дунёқараши, концепциясини ҳар бир асарда қайсидир даражада намоён этади. Бу дунёқараш ва ёндашув, албатта, қаҳрамон руҳиятида ҳам ифодасини топади. “Сарик девнинг ўлими” асарида ёзувчининг жиноятларни илдизи билан суғуриб ташлаш, жиноятлардан холи, пок виждонли одамлар жамиятини яратиш ғояси акс эттирилган.

10. Х.Тўхтабоев романларида бола ҳаёлот дунёси, ёзувчи фантазияси ўзига хос тарзда акс этган. Унинг ўзига хослиги қаҳрамонлар сеҳрлар куршовида, ҳаёлот оламида кезса-да ўзига хос табиати, миллий хусусиятлари намоён бўлиб туради. Ҳошимжоннинг сеҳрли қалпоқчадан фойдаланиши, Ақромнинг Ширин қовунлар мамлакати ичра ғаройиб саргузаштларни бошидан кечириши сингари воқеалар қаҳрамон руҳият оламини тасвирлашга тўсқинлик қилмаган. Демак, ҳаёлот, мистик оламда ҳам бола руҳияти акс этган.

Умуман, болаларга ва ўсмирларга бағишланган асарларда бола руҳий дунёсининг қанчалар ёрқинлик касб этиши муҳим. Зеро, болалар қалби, маънавиятини юксалтиришда болалар адабиётининг роли беқиёсдир. Болалар учун асар ёзган ҳар бир ёзувчи қайсидир маънода болага руҳий озуқа, маънавий бойлик, қалбига гўзаллик ва эстетик завқ берувчи мураббий ҳамдир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш. Адабиёт, санъат ва маданият яшаса, миллат ва халқ, бутун инсоният безавол яшайди. // www.xabar.uz. 07.08.2018.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент, Маънавият, 2008.
3. Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Тошкент, Ўзбекистон, 2009.

II. ИЛМИЙ МАНБАЛАР

4. Адабиёт назарияси. Икки томлик 1-т. Адабий асарда конфликт. – Т.: Фан, 1978.
5. Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 1-2-жилд. – Т.: ЎзР ФА Фан, 1991. – Б.384.
6. Ананьев Б.Г. Избранные психологические труды. 2-х томах. М.: Педагогика, 1980.
7. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. – Т.: Янги аср авлоди, 2011. – Б.350.
8. Арзамасцева И.Н., Николаева С.А. Детская литература: Учебник для студентов высш. и средн. пед. учебн. заведений. М.: Издательский центр “Академия”; Высшая школа, 2000. – С. 472.
9. Баракаев Р. Абдулла Авлоний ва ўзбек болалар адабиёти. – Т.: Фан, 2004.
10. Бахтин М.М. Проблемы поэтики Достоевского. – М.: Советский писатель, 1963. – 364 с.
11. Бахтин М.М. Вопросы литературы и эстетики. Исследования разных лет. – М.: Художественная литература, 1975.
12. Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. – М.: Искусство, 1979. – С.424.

13. Белинский В.Г. Полн. собр. соч., т. 5.– М.: АН СССР, 1954. – С.317.
14. Белинский В.Г. Танланган асарлар. –Т.: Ўздавнашр, 1955. – Б.150.
15. Белинский В.Г.Адабий орзулар.–Т.: Адабиёт ва санъат, 1977. – Б.109.
16. Болалар адабиёти ва замонавийлик. –Т.:Фан, 1981.
17. Болалар адабиёти: ижодий-услубий изланишлар. Ўқув кўлланма. – Т.: 2009.
18. Выготский Л.С. Психология искусства. 3-е изд. – М.: Искусство, 1986. – С.572.
19. Гинзбург Л.Я. О психологической прозе. Изд. 2-е. Л.: Художественная литература, 1976.
20. Гинзбург Л.Я. О литературном герое.– Л.: Советский писатель, 1979. – С.224.
21. Грифцов Б.А. Психология писателя.– М.: Худ. лит., 1988.
22. Долженко Л. В., Савина Л. Н. Развитие концепции детства в русской литературе и критике XIX в.: Учеб. пособие к спецкурсу по детской литературе. – Волгоград : Перемена, 2001. – С.97.
23. Дунёга танилган адиб (Х.Тўхтабоев замондошлари наздида).– Т.: Мумтоз сўз, 2012.
24. Есин А.Б. Психологизм русской классической литературы. –М.: Просвещение, 1988. – С.176.
25. Жумабоев М. XX аср ўзбек шериятида психологик тасвир маҳорати. –ДДА. – Т.: АН, 2000. – Б.38.
26. Жумабоев М. Болалар адабиёти. – Т.: Ўқитувчи, 2001.
27. Жумабоев М. Ўзбек ва чет эл болалар адабиёти.– Т.: Ўзбекистон, 2002.
28. Жўраев Т. Онг оқими ва модерн. – Фарғона: “Фарғона” нашриёти, 2009.
29. Жўракулов У. Худудсиз жилва. – Т.: Фан, 2006. – Б.58.

30. Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари. –Т.: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015.
31. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Т.: Янги аср авлоди. 2006.
32. Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси.–Т.: Мухаррир, 2011. – Б.86.
33. Карим Б. Рухият алифбоси. –Т.: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – Б.360.
34. Каримова В.А., Акрамова Ф.А. Психология. – Т.: 2000.
35. Компанеец В.В. Художественный психологизм в советской литературе (1920-е годы.) – Л.: Наука, 1980. – С.113.
36. Кузьмина М.Ю. Страшное в сказках К.Чуковского// Проблемы детской литературы. –П.: 1995. – С.57-69.
37. Кэмпбелл Джозеф. Герой с тысячи лицами. Пер. с англ. — Лтд.: София, 1997. – С.336.
38. Қахрамонов Қ. Адабий танқид ва ўзбек болалар адабиёти. – Т.: Фан, 1991.
39. Қўшжонов М, Норматов У. Маҳорат сирлари. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1968.
40. Қўшжонов М. Ўзига хос ижод йўли. – Т.: Ёш гв., 1982.
41. Матчонов С. Китоб ўқишни биласизми? – Т.: Ўқитувчи, 1993.
42. Мақсудова М.А. Мулоқот психологияси. –Наманган, НамДУ, 2005.
43. Неолов Е. М. Фольклорная болшебная сказка и научная фантастика. – Петро заводок, 1983.
44. Норматов У. Талант тарбияси. Т.: Ёш гв., 1980.
45. Норматов У. Ақл ва қалб чироғи. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.
46. Норматов У. Ижод сеҳри. – Т.: Шарқ, 2007. Норматов У. Нафосат гурунглари. –Т.: Мухаррир, 2010. – Б.350-362.
47. Норматов У. Саргузашт сардори. –Т.:Адиб, 2012.

48. Пардаева З. Бадий-эстетик тафаккур ривожи ва ўзбек романчилиги. – Т.: Янги аср авлоди, 2002.
49. Плеханов В. Г. Литература и эстетика. В 2-х томах. Т. II. –М.: 1958. – С.579.
50. Расулов А. Бетакрор ўзлик. – Т.: Мумтоз сўз, 2009. – Б.157.
51. Расулов А. Фаройиб салтанат. –Т.:Адиб, 2012.
52. Умуров Ҳ. Бадий психологизм ва ҳозирги ўзбек романчилиги. –Т.: Фан, 1983.
53. Умуров Ҳ. Қаҳрамоннинг маънавий олами ва эпиклик. –Т.: Фан, 1995.
54. Умуров Ҳ. Адабиёт қоидалари. – Т.: Ўқитувчи, 2010. – Б.208.
55. Уэллик Р. Уоррен. О. Теория литературы. – М.: Прогресс, 1978. – С.35.
56. Фрейд З. Остроумие и его отношение к бессознательному / “Я” и “Оно”. – Тбилиси. – Мерани. – 1991. – С.378.
57. Хализев В.Е. Теория литературы. Учебн. 2-е изд. - М.: Высшая школа, 2000. – С.398.
58. Чернишевский Н. Г. Полн. собр. соч. В 15 томах. Т. 3. –М.: 1947. – С.423.
59. Шарафиддинов О Гўзаллик излаб. – Т.:Ғ.Ғулом. 1985.
60. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Т.: Шарқ, 2004. – Б.640.
61. Шермухамедов П. Руҳий олам кўзгуси. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971.
62. Шермухамедов П., Турсунов Ж., Сафаров О., Эгамов Х.Ўзбек болалар адабиёти. – Т.: Ўқитувчи, 1976.
63. Шермухамедов П. Истеъдод сеҳри. – Т.: Ёш гвардия, 1977. –Б.59-60.
64. Шодиев Н. Мастерство психологического анализа Абдуллы Каххара (на примере произведений “Мираж” и “Птичка-невеличка”). – Т.: АҚД., 1973.
65. Шодиев Н. Руҳият рассоми. – Т.: Фан, 1977.

66. Эйхенбаум Б. О. О литературе: работы разных лет. – М.: Советский писатель, 1987. – С.540.

67. Ғойибов Н. Санъат тараққиётининг баъзи масалалари. – Т.: Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва саръат нашриёти, 1970. – Б.108-131.

III. БАДИИЙ АДАБИЁТЛАР

68. Тўхтабоев Х. Сарик девни миниб. – Т.: Ёш гвардия, 1982.

69. Тўхтабоев Х. Мунгли кўзлар. –Т.: Ёш гвардия, 1988.

70. Тўхтабоев Х. Ширин қовунлар мамлакати ёки сеҳргарлар жанги. – Т.:Чўлпон, 1991.

71. Тўхтабоев Х. Беш болали йигитча. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2005.

72. Тўхтабоев Х. Жаннати одамлар. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2005.

IV. ДИССЕРТАЦИЯ ВА АВТОРЕФЕРАТЛАР

73. Алиев Б. Ҳозирги замон ўзбек шеърлярида психологизм муаммоси. Филол.ф.н... дисс. автореферати. – Т.: – 1994.

74. Ашуrow Б. Турсунбой Адашбоев шеърлари поэтикаси: Филол.ф.н.. дисс. – Т.: 2008.

75. Баракаев Р. XX аср бошларидаги ўзбек болалар адабиёти ва Абдулла Авлоний ижоди: Филол.ф.н... дисс. автореф. – Т.: 1994.

76. Бобохонов М. Ҳозирги ўзбек қиссачилигида психологизм. Филол. ф.н... дисс. – Т.: 2012.

77. Жўраев Т. Онг оқими ва тасвирийлик: Филол.ф.н... дисс. – Т.: ЎзФА ТАИ, 1994.

78. Жўраева Г. Ўзбек болалар шеъриятида ҳажвий образ яратиш маҳорати (XX асрнинг 80-90 йиллари материаллари асосида). Филол.ф.н... дисс. автореф. – Т.: 2010.

79. Иброҳимова Р. “Ўзбек фантастикасининг тараққиёт тамойиллари”. Филол.ф.д.... дисс. –Т.: 2005.

80. Каримов Б. XX аср ўзбек адабиётшунослигида талқин муаммоси (Қодирийшунослик асосида): Филол.ф.д... дисс. – Т.: 2002.

81. Кенжаева П. Ҳозирги ўзбек ҳикояларида қаҳрамон руҳиятини тасвирлаш. Ф.ф.н... дисс. автореф. – Т.: 2008.

82. Мусаева У. Х.Тўхтабоев романларининг сюжет-конфликт хусусиятлари: Ф.ф.н... дисс. –Т.: 1997.

83. Расулов А. Ҳозирги ўзбек танқидчилигида таҳлил ва талқин муаммоси: Ф.ф.д... дисс. – Т.: 2002.

84. Турдиева К. Ҳозирги замон болалар шеъриятида маънавий масаласи: Филол.ф.н... дисс. автореф. – Т.: 2004. – Б.23.

85. Қуронов Д. Чўлпон поэтикаси (Насрий асарлари): Ф.ф.д... дисс. – Т.: 1998.

V. МАҚОЛАЛАР

86. Абдурахмонова М. Характер психологизми, муҳит ва типик шароит. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1975 й., 2-сон. – Б.29 – 35.

87. Абдурахмонова М. Рус адабиёти ва ўзбек прозасида психологик таҳлил. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1976 й., 2-сон. – Б. 40 – 44.

88. Ашур С. Кичкинтойларнинг катта шоири // Шарқ юлдузи, 2015 й., 2-сон. – Б.153.

89. Баракаев Р. Бугунги ўзбек болалар шеъриятида бадиий тасвир // Ўзбек тили ва адабиёти, 2017 й., 4-сон. – Б.35.

90. Ботирова Ш. Романчиликда эврилишлар. // Ёшлик, 2009, № 4

91. Гоганова А.В. “Пожилые” дети в романе А.Платонова “Чевенгур”. // Вестник Московского университета. Серия 9: Филология. 2016. №1. – С.197.
92. Жалилова Б. Болаликни суймаган ким бор? // Тил ва адабиёт таълими, 2017, 4-сон. – Б.38.
93. Жовлиев Б. Рухиятдаги эврилишлар мифологик талқини // Тил ва адабиёт таълими. 2016 й.,10-сон. – Б.39.
94. Жўраев Й. Насрий асарларнинг психологик таҳлили. // Тил ва адабиёт таълими, 2012. 6-сон. – Б.31.
95. Йўлдошев Қ. Романда шахс тасвири // Шарқ юлдузи, 2016 й., 11-сон. – Б.119.
96. Камышанова Л. Пришелцы из страны приключений (О психологизме приключенческой прозы) //О литературе для детей. Выпуск 18-й. Сборник критических статей. –Л.:Дет. лит.,1974. – С.206.
97. Каримов Н. Болалар адабиётининг кеча ва бугуни // Тил ва адабиёт таълими, 2016, 5-сон. – Б.10.
98. Колесова Л.Н. Свое в чужом: О сказке Е.Шварца “Золушка”// Проблемы детской литературы. –П.: 1995. – С.76-82.
99. Колобаева Л.А. “Никакой психологии” /О перспективах психологизма в русской литературе нашего века // Вопросы литературы. 1999, № 2 – С.3-20.
100. Лихачев Д.С. Внутренний мир художественного произведения. // Вопросы литературы, 1968. -№ 8. – С.77.
101. Мадаев О. “Ширин қовунлар мамлақати”даги аччиқ ҳақиқат // Х.Тўхтабоев. “Ширин қовунлар мамлақати” романига сўнгсўз. –Т.:Чўлпон, 1991. – Б. 280.
102. Мамажонов С. Ҳаққонийлик ва услубий ранг-баранглик учун // Ўзбек тили ва адабиёти, 1979 й., 4-сон.
103. Матжон С. Болалар адабиёти: санъатми ё тарбия? / Ўзбек адабий танқиди. Антология. – Тошкент, Turon-Iqbol, 2011. – Б.334-340

104. Матжонов С. Сехрли қалам ёхуд болалигини қўмсаган бобо. / Х.Тўхтабоев. “Қайлардасан болалигим” китобига сўзбоши. – Тошкент, 2018. – Б. 5.
105. Назаров Д. Руҳиятнинг бетакроп тасвири // “Тил ва адабиёт таълими”, 2017, 8-сон. – Б.34.
106. Неелов Е.М. Сложность простоты: “Сказка о глупом мышонке” С.Я.Маршака // Проблемы детской литературы. –П.: 1981. – С.62-75.
107. Норматов У. Болакай нигоҳидаги замон талотўплари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2012 й., 4-май.
108. Норматов У. Ўзбек болалар насри дарғаси // Тил ва адабиёт таълими, 2012 й., 8-сон.
109. Норматов У. Илк тарихий саргузашт роман // Тил ва адабиёт таълими, 2017, 9-сон. – Б.35.
110. Парандовский Ян. Сўз кимёси // Жаҳон адабиёти, 2017-й., 7-сон. – Б.153-160.
111. Раҳим Г. Ҳар гўдак бир мўъжиза // Жаҳон адабиёти, 2016 й., 6-сон. – Б.138.
112. Сувон Мели. Комик катарсис // Ўзбек тили ва адабиёти, 2003, 3-сон. – Б.20.
113. Турдиева К., Азимова П. Болаликнинг руҳий олами // Тил ва адабиёт таълими. 2016 й.,11-сон. – Б.37.
114. Турдиева К. Болалик дунёсидан бир лавҳа // “Шарқ юлдузи”, 2017 й., 5-сон. – Б.128.
115. Турдиева К. Бола қалбининг руҳшуноси// “Тил ва адабиёт таълими”, 2017, 5-сон. – Б.28.
116. Улуғов А. Адабий қахрамон қадри // Жаҳон адабиёти, 2015 й., 5-сон. – Б.146.
117. Фром Эрих. Инсон қалби // Шарқ юлдузи, 2015 й., 4-сон. – Б.172.
118. Холиқов Б. Бадиий асар композициясида ёндош образларнинг ўрни // Ўзбек тили ва адабиёти, 2015 й., 1-сон. – Б.85.

119. Хўжамқулов У. Бадиий портретда миллий ва руҳифодаси // Ўзбек тили ва адабиёти, 2015 й., 5-сон. – Б.68.

120. Қўчқорова М. Ҳозирги ўзбек насрида ассоциатив тафаккур // Ўзбек тили ва адабиёти, 2015 й., 4-сон. – Б.65.

121. Қўчқорова М. “Ўтмишдан эртақлар”да болалик мотиви // Ўзбек тили ва адабиёти, 2016 й., 12-сон. – Б.39.

VII. ЭЛЕКТРОН РЕСУРСЛАР

122. Божович Л.И. Проблемы формирования личности. – <http://tneerson.ru/problemu-formirovani.html>. – 05. 04. 2009.

123. Веселовский А.Н. Психологический параллелизм и его формы в отражении поэтического стиля. – [ssibook.net©info@ssibook.net](http://ssibook.net/info@ssibook.net).2008.

124. Выготский Л.С. К вопросу о динамике детского характера. – <http://www.psychology.ru/library/00063.html>. – 05. 04. 2009.

125. Обухова Л.Ф. Детская (возрастная) психология. – <http://www.otrok.ru/medbook/books/obuhova.htm>. – 05. 04. 2009.

126. Эльконин Б.Д. Зинченко В.П. Психология развития (по мотивам Л.Выготского). – http://opel.rsl.ru/nettext/russian/zinchenko/psych_razvitiya.htm. – 05. 04. 2009.

127. Куронов Д. Роман ҳақида айрим мулоҳазалар. 22.03.2013 web: www.ijod.uz.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

I бўлим

1. Тулабоева Р. Ўзбек болалар адабиётида катталар ва болалараро муносабатда болалар характерининг ёритилиши // ЎЗМУ хабарлари. – Тошкент, 2011, № 1. – Б. 41-43 (10.00.00 – № 15).

2. Тулабоева Р. Учқур хаёл мевалари // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2011, № 6. – Б. 190-191 (10.00.00 – № 4).

3. Тулабоева Р. Болалар адабиётида ўсмир руҳияти ўзига хосликлари (Х.Тўхтабоев “Беш болали йигитча” асари мисолида) // Илм сарчашмалари. – Урганч, 2011, № 3. – Б. 57-60 (10.00.00 – № 3).

4. Тулабоева Р. Болалар характерини тасвирлашда кулгининг ўрни // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2011, № 5. – Б. 166-167 (10.00.00 – № 19).

5. Тулабоева Р. “Беш болали йигитча” асарида кексалар образи // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2012, № 5. – Б. 13-14 (10.00.00 – № 9).

6. Tulabayeva R. Özbek Çocuk Edebiyatı // Kardeş Kalemler (Aylık Avrasya Edebiyat Dergisi) – Istanbul (Türkiye), Şubat, 2013, S.188-202 (№ 8: 01.06.2012).

7. Тулабоева Р. Ўзаро муносабатларда бола руҳиятининг бадий талқини / Изланиш самаралари (Ўзбекистон ёш тилшунослари ва адабиётшуносларининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган анъанавий илмий анжуман материаллари). – Тошкент, 2011, № 1. – Б. 191-194.

8. Тулабоева Р. Болалар адабиётида ўсмирлар дунёқарашидаги гуманизм туйғуларининг акс этиши / Ўзбекистоннинг инновацион тараққиёти – ёшлар нигоҳида (Республика ёш олимлари ва иқтидорли талабаларининг илмий конференцияси материаллари) – Тошкент, 2010. – Б. 244-246.

9. Тулабаева Р. Худойберди Тўхтабоевнинг “Сариқ девни миниб” романида новербал мулоқот қаҳрамонлар руҳиятини акс эттириш воситаси сифатида / “Global science and innovations 2019: Central Asia” (5-халқаро

илмий-амалий конференцияси материаллари). – Астана (Казахстан) 2019, 8. – Б. 179-184.

10. Тулабаева Р. Худойберди Тўхтабоевнинг “Беш болали йигитча” романида уруш даври болалари образи / “iScience” Актуальные вызовы современной науки (XXXVII Международная научная конференция). Выпуск 5 (37). – Переяслав-Хмельницкий (Украина) 2019. – С. 159-161.

И бўлим

11. Тулабоева Р. Бадиий асарда ижтимоий мухит ва бола руҳияти // Ёшлик. – Тошкент, 2011, № 6. – Б. 56-57.

12. Тулабоева Р. Нурли ришта // Тафаккур. – Тошкент, 2012, №1. – Б. 120 -121.

13. Тулабоева Р. Маънавий баркамоллик сари // Тарбия – Тошкент, 2013, № 6. – Б. 23-24.

14. Тулабоева Р. Ёзувчи концепцияси ва ўсмир руҳияти ўзига хослиги / Изланиш самаралари (Ўзбекистон ёш тилшунослари ва адабиётшуносларининг анъанавий илмий анжуман материаллари). – Тошкент, 2012, № 2. – Б. 207-210.

15. Тўлабоева Р. Бола психологиясидаги комик ҳолатлар Худойберди Тўхтабоев қахрамонларида / Магистратура талабаларининг илмий ишлари тўплами. – Тошкент, 2003. – Б. 249-252.

16. Тўлабоева Р. Танқидчиликда Худойберди Тўхтабоев ижодининг ўрганилиши / Бакалаврият талабаларининг илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 2005. – Б. 102-104.

17. Тўлабоева Р. “Қасоскорнинг олтин боши” романида миллийлик хусусиятининг намоён бўлиши / Аспирант, тадқиқотчи, магистр ва бакалавр талабаларининг конференция материаллари. – Тошкент, 2008. – Б. 143-145.

18. Тўлабоева Р. Болалар характерини тасвирлашда кулгининг ўрни (Х.Тўхтабоев ва Н.Носов асарлари мисоли) / Ўзбек филологиясининг долзарб муаммолари (илмий анжуман материаллари). – Тошкент, 2010. – Б. 79-83.

19. Тулабоева Р. Тоҳир Маликнинг “Алвидо, болалик” асарида ўсмир руҳиятидаги зиддиятлар ифодаси / Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2016. – Б. 296-297.

20. Тулабоева Р. Чингиз Айтматовнинг “Оқ кема” асарида бола қалби олами тасвири / Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети конференция материаллари тўплами. – Тошкент, 2016. – Б. 345-347.